

Навоийга яқинлашиш эҳтиёжи

Муассислар:
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси,
“Kamolot” ёшлар ижтимоий ҳаракати**

1982 йилдан чиқа бошлаган.

Таҳрир ҳайъати:
**Муҳаммад АЛИ
Иқбол МИРЗО
Сирожддин САЙИД
Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ
Фаррух ЖАББОРОВ**

Жамоатчилик кенгаши:
**Қаҳрамон ҚУРОНБОЕВ
Азамат УМАРОВ
Аҳмад ОТАБОВ
Шухрат СИРОЖИДДИНОВ
Серобиддин ИСМОИЛОВ**

Бош муҳаррир:
Нодир ЖОНУЗОҚ

Бош муҳаррир ўринбосари:
Нурилла ЧОРИ

Масъул котиб:
Ориф ТОЛИБ

Масъул муҳаррир:
Элёр МУРОД

Муҳаррир:
Ғиёсиддин ЎНАРОВ

Бадий муҳаррирлар:
**Ақбарали МАМАСОЛИЕВ
Раҳматжон ЮНУСОВ**

Фотограф:
Рустам НАЗАРМАТ

Манзилимиз:
Тошкент шаҳри,
Ислоҳ Каримов кўчаси, 16-“а” уй.
E-mail: yoshlik-jurnali@umail.uz
www.yoshlikjurnali.uz
Тел/факс: (0371) 227-0-227,
245-0-552

Навбатчи муҳаррир: Ф. Ўнаров
Босишга 13.03.2017 йилда руҳсат берилди.
Қоғоз формати 60x84 1/8.
Наشريёт ҳисоб тобоғи 8.7. Индекс 822.
ISSN 0207-9137. Журнал 2007 йил 4 майда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги
томонидан № 0253 рақами билан рўйхатга олинган.
Журналдан кўчириб босилганда
“YOSHLIK” дан олинди” деб изоҳланиши шарт.
“SILVER STAR PRINT” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.
Буюртма № 25. Адади 4200 дона.
Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 22-мавзе, 17-уй.

Алишер Навоий ҳақида сўз кетса, кўз олдимизда нуроний чехрали, авлиё рутбали шахс қиёфаси намоён бўлади. Ул зотнинг покиза эътиқоди, гўзал маслағи, асарларидаги эзгу ғояларнинг юксак бадий тараннуми билан танишарканмиз, инсон боласи ҳам шу даражада мукамал бўладими, деб ҳайратланамиз. Ул зотнинг нурли шахсияти биз учун етиб бўлмас даражадаги қуёшдай порлоқ идеал. Ҳазрат бу мақомга, шубҳасиз, юз карра, минг карра муносиб. Навоий сиймоси то қиёмат қадар нафақат биз авлодларини, балки бутун дунё халқларини поклик ва саодатга чорловчи нурафшон маёқ бўлиб қолгуси!

Ҳазрат шахси ва ижоди олдида бош эгиб таъзим қиларканмиз, кўнгилдан бир иштибоҳ ўтади: улуг Навоийни етарли ўқимасдан, ўқимасдан чала, ҳавоий тасаввуримизга таяниб, у зотни ўзимиздан узоқлаштириб қўймайтмизми? Навоий ва замондошларимиз орасида мавҳум девор пайдо бўлмаяптими? Одамларда “Ҳа, энди у зот Навоий-да, биз оддий одам жинсидан бўлсак, демек, қусуримиз, камчилигимиз ҳам ўзимизга ярашади”, деган қаноат ҳосил бўлмаяптими?

Аслида, Алишер Навоий ҳам сизу биздек ота-онадан туғилган. У киши ҳам барча болалар каби вақтида ўйнаган, қувнаган, аразлаган, эркаланган. Бошқа ўсмирлар каби, табиийки, кўнглида ўтли туйғулар уйғонган – севган, севилган. Эл қатори у зотнинг ҳам яқин дўстларию маслақдошлари, душманларию кўролмайдиган ғанимлари бўлган. Барча инсонлар каби ҳазрат ҳам кимгадир ихлос қўйган, кимдандир ранжиган – кимнидир алқаган, кимдандир нафратланган. Бир сўз билан айтганда, Алишер Навоий ҳам одамзот ҳис қилиши мумкин бўлган барча қувончу аламларни туйиб яшаган. Яратганнинг бир бандаси сифатида турфа синовларга рўбарў бўлган. Фақат, гап шундаки, у зот имон-эътиқодига содиқ ҳолда, ўз ҳаётини миссиясини чуқур идрок этган тарзда бу имтиҳонлардан ёруғ юз билан ўтиб бани башарга намуна бўлганлар!

Навоийнинг соф инсоний хислатлари, характер чизгилари ўз асарларида етарлича акс этган. Қолаверса, Навоий ҳақида замондошлари ёки сал кейинроқ яшаб ўтган тарихнависларнинг битикларини ўқирканмиз, у кишининг жонли юрак зарбларини туямиз. Турли вазиятлардаги тутумлари, феъл-атвори, руҳий ҳолати ҳақида аниқ тасаввурга эга бўламиз. Ва оддий инсон сифатида бугунги кун одамига ҳам ниҳоятда яқин бўлган ва айни пайтда ўзининг юксак ахлоқи ва истеъдоди билан барча давр одамларига намуна бўла оладиган куюнчак, самимий, нозик қалб эгасини кўрамиз. Навоий билан орамиздаги мубҳам девор, беш асрлик масофа ғойиб бўлади.

Назаримизда, адабиёт муаллимлари дарс чоғида Навоийни ўқувчига (тўғрироғи, ўқувчини Навоийга) яқинлаштиришга ҳаракат қилмоғи лозим. Бунинг учун ўқитувчининг ўзи Навоий шахсиятини яхши билмоғи ва улуг шоир илгари сурган ғояларга амал қилмоғи зарур. Токи бугун ёш авлод Навоийни афсонавий қаҳрамон деб эмас, балки инсонга хос заифликларни енгган, ички тарбия орқали ўз сийратини безаган, худо берган истеъдодини тоблаб ижодий мўъжизалар яратган жонли, барҳаёт шахс сифатида танисин. Ана шундагина Навоийга талпинувчилар, ундан куч ва қувват олувчилар, ғояларига эргашувчилар кўпаяди. Ана шундагина Навоий олдидаги бурчимизни бир қадар ўтаган бўламиз...

МУНДАРИЖА

31




52



59



34



№ 2 (309), 2017 й.

НАЗМ

- 7 Тўлан Низом**
Шоир ва шоҳ Бобур қалбининг
беш аломати
- 23 Икром ИСКАНДАР**
Ёшлик дафтарига
- 48 Меҳриноз АББОСОВА**
Муҳаббатни эҳтиёт қилинг
- 57 Ашуралӣ БОЙМУРОД**
Навоийдан наво топдим, куй
топдим
- НАСР**
- 10 Хуршид ДЎСТМУҲАММАД**
Эрта баҳор
- 22 САБОҚ**
Кўп деган кўп янгилур
- 28 ЭЪТИРОФ**
Алишер Навоий
замондошлари нигоҳида
- ҚЎЛЁЗМА**
- 30 Азиз Абдураззоқ**
Оқликка шафқат
Эҳтиёт шарт
- 31 НИГОҲ**
Ойбек:
Навоийнинг ҳассос шогирди
- ТАДҚИҚОТ**
- 34 Абдукамол АБДУЖАЛИЛОВ**
“Азал наққоши тарҳ айларда...”
- 39 ЭЛ ХАЗИНАСИ**
Навоий луғати
- ЗАРВАРАҚ**
- 40 Тоғай Мурод: Умр йўли – борса
келмас йўл**
- ТАВСИЯ**
- 43 Луқмон БЎРИХОН**
Кичик жанрнинг катта дунёси
- 50 ОҒОҲЛИК**
Гулгунчалар хазонга айланмасин
- 52 ДАДИЛ ҚАДАМЛАР**
Дунёнинг энг ёш миллионерлари
- 56 ЗАРОФАТ**
Навоий бир куни...
- 58 ҚАЛДИРҒОЧ**
Мен ёшликман, улғайтирсин
ҳали замин
- ЖАҲОН ҲИКОЯСИ**
- 59 Ҳушанг Муродий Кермоний**
Этик
- 64 АНА ШУНАҚА**

Юксак фазилатлар СОҶИБИ

Номи тарихда ўтган юзлаб, минглаб ҳукмдорлар қаторида саналадиган шоҳлардан бири Заҳриддин Муҳаммад Бобурдир. Уни дунё олимлари Юлий Цезарга, “Бобурнома”ни эса Цезарнинг “Эсталиклар”ига қиёслайдилар, ҳатто Бобур ва “Бобурнома”ни Цезар ва унинг асаридан устун қўйдилар. Ҳиндистоннинг биринчи бош вазири Жавоҳарлаъл Неру “Дунё тарихига назар” китобида: “Бобур шу пайтгача ўтган маданиятли ва жозибатор инсонлар орасида энг

Каромат МУЛЛАХЎЖАЕВА,
филология фанлари номзоди.
Алишер Навоий номидаги Тошкент
давлат ўзбек тили ва адабиёти
университети доценти.



етукларидан бири эди...”, деб ёзганди. “Бобурнома”нинг мукаммал нусхаларидан бирини кўчирган котиб эса Бобурнинг яхшиликларини айтиб ва ёзиб тугатиш маҳол эканлигини таъкидлаб, бу инсонда мужассам бўлган саккиз фазилатни санайди. Булар – Бобурнинг ҳамиша юксак муваффақиятларга эришиши, ҳиммати баланд эканлиги, вилоят олиш, вилоят сақлашдаги устунлиги, ободончиликка – фаровон турмушга интилиши, халққа турмуш кенгчилигини исташи, лашкарнинг кўнглини ола билиши ва адолатпешалигидир.

Тақдир инъоми билан Бобурнинг ўзи ҳақида, ўз аъмоли ҳақида, ўзи яшаган замону маконлар ҳақида, давр кишилари ва замоннинг ройиши ҳақида маълумот берувчи “Бобурнома” яратилиб, бизгача етиб келди.

“Бобурнома”, аввало, Бобурнинг ўзи ҳақида сўзлайди. Отасидан айрилган куни мурғак кўнглида кечганларини юрагининг тубига кўмиб, бирдан улғайган онларидан, шеърга дўнган армон тўла ҳаётдан сўзлайди.

“...Фарғона вилоятига ўн икки ёшда подшоҳ бўлдим”, деб бошлади китобни Бобур. Шу кундан қалби гул Бобурнинг боши тошларга урилди – у тақдир синовлари ичида сарсон-саргардон юрди: гоҳ енгди, гоҳ енгилди, топганларини йўқотди, излаганини топди ва охир-оқибат мунгли бир ҳақиқатни англаб етгач: “Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим, Кўнглумдин ўзга маҳрами асрор топмадим”, дея ёзғирди.

“Бобурнома” мамлакатлар ҳақида сўзлайди. Бобур иложсиз ташлаб кетган, юрагидаги армонлардан бино бўлган юртлар ҳақида сўзлайди: Андижон, Самарқанд, Кобул, Ҳиндистон. Уларни Бобурнинг тақдир йўллари бир-бирига туташтирди.

“Толе йўқи жонимга балолиғ бўлди”, деб ҳасрат қилган шоир толесиз кунларига эш бўлиб яшади – курашди, дунёдаги катта ҳукмдорлар ҳам амалга оширолмайдиган ишларга қўл урди, уларни уддалади...

Бобоси Амир Темур салтанатидек улкан давлат қуришни орзу қилган Бобур Самарқандга кириб боришга журъат қилди, шуҳрат топди, қамалда ҳам қолиб, лашкари билан бирга кўп азобларни тортди, кейинроқ турли тадбирларни қўллаб яна Самарқандга интилди, шаҳарни эгаллади. Шундай бўлса-да, хатоларидан ўз хулосаларига келди: “Ҳар ишниким айладим, хатолиғ бўлди...”

Шоиртабиат бу шоҳ бошқа ҳукмдорлардан фарқли ўлароқ кўпроқ кўнглига қулоқ тутди. Шеърларида эса ғуссадан қонга тўлган кўнглининг ҳасратларини яширмади:

*Менинг кўнглимки гулнинг
ғунчасидек тах-батах қондур,
Агар юз минг баҳор ўлса очилмоғи
не имкондур.*

Мазкур байт, аслида, Бобурнинг ишқий мавзудаги ғазалидан. Бир қарашда у фақат ёр ҳажрида битилгандек. Албатта, байтдаги бу мазмунни инкор қилиб бўлмайди. Аммо ундаги изтиробнинг кучи шоирнинг бутун

Ҳар қанча: “Форга киринг”, дейишса ҳам кирмадим. Барча эл қору бўронда, мен эса иссиқ жойда истироҳатда ўтираманми, деб ўйладим.

ҳаётига дахлдор. Бир ёнда армон билан ёниб эслгани – Андижон, бир ёнда ўз ихтиёри билан ташлаб кетгани – Самарқанд, бошқа бир ёнда Шайбонийхон қўлига тушган опаси – Хонзодабегимнинг тақдири, яқинларининг хиёнати, ишонганларининг сусткашлиги, яна бир ёнда эса аҳмадтанбаллар...

Олдинда катта йўл. Оғир ва машаққатли йўл. Ор ва номус йўли. Катта орзуларга эришиш имкони йўли. Фақат бу йўлдан юришни уддалаш керак. Олдинда – Афғонистон, Ҳиндистон... Шоир ишқ ҳақида ёзадими, ёрнинг висолу ҳижрони ҳақидами, ўз ҳаётини, тақдирини – бошидан кечирган изтиробларини улардан ажратиб қўёлмайди. Муҳаббат ва нафрат, борлик ва йўқлик, тириклик ва ўлим, жамият ҳаёти, инсон тақдири, шоир шахсининг бутунлиги – буларнинг ҳаммаси ишқ изтиробларига ҳам уйғунлашиб кетади, тасвирга кўчади. Чунки ошиқ бўлган шоир шахс сифатида ўзининг бошқа кечинмаларини унутиб юбормайди. Ўз туйғуларини бир ўзанга бирлаштиради, шеърлари қувватини кучайтиради.

Бобур кайҳоний андозада фикрлайдиган катта шахс эди. Унинг шахс сифатидаги бутунлиги “Бобурнома” саҳифаларига ҳам муҳрланган. Ҳар бир ҳаракати, аъмоли, сўзлари, сиёсати атрофидагиларга ибрат эди. Ҳатто ўлим билан неча бор юзма-юз келган бўлса, ҳар сафар уни охиригача ҳис қилишга журъат ва куч топиши, унга тайёрлигини намойиш қила олиши ёнидаги йигитларга, лашкарга жуда катта мадад берарди... Бир сафар йигитлари билан Кобул сари отланган Бобур қаттиқ бўронга дуч келади. Қор шунчалар қалинлашадики, охир-оқибат йўл ёпилади. Шунда йигитлар белигача, кўксигача қорга ботиб, қор тепиб, йўл очадилар. Бобур бу воқеани шундай эслаган эди: “... Ана шу кунни қаттиқ бўрон кўтарилиб, қор ёғарди. Барча ўлим ваҳимасига тушди... Форга етганда, қор қуюни тезлашди. Ушбу фор қошида тўхтадик... Кўплар от устида тонг оттирди, фор торроқ кўринди. Мен горнинг оғзида курак олиб, қор курадим, қорни кўксимгача қазидим, сира ерга етмасди. Шамолдан бироз пана бўлди, ўша ерда ўтирдим. Ҳар қанча: “Форга киринг”, дейишса ҳам кирмадим. Барча эл қору бўронда, мен эса иссиқ жойда истироҳатда ўтираманми, деб ўйладим. Мунда барча эл ташвиш ва машаққатда, мен у ерда уйқую фароғатда бўлайми?! Бу

мурувват ва ҳамжиҳатликдан йироқ ишдир. Мен ҳам ҳар ташвиш бўлса кўрайин, ҳар нечук эл тоқат қилиб турса, турайин. Бир форсий мақол бор: “Дўстлар билан бирга топилган ўлим – тўйдир...” (Табдил матндан олинди).

Умри ҳар қанча машаққатларга тўла бўлмасин, Бобур ҳаётни севарди. Шу боис ҳам:

*Бўлмадим умрумда бир дам
хотири хуррам била,
Гар иликтин келса бир дамни
кечурманг гам била, –*

каби мисралари билан ўзгаларни ҳаётни севишга, умрнинг қадрига етишга чорлар эди. Бобур Ҳиндистонда ватан қурди. Боғ-роғлар яратди. Дастлаб кириб борганида кўнглига маҳзунлик солган, ғариб кўринган ерларни обод қилди... Лекин Андижонни, Самарқандни – ота юртни, она ватанни унутмади, уни мудом соғинди. Навоийни ўқиди...

Икки буюк шахс Алишер Навоий ва Бобур тақдирини шеърят туташтирди. Юрт гами, мамлакат ободлиги, эл фаровонлиги йўлидаги орзулар бирлаштирди. Ҳазрат Навоий Ҳусайн Бойқаро саройида амирлик қилиб, эл гами билан ёниб яшаган бўлса, Амир Темурдек улкан салтанат қуришни истаб, умри юртгирлик билан ўтган Бобур ғурбатда ватан қурди.

Ижодни энди бошлаган дамлари Навоийга мактуб битган Бобур ўз асариди ҳазратни қайта-қайта эслайди. Ҳиротга сафар қилиб борганида Навоий яшаган уйда йигирма кун умргузаронлик қилган чоғлари хотиридан кечган ўйлари, шоир барпо этган боғу роғлар, масжиду мадрасалар, ариқ-ҳовузларни кўриб, обод юрт барпо этишга мойил кўнглида улуғ режалар туғилди. Ахир, кейинроқ Ҳиндистонда Бобурнинг саъй-ҳаракати билан қад кўтарган иморатлар, яшноқ боғ ва гулзорларнинг тарҳи дастлаб Ҳиротда кўнглига тугилмаганмиди? Бобосидек улкан салтанат қуриш орзусида ёнган Бобурнинг қалбидаги чўғни Навоийнинг амаллари оловлан-тирмадими? Бобур Навоийни ўзига устоз деб биларди. У “Бобурнома”нинг юзга яқин ўрнида Навоийни эслайди. Китобнинг дастлабки саҳифалариёқ Навоийни ёдга олиб, Андижон халқи тилининг адабий тилга тўғри келиши ҳақида гапириб, Навоий Ҳиротда шу тилда ёзиб, нашъу намо топгани ҳақида гапиради. Бобур Навоийдан таъсирланиб, унинг ғазалларига назиралар боғлади, устоз шоирга ҳамоҳанг рубоийлар ёзди.

Юртидан кетиб, саргардон юрган, Ҳиндистонга кириб борган дамлар шоир кўнглидан кечган туйғуларни Бобурнинг ўзидек ҳис қилиш осонмас. Бироқ унинг биргина ғазали ёхуд тўрт мисрали рубоийси кўнглидаги ҳасрат, изтиробни ҳаммага ошкор этади. Баъзан бир кишига қаратилгандек туюлган мисраларда ҳам шоирнинг интим туйғулари эмас, балки бутун умри давомида ортмоқлаб ўтган катта дард бор:

*Бобур Навоийни ўзига
устоз деб биларди. У
“Бобурнома”нинг юзга яқин
ўрнида Навоийни эслайди.
Навоийдан таъсирланиб,
унинг ғазалларига
назиралар боғлади,
устоз шоирга ҳамоҳанг
рубоийлар ёзди.*



Соғинч, ҳасрат ва некбинликнинг уйғунлашуви Бобурнинг катта шахс сифатидаги қиёфасини намоёиш қилади.

*Бобур, неча бу даҳр мени зор айлар,
Сабримни каму, гамимни бисёр айлар.
То даҳрдурур, будир анинг расмики,
Ойриб кишини азизидин, хор айлар.*

Ўзигача Ҳиндистонга кириб бориб, у ерда салтанат курган ҳукмдорлар ҳақида Бобур шундай дейди: “...Ҳазрати Рисолат (пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в.) замонидан шу кунгача Ҳиндистонга биз тарафдан фақат уч кишигина ҳоким бўлиб, ўз салтанатини ўрнатган. Улардан бири – Султон Маҳмуд Фозий бўлиб, у ва унинг авлоди салтанат тахтида узоқ муддат ўтирдилар. Иккинчиси – Султон Шихобиддин Фурий эди. Унинг ўзи, қуллари ва унга тобе бўлган кишилар бу мамлакатда кўп йиллар подшолик қилдилар. Учинчиси – менман, лекин менинг ишим у подшоҳларнинг ишига ўхшамайди”.

Нега бу шоҳларнинг шуҳрати Бобурчалик бўлмади? Бунинг сабаблари кўп. Энг муҳими, Бобур улардан фарқли ўларок, Ҳиндистонда ватан қурди. Она ватанидан кўнглини узолмай, у ерга қайтолмаслигини англаб турса-да, кўнглидаги нияти сўнмади, ўзи қайтолмаса, фарзандлари қайтишини ўйлаб яратди бу ватанни. Андижонда, Самарқандда, Кобулда, Ҳиротда кўзларининг тубига яширган, кўнглида асраб-авайлаган орзуларини Ҳиндистон замини узра сочди. Боғлар яратди, гулзорлар барпо этди. Бир фаслга ё бир йилга ярайдиган қамиш уйлар ва бошқа омонат кулбалар ўрнига баланд иморатлар солди, ариқлар торттириб, ҳовузлар қазитди, ободончилик ишларини олиб борди. Энг муҳими, элнинг кўнглига йўл топди, элнинг меҳрини қозонди.


Заҳириддин Муҳаммад Бобур қалби гўзал, кечиримли донишманд эди. “Бобурнома”нинг мазмуни бунга яна бир бор исботлайди. Турли мамлакатлар, кентлар ва уларнинг табиати, одамларининг ҳаёти тасвирида нуктадон

олим қиёфасида намоён бўлган шоҳ ва шоир, айна пайтда, ўз мақсадига эришиш учун фармонлар чиқаради, қўшиндаги йигитларни руҳлантиради, ғалабага даъват этади. Унинг қалбидаги жудолик изтироблари, соғинч ва ҳасрат ҳам “Бобурнома” мисралари зимнига сингиб кетган. Бироқ шулар билан бирга Бобур ҳаётсевар, некбин инсон эди. Соғинч, ҳасрат ва некбинликнинг уйғунлашуви Бобурнинг катта шахс сифатидаги қиёфасини намоёиш қилади.

Бобур шеърлари бугун ҳам ҳар қандай китобхоннинг қалбига кириб бора олади. Уларда сохта лутф, ортиқча жимжимадорлик, энг муҳими, риё йўқ. Шоир фақат кўнглида кечирганини, бошидан ўтказганини ёзди. Ёзганда ҳам кўнглининг туб-тубида асраб, жамлаб, жону жаҳонига айлантириб, кейин ёзди. Бобурнинг ўзи қайд этишича, кўп вақтгача бирор ғазалини бир ёзишда охиригача тугатолган эмас. Чунки у ҳамиша йўлда, жангда – от устида бўлди. Бир байт ёки икки байт кўнглига тугилгач, бу тугун шоир бошидан кечираётган бошқа воқеаларга ҳам боғланиб кетгандан сўнг ечилди. Бунда эса уларнинг маъно кўламдорлиги, таъсир қуввати ортди, кучайди, шу боис шеърдаги дард-ҳасрат китобхон дардига айланиши осон кечади.

Бугун шоирнинг ҳаёт йўли ва асарлари дунё миқёсида севиб ўрганилиши шеърларидаги рост туйғуларнинг гўзал ифодаси, айниқса, ўта мураккаб ҳаёт йўлини акс эттирган “Бобурнома”дек ўлмас асаридаги реалистик тасвирларнинг кўнглига яқинлиги билан боғлиқдир.

“Бобурнома” моҳиятан ватан ҳақидаги, уни севиш ва қадрлашга бағишланган гўзал асардир. Шу боис, шарқшунос олим А.Самойлович эътироф этганидек, Бобур асарларини ўрганиш, таржима қилиш ва нашр этиш бурч, шараф ва бахтдир.





Шоир ва шоҳ Бобур қалбининг беш аломати

Лирик достондан парча

Даҳо ижодкорларнинг фақат тенгсиз асарларигина эмас, ҳаяжонли воқеа-ҳодисаларга бой ҳаёт йўли ҳам авлодлар учун илҳом манбаи, ибрат мактаби бўлиб хизмат қилади. Халқимизнинг икки улуғ фарзанди – Алишер Навоий ва Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ҳам фикримизга далилдир. Мана, неча асрдирки қалам аҳли бу икки буюк шахсиятдан таъсирланиб, уларга нисбатан самимий меҳр, ихлос туйиб келмоқда. Навоий ва Бобурга бағишлаб ёзилган асарларнинг кўпчилиги ҳам шундандир. Жумладан, Ўзбекистон халқ шоири Тўлан Низомнинг “Шоир ва шоҳ Бобур қалбининг беш аломати” деб номланган янги лирик достонида улуғ аждодимизнинг инсоний фазилатлари тараннум этилган. Қуйида лирик достонда ёритилган “беш аломат”дан бирини – Бобурнинг Навоийга эҳтироми акс этган парчани эътиборингизга ҳавола этиялмиз.



Тўлан НИЗОМ,
Ўзбекистон халқ шоири.

1938 йили туғилган. Андижон давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини тамомлаган.

“Сенинг эртақларинг”, “Ифтихор”, “Қуёшга йўл”, “Чўлпон”, “Нон ҳиди”, “Рухлар қасидаси”, “Алишер Навоий”, “Довон”, “Аввалу охир”, “Пўлат белбоғ” каби китоблари нашр этилган.

Кобулдан Ҳиротгача

Бобур Мирзо чиқди йўлга,
Кобулдан то шаҳри Ҳирот.
Олий ният тугиб дилга,
Миниб олди учагон от.

Ҳамроҳ бўлди чин дўсти-ёр,
Олдинда тоғ, чексиз довон –
Музлаб ётур, айни баҳор,
Қора совуқ ачитар жон.

Қор уюми етар кўкка,
Бирор из йўқ йўловчига.
Отлар кириб борар тикка
Қоя ости, гор ичига.

Парда тутар қаро кеча
Чўққиларнинг бўй-бастига.
Ой дилдираб, юлдуз уча
Тушиб кетур тоғ пастига.

Бир ярим ой ўтди шундоқ,
Охирланди йўл таноби.
Қай бир сайёҳ демиси бир чоқ;
“Йўл азоби – зўр азоби”.

Бобур Мирзо отдан тушиб,
Шаҳар томон босди қадам.
Кўзи ёнди, дили жўшиб,
Пешвоз чиқди қанча одам.

Қарши олди шаҳзодалар –
Музаффар, Бадиуззамон.
Ёш болалар ҳам оналар,
Халқ ёғилур унга томон.

Шайхулислом кучоқ очиб,
Ёш Бобурни чандон суйди.
Бобур элга танга сочиб,
Мусаллога қадам қўйди.

Мозоратга кириб аста,
Навоийнинг қабр хокин
Кўзларига сурта-сурта
Бўлиб қолди оғир, сокин...

Сўнг Ҳусайн Бойқаро шоҳ
Тупроғини қилди тавоф.
Қуръон ўқир, ажаб, э воҳ,
Тили равон, юзи офтоб.

Бадиуззамон:

Бобур Мирзо, мана сарой,
Ҳашаматли меҳмонхона.
Бизникига сиз, ҳойнаҳой,
Бир қирарсиз, сиз бегона

Эмассиз-ку бизга, ахир,
Отам сизни севар эди.
Сизга ҳурмат, сизга меҳр,
Жигарбандлик қилинг, дерди.

Бобур Мирзо:
Миннатдормен, ҳазор раҳмат,
Кўп илтифот даркор эмас.

Музаффар Мирзо:

Даргоҳимга бўлса навбат,
Розиликни берсангиз, бас?
“Базми Жамшид” қиламиз, ҳа,
Сизнинг пойи қадам учун?

Бобур Мирзо:

Менгга ёқмас кўп қаҳқаҳа,
Шундамен-ку, ахир, бир кун...

Ака-ука шаҳзодалар,
Аҳвол қалай, улус ҳоли?
Ёв бўлмасин бегоналар?
Сизга боқсин бахту толе.

Ҳокимият икки қўлда,
Бир давлатда иккита шоҳ,
Ғанимлар кўп ўнгу сўлда,
Кўрсатмасин, энди Аллоҳ...

Бирлик қани, удум қани,
Темур бобом руҳи сарсар.
Бир муаммо қийнар мени:
“Бўлингани бўри еяр...”

Энди менга кўрсатингиз
Алишербек уй-жойини?
Шудир менга ҳимматингиз..
Бор умримнинг бир ойини

Унда яшаб, ўтказсам мен..
Сўровим шул, илтижом ҳам.
Согинчим зўр, етказсам мен
Улуг зотга уни ҳар дам.



Бобур Навоий яшаган уйда

Бобуршоҳ Навоий яшаган уйда,
Беи дoston – “Хамса”ни нақшлаган уйда.
Асл жавоҳирот – “Чор девон”ни
Туркий эл пойига ташилаган уйда

Бир ой тунаб қолди, кечаю кундуз
Ҳазрат руҳи билан сўзлашди танҳо:
– Пийрим, охир келдим, қани... қайдасиз?..
Бу кун қулбангизга йўл берди Худо.

Садо йўқ. Нидо йўқ. Жим-жит хоналар,
Сўнгсиз ўй-хаёллар бунда ҳукмрон.
Порлаган шамларга оқ парвоналар
Дафъатан урилар аямасдан жон...

Заррин жавонларда юз офтоб мисол:
“Мантиқ ут-тайр”нинг устаси Аттор,
Абдурахмон Жомий, Лутфий оқсоқол,
Низомий, Деҳлавий битиклари бор.

Ёнма-ён тоқчада Қуръони Карим,
Пайгамбар ҳадиси, тарихдан тўплам.
Деворларда Моний, Беҳзоди расм,
Хонтахтада силлиқ қоғоз, зар қалам...

“Олтин қафас ичра” иккита қумри,
Айвон пештоқида икки қалдирғоч
Баланд пардаларда эмас сурури,
Яшар эгасидан айро ноилож...

Ҳў, ана кўриниб турибди кўзга
Гулчинсиз гулзорлар, булбулсиз чорбоғ.
Фаввора тиллари келмайди сўзга,
Шўх оқар ариқча чалмас қўнғироқ.

Бу жойда қоровул тонгдан шомгача
Олам ўтхонаси Шамс – гулчирой.
Юлдузларни сочиб ердан томгача,
Тун бўйи қўриқлаб, юриб чиқар Ой.

Сукунат... Сукунат... оғир сукунат...
Бебош еллар ҳамки тўхтади бир дам.
Ҳушёр тортди замин, кўк – етти қават,
Ташиқида сезилди енгил бир қадам.

Эшик ланг очилди. Фарҳод ва Ширин,
Лайли-Мажнун ила бўлдилар пайдо.
Қушлар тўлиб кетди суриб бир-бирин,
Навоий кўринди тутганча асо.

– Ҳуш келдингиз, ўғлим, шоири аъзам,
Оташин қалбингиз беғубор, тоза.
Шоирлик ва шоҳлик сизда мужассам,
Буюк Соҳибқирон бўлсин андоза.

Сўнг Бобур тилидан қуш янглиғ учди,
Юракда тугилган битта рубоий.
Шоирнинг овози борлиқни қучди,
Уни тинглар эди улуғ Навоий:

“Ҳажрингда не қон қолдики, ютмайдурмен?!
Кўз ёшини бир лаҳза қурутмайдурмен.
Дийдорингнинг ҳаққини, эй юзи қуёш,
Тенгри ҳақи, бир зарра унутмайдурмен”.

Сўнг шеърий дур-гавҳар хазинабони
Навоий сўзини солиб хотирга,
Деди: У сиздирган еру осмонни –
Бутун бир оламни тўртта сатрга:

“То ҳирсу ҳавас хирмани барбод ўлмас,
То нафсу ҳаво қасри барафтод ўлмас.
То зулму ситам жонига бедод ўлмас,
Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас”.

Бобур ўзин тутди. Ҳайрат чоғида
Киприкка илинди кўзида ёши.
Бобурни кўргали ўз ётоғига
Кириб келган эди Шарқнинг қуёши!..



Расмларни Оловиддин Собир ўғли чизган.



**Хуршид
ДЎСТМУҲАММАД**

1951 йили туғилган.

Тошкент давлат университети(ҳозирги ЎзМУ)нинг журналистика факультетини тамомлаган. “Жажман”, “Қазо бўлган намоз”, “Озод изтироб кувончлари”, “Ҳамид Аъламовнинг айтолмаган гаплари”, “Беозор кушнинг қарғиши”, “Бозор”, “Донишманд Сизиф” каби асарлари китобхонлар кўнглидан жой олган.

Х. Дўстмуҳаммад “Эътироф – 2016” танловида йилнинг энг яхши ёзувчиси деб топилди.

Эрта баҳор

Ҳикоя

– Э-э, ҳа-а-а, саломларим бўлси-ин-н!..

Темир дарвозанинг ўртасидаги якка тавақали, энсиз эшикчани очиб ҳовлига кирган Ромиз Жўра ичкарига бир қадам қўйган жойида димоғига гуп этиб урган анвои ҳидлардан нафас ололмай қолдими ёхуд қийғос очилган лолаю лолақизғалдоқлардан кўзлари қамашдими, ноёб хушхабарни эшитгандек эмас, уни ўз кўзлари билан кўриб тургандек азбаройи энтикиб кетди. Таққа тўхтади. Бир нигоҳ ташлашда боғни бошдан адоғ кезиб чиқди. Яна ва яна қаради, разм солди. Нигоҳини тўхтатолмади. Гўё ҳозирок қараб тўйиб-тўйиб кўриб олмаса кўз ўнгидаги бу ажиб хушхабар-манзара қаёққадир ғойиб бўладигандек.

– ... С-с-алом...ларим-м...

Ромиз Жўранинг товуши жуда паст чиқди. Бутун боғ бўйлаб очилган алвон лолазор чўчиб кетмасин деган хавотирда товушини ютиб юборганди у. Гўё тарвақайлаб ўсган гилос дарахтининг остидаги темир сўрида кимдир ором олиб ухлаб ётибди-ю, ўша кимсани чўчитиб юборишдан эҳтиётлангандек, йўқ-йўқ, бутун боғ ажиб бир сеҳрларга лиммо-лим мусиқага рақс тушаяпти-ю, ранго-ранг либосга безанган раққоса... боғни чалғитиб юборишни истамагандек оёқ учида оҳиста икки одим босди. Қадам босди-ю, беҳосдан, ҳа-ҳа, тўппа-тўсиндан боғни қоплаган ранго-ранг лолаю қизғалдоқлар, кўм-кўк чучмомалар жажжи боғча болачаларидек бараварига чапак чалиб юборганидан чўчиб тушди. Лолалар чайқала-чайқала, қип-қизил гулкосалари, ҳали очилиб улгурмаган майин оқиш тукли гунчаларию ям-яшил япроқлари ва нозик-ниҳол новдалари ерга тегай-тегай дея тебраниб олқишлади.

Ромиз шоир жуда-жуда соғинганди боғини. Соғиниш ҳам гапми, боғини унутиб юборгандек эди, назарида. Унутиш ҳам гапми, батамом оқибатсизлик йўлига ўтган-у, мана, кўз-кўзга тушганда хижолат ўтида ёнаётгандек, изза бўлаётгандек, истиҳола ўтида қоврилаётгандек эди. Аксинча, мўъжиза устидан чиқди у, таъриф-тавсифига сўз топилмайдиган мўъжизага рўпара келди. Ваҳоланки, орада бир қиш ўтди, холос, қиш бўйи у қадам босмади боғга. Қиш фасли ҳеч ким қадам ранжида қилмайди бу томонларга, бирор-ярим кўни-қўшни деганлар тасодифда дайдиб-улоқиб йўли тушиб қолмаса, атроф дала ҳовли кимсасиз аҳволда қишнинг, қор-ёмғирнинг, изғиринли аёзнинг инон-ихтиёрига қолади. Ёлғон бўлмасин, муштипар қоровул хотин икки ўғил, бир қизи билан ҳў-ў сердарахт баланд қирнинг белида кўринаётган ёлғизоёқ йўлка билан бориб-қайтиладиган кулбачада қишлайди. Дала ҳовлилар ўшаларнинг қарамоғига ўтади. Кўклам шабадалари дала-қирни айланиб-ўргила бошлади дегунича эса боғ ҳовлиларга ғимир-ғимир, симир-симир, жимир-жимир қон киради-жон киради.

Ромиз Жўра шу ёшга чиқиб ҳеч қачон қишни бу қадар оғир ўтказмаганди. Қиш одатдаги қишлигини қилди – ҳаво совиди, ердан қарийб қор аримади. Қорли-қировли, ҳатто аччиқ изғирин забтига олган оқшом чоғлари пойи пиёда кўча сайрига чиқиш одатини канда қилгани йўқ Ромиз шоир. Уй-жойи иссиққина, бола-чақаси

бағрида, хизматига бориб-келиб турди. Лекин юраги сиқилди, фақат нега, нимадан сиқилди, не ҳасратларда бу қадар қисинди – ўзи ҳам билмади, тагига етолмади, тайинли жавоб топмади. Худди барча тушуниксиз дилхунликлари фақат ва фақат дала ҳовли васлига, дийдорига етсагина тарқайдигандек туюлаверди. Боғ ҳовлиси тушларига кирди, тушида ҳам, уйғонгач, ўнгида ҳам ҳадемай баҳор келақолса, дея сабрсизланаверди, дала ҳовлига етиб борган тақдирда адо этилажак юмушларни хаёлан режалаштиришдан чарчамади, ҳатто неча қайта тун ярмида аста иссиқ ўрнидан сирғалиб чиқиб аллапаллага довур “Дачада мўлжалланган ишлар” рўйхатини тузди. Эринмай-нетмай қайта-қайта ёзилган рўйхатларни ноёбу нодир ёзувдек авайлаб, ўқиётган китоби орасига яширди. Қандайдир кўринмас-мавҳум куч унинг бу ният-маслагига етишмоқликка тўсқинлик қилиши муқаррардек бот-бот кўр хавотирга тушди. Тун ярмидан оққан палла ювиниб-покланиб илтижолар ила тонг оттирди.

Хуллас, у боғ ҳовлига борадиган кунини сабрсизлик билан кутди, бетоқат кутди, маъшуқасидан айрилган ошиқдек кутди. Назарида жонининг бир бўлагига айланган боғ ҳовлиси, ўз қўли билан битта-битталаб тош териб, тупроқ ташиб, лой чангаллаб, миҳ қоқиб бунёд этган қўшхонали, ғарибгина кулбаси мунғайиб қолгандек туюлди. Неча қайта отланди у бу томонларга, ҳар сафар аёли йўлини тўсди, қўйсангиз-чи, деди, шу совуқда зарилми, шамоллаб-нетиб иш орттириб келасиз, дея изн бермади. Икки-уч дафъа ўғил-қизининг онасига билдирмай йўлга равона бўлиш хаёлига ҳам борди, ахир дала ҳовли жойлашган маскан қочиб кетган эмас, шаҳар сарҳади ошиб яна икки соатлар чамаси мошинасини ғизиллатиб ҳайдаса етиб борадиган манзил... журъати етмади Ромиз Жўранинг. Хотин киши ҳам билиб айтади, қолаверса, кейинги пайтда нозикмизожроқ бўлиб юрибди, иттифоқо фалокат босиб, шамоллаб-нетса борми, хотини айтмоқчи “иш орттирса”, эрта баҳор тугул, айнаи кўм-кўк кўклам қўшиғи янграган палла ҳам боғ ҳовлига келиш насиб этмай қолиши мумкинлигини ўйлаб юраккинаси орқага тортиб кетди.

Дала ҳовли ҳам уни роса соғинган экан, ўзиям. Шундай бўлишини тахмин қилганди Ромиз шоир, фарозда адашмади. Лекин бу қадар деб ўйламаганди, соғинч деганлари шунчалар алвон рангларга бурканиб, очиқ саҳна тўла чолғулар янглиғ жўр овозда нола чекиб юборади деб кутмаганди.

Тўғри-да, ён томонларда – гир атрофда лолалар, лолақизғалдоқлар, яна кўм-кўк, пушти, сариқ, мовий ранг гулчечаклар кутаверганидан, соғинчли ўртанишлардан чўғга, оловга – алангага айланиб кетибди!..

Ромиз Жўра дарвозадан кирган жойида қоққан қозикдек қимир этмай тураверди. Мана, сиз соғинган боғ ҳовли, шоир, деди овозини чиқариб, бундан қаноат ҳосил қилмади, янаям тантанавор оҳангда айтди: кўзларингиз тўйғунича баҳра олинг, Рамзий жаноблари! Сўлим баҳор ташрифингизга мунтазир! Ўзларининг ҳаппаю ҳалол амлоклари мунтазир пойқадамларига! Олис ва холис ниятлар ижобати, қаранг, нақадар тароватли, нақадар гўзал! Ойдан-да, кундан-да, гўзаллардан-да гўзал!..¹

Ромиз Жўра авжига мина бошлаган “шоирлиги”ни амаллаб тўхтатди-да, беҳосдан яна бир қадам босгудай бўлса, боғни оғушига олган ажиб тароватга путур етказиб қўядигандек, хуркак қизғалдоқ-қизалоқларнинг уволига қоладигандек бошини гоҳ у ён, гоҳ бу ён буриш-ўгириш билангина кифояланди. Унинг назарида шамол тугул, ҳатто шабада ҳам эсмаётгандек эди, бироқ қуюқ очилган лола-лолақизғалдоқлар белга тепадиган ўт-ўланлару майса-кўкатларга қўшилиб, бири-биридан ажиб ва одамни маст қилувчи ифорлар таратиб, ҳамон ерга теккудек гамзалар билан тошқин сувдек шовуллаб тебранаётгани ақлини шошириб қўяётган эди. Лолалар ҳар тебранганда жажжи пиёлачаларидаги шудринг томчилари дув-в этиб ерга сочилар, Ромиз Жўранинг назарида лолалар севинч кўз ёшларини тўкаётгандек туюларди.

Лолақизғалдоқлардан бир жуфти тил бириктирдими, чирмовикдай ачомлашиб энгашиганича Ромиз Жўранинг тиззасига бош урди. Шунда Ромиз шоир кўш қизғалдоқ гулкоса ичига разм солди. Чўғдек қизил япроқлар туби – тоғ лоласининг жажжи юраккинаси шу қадар сим-сиёҳ – тим қора баҳмал-духобанинг ўзгинаси эканлигини ҳаётида илк бора кўраётган одамдек ҳайратидан тили калимага келмай қолди.

– Соғиндиларингми, лолаларим, қизғалдоқларим? Ёлғизларим? Овунчоқларим?..

Қўшалок қизғалдоқ новдаси қад ростлади, зум ўтмай яна боягиндай ачомлашган ҳолда боғ ҳовли хожасининг тиззасига бош урди – кўз ёшидек тиниқ, дур томчилар дувиллаб сочилди.

Ромиз шоирнинг кўзидан ёш тирқираб кетди... Этак томонда қатор саф тортган мирза те-

ракларнинг эндигина ниш ура бошлаган япроқчалари қуёш нурида живирлади, яқин-атрофда қандайдир қушлар шўх ва мастона чуғиллади, “чиг-чиг”лашиб оёғининг остидан қувалашиб ўтди, осмон тоқига нақшланган кумушдай оппоқ булут парчалари сезилар-сезилмас сузиб бораётганди. Булутлардан-да оппоқ чинни кабутарлар галаси Ромиз Жўранинг илк ташрифи шарофатига дала ҳовлиси узра кимўзарга қанот қоқиб, тапиллатиб ўйинга тушиб, айлана ясай бошлашди.

Ромиз Жўранинг бетини майин-мулойим шабада сийпалаб ўтди. У ланғиллаган аланга тутган ҳовли манзарасини симириб ичгудай ташналик билан мириқиб-роҳатланиб, тўйиб тўйиб кузатди. Пана жойларда лахтак-лахтак қор оролчалари кўлмак сувга ўхшаб жон сақлабди. Чарақлаган офтобнинг заррин нурлари беозор, илмилик. Илло, ўт-ўлан чунонам жони кириб ўсибди, ўзиям! Дарахтларнинг танасигача, темир сўрининг остигача, кўш хонали кулбага довур олиб борадиган ёлғизоёқ йўлкагача кўринмай кетибди. Фақат чоққина ҳовузча устига гумбазсимон шамойилда тортилган сувюқмас елим матонинг бир қарашда “турқ”и... қабрни эслатиши Ромиз Жўранинг дилини ғашлади, холос.

Қиш қишлигини қилди деди-ку, ортга сурилгани йўқ, баҳор эса ушбу дала ҳовли соҳибига ўхшаб ошиқмади, балки ҳар иккала фасл боодобликни ўринлатди – бирининг сафари ниҳоясига етаёзган дамларда иккинчиси ҳаёт қўшиғини куйлашга киришди. Илло, нима бўлган тақдирда ҳам, мана, сир очилди – Ромиз Жўра билан баҳорнинг дили, тили, нияти бир экан – икки қалб, икки вужуд кимсасиз масканда қучоқлашгудай, ачомлашгудай бир-бирининг бағрида эриб кетгудай алфозда юзлашиб, дийдорлашиб туришибди! Ҳамон шундай экан, бу ёғи ё остидан, ё устидан, нима бўлса бўлсин, ким нима деса десин, Ромиз Жўра шамолласа шамоллар, тоби қочса қочар, муҳими, эрта баҳорни ўз кўзи билан кўриш бахтига муяссар у. Интиқ кутилган арзанда шодмонликнинг ўзгинаси уни пешвоз чиқиб, қучоқ очиб кутиб олмоқда, шундай экан, айни айём юмушларини бир ҳамлада – ҳа-ҳа, бир ҳамлада битиришга киришса, боғ ҳовли яшнаб кетса, қарсак чалиб юборса, умри жуда-жуда қисқа бўлган лола-лолақизғалдоқларининг дийдорига тўйса, йўлкаларни, ёлғизоёқ йўл-

¹ Ҳикояда Чўлпон шеърларидан ижодий фойдаланилди. – Муаллиф.



качаларни очиб, саришталаса, ҳадемай япроқ ёзиш айёмига киришадиган олма, анор, нок, гилос, бодом, хурмо, шафтоли ва ҳоказо дарахтлар танасини оқласа, дов-дарахтлар “Оққуш кўли”нинг охумисол раққосаларидек ясан-тусан қилиб олса, мўлжалланган ҳар бир иш-юмуш ниҳоясига етгани шарафига чинни кабутарлар галаси табрик ва олқишлар мақомида Рамзий шоирнинг боғ ҳовлиси тепасида айлана ясаб учаверса! Абқарий-й, ё, ҳайратий! Ҳайратий, ё, абқарий-й! Оҳ кучингдан, воҳ жонингдан, э, воҳ-воҳ-ҳ жодуларингдан, ҳаёт!..

Ромиз Жўра тўсатдан қулоғини динг қилди. Жимжитлик ва сукунатни унинг ҳайратланишлари бузаётганди. Борлиқ эса ўйга толгандек, боғ соҳиби ташрифига атай ҳозирлик кўриб, нафасини ич-ичига ютгандек... Ромиз шоир юзини хиёл осмонга қаратиб, кўзларини ярим юмди. У олис-олислардан элас-элас эшитилаётган дилгир кайфият бағишловчи мусиқа тинглаётгандек эди. Вужуди қулоққа айланди – нафас олиши эшитилди. Энтикиб кетди. Хаёлига келган ўйдан чўчиб тушди – хотинининг раъйига юриб, шу сафар ҳам келмай қолганида борми, дала ҳовлисига эрта баҳор ташрифини ўз кўзлари билан кўрмаганида, ўн саккиз ёшли қизнинг бокира нафасидек ҳаво-

лардан тўйиб-тўйиб баҳра олмаганида, ушбу гўзалдан-гўзал манзаранинг тирик шоҳиди бўлмаганида ҳаётининг мазмун-моҳияти – ҳикматини англамоқликни бой бермасмиди?! Аҳволи нима кечарди у ҳолда? Қиш бўйи кутди-ку, ўзи! Айтди-ку, негадир бу сафарги қиш тамомила ўзгача ўтди, Ромиз Жўранинг тоқатлари тоқ бўлди, юраклари чок-чокидан сўкилаёзди. Бутун қиш бўйи баҳорни соғиниб, баҳорга интилиб, унинг ишқида куйиб-ўртаниб кун санади, тун санади. Ёши улғайгани, кексалик-қарилик аломатлари кўнглига ғулғула солди, шекилли, сабр қилолмади, тоқати етмади, гўё шу бугун далага – боғ ҳовлисига чиқиб бормаса, эрта баҳор тароватини ўз кўзлари билан томоша қилмаса, чинакам кўк-ламой аразлаб келмай кўядигандек, қайтиб баҳорнинг дийдорига етишиш насиб этмайдигандек хавотирда юраккинаси ўртанди. Ҳовлиқди. Таваккалига уловга эгар урди.

Фаслнинг инжиқликларига қараб иш тутадиган замонлар ўтиб кетган, бинобарин, андек бемаврид эканига қарамай, Ромиз Жўра енг шимариб бир уннаса, дунёча юмушни ўринлатиб ташлайди. Қарабсизки, чор атрофдаги кўни-кўшнилари келгунга қадар ҳовли кўғирчоқдек ясанади, тўйхонага, айёмхонага айланади.

Ромиз Жўранинг ғайратларига офаринлар ёғдиришади ҳали. Ўзлари ҳар йилдагидек пича ҳаяллашганларини хаспўшлаб... уҳ дангаса, уҳ ишёқмас чикди ҳамсоялари! Важ деса қоп-қоп: ҳали баҳор келганича йўқ, ҳали ердан зах кўтарилганича йўқ, уйлар совуқ, лойгарчилик... шаҳарда хизматчилик. Танбалга баҳона қаҳатми?! Ўзларинг зах, ўзларинг совуқ, ўзларинг дангаса! Ана баҳор, мана баҳор, даламизга-боғимизга чиқинглар, марҳабо, барчамизга интизор-муштоқ-ку баҳор!

Умрида икки байт битмаган банда қаердан “шоир”лик мартабасини орттирган – Ромиз Жўранинг ўзи ҳам аниқ-тиниқ билмайди, илло, айна шу тобда... қаранглар, ҳовли ҳо-ов этакка довури қип-қизил кўл мисоли товланиб жилваланар, сал эҳтиётсиз хатти-ҳаракатга йўл қўйгудай бўлса, қирмизи кўл суви лоп этиб аланга олиши муқаррардек ажиб ва ғаройиб манзара!.. Шу хаёл аралаш мўйқалам тутишда ўқувсизлигини ўйлаб жони ўртанди. Аттанг, агар мен расом бўлсам эди, чизиб берардим... Тангри таоло шул мўъжиза санъатдан қисмаганида борми, айна беҳишт сувратига кирган бу чаман, бу чорбоғни тасвирлашда Рерихдан тортиб Тансиқбоевгача, Далидан тортиб Ахмаровгача яхдай сув ичсинлар эди, унинг олдида!..

Орадан бир зум ўтар-ўтмас, жони ўртанаётганини унутишга улгурмай туриб бастакорга айланиб қолишини ва боғнинг ушбу тароватига монанд куй басталашни тусади кўнгли. Хаёли измидан чиққанди унинг, ғайришуурий алфозда ўзини моҳир танбурчидек ҳис эта бошлади, яна сония ўтмай фикридан қайтди – созларнинг сози сато, деди-ю, туйқус жонига игна суқилгандай кўкси жазиллаб ачишди. Ахир танбур ё сатосиз ҳаётининг бир куни-бир лаҳзасини тасаввур қилолмаса, нима жин уриб, кеч кузда дов-дастгоҳни мошинга ортганича шаҳарга жўнаб кетаётиб жондек ширин созини манави кулбада унутиб қолдирди?! Узун қиш бўйи бу айрилиққа қандай дош берди?! Дала ҳовли соғинчидан бу қадар ўртаниблар кетаётганининг боиси шундадир, ҳойнаҳой?! Мана, хайрият, ниҳоят, етиб келди, яхшиям, таваккалига иш тутди, ҳозироқ, ҳаялламай кулбасининг эшигини очади, кира солиб танбурини қозикдан олади – зах уй ичида нам торганми-йўқми, қатъи назар, нохунни бармоғига қадайдими, йўқ, камонни шайлаб созини созлаб ҳам ўтирмайди – кулбани, лолаю лолақизғал-

доққа лиммо-лим тўлган кўл-ҳовлини, бутун атроф-жавонибни, ҳоовв кўриниб турган қорли тоғ чўққиларию ям-яшил либосга бурканган қир-адирларни танбур навоси, сато ноласи туттади – Ромиз Жўра маст бўлиб ўзи янгигина, ҳо-озиргина басталаган “Эрта баҳор” куйини чалади!..

Даставвал бошпанага олиб борадиган йўлни очса, уйга кирса, уст-бошини алмаштирса, омборхонадан меҳнат аслаҳаларини олиб чиқса... шу-да, “Эрта баҳор” куйи, шу-да, ўйноқи танбур сато нағмасининг авжи осмонларга етгани – эрта баҳор юмушларининг бошлангани!

Ромиз Жўра белига урадиган баландликда ўсган ўт-ўланни дам оёқлари, дам кўллари билан авайлабгина икки томонга букиб, йўл очиб уй томон юрди. Ў-ў, барака, ҳў-ҳў, барака!.. Қиш асноси тутроқ момик қор кўрпаси остида мириқиб нафас ростлади, баҳор серёгин келди, момақалди роқ беармон қалдиради – мириқиб ўсди, беармон ўсди бу ўт-ўлан деганлари! Байбай, байбай!..

Йўлнинг ярмига етар-етмас Ромиз Жўра бир зум тек қотди. Яна беихтиёр бутун вужуди кулоққа айланди. Жимжит, тиқ этган-чирқ этган сас-садо йўқ. Жим турунг-г, шовқинламанг-г, уйғонур уйқудин кўккламой пари! Ҳой, мўйсафид қиш, бас энди, турақол, нари!.. Юзини кўкка тутганича кўксини тўлдириб-тўлдириб нафас олди, минг турфа ўт-ўланнинг анвойи иси димоғини ёриб юборай деди. Ҳузурланганидан ғайришуурий тарзда кўзлари юмилди.

– Жим турунг-г, шовқинламанг-г...

Тиззасининг кўзи совуқ қотди. Ромиз Жўра шими тиззадан юқорисигача шилта бўлганини кўрди. Тиззадан сув кечиб бораётгандек эти жунжикди. Шудринг батамом тўкилиб улгурганини ҳисобга олмабди, пича шошибди. Қўлига таёқ-паёқ олиб, ўша билан йўл очиш хаёлига келмабди. Хотини билгандек айтган экан – эгнингиз ҳўл бўлса қуритолмайсиз, деганди.

Бу ёғи таваккал, деди ўзига ўзи Ромиз Жўра. Йўлида давом этди. Олди очиқ айвонга етди-ю, яланг жойга чиққанидан енгил тортди, оёғини тапиллатиб сиймон ерга урди. Шими, туфлисидан зумрад томчилар ҳар ёнга сачради. Ромиз шоирнинг баданига титроқ югурди. Қўлтигидаги бўҳчани дераза тоқчасига қўйиб, ортига ўгирилди – лолаю лолақизғалдоқларга, уларга басма-басига очилган чучмомаю бинафшаларга

энди айвон томондан кўз югуртириб, ғаройиботга рўпара келган ажнабий сайёҳдек кўзларини узолмай қолди. Инсонга яна қандай мўъжиза керак?! Биров экмаган, уруғини сочмаган бўлса, қиши билан қор остида жон сақлаб ётган-у, ё қудратингдан, қуёш йилт этиб чарақлаган замони гуриллаб кўкка интилган, пориллаб, ловуллаб, чаппар уриб очилган! Дала ҳовлини, атроф-жавонибни, бутун оламни яшнатиб юборган! Рамзий шоир чертмаса ким чертади қувноқ танбур навосини?!

Ромиз Жўра калит шодасини олиб, аввал темир панжара қулфини, сўнг эшик қулфини буради, эшик очилаётиб гичирлаб-зорланибгина эмас, фарёд чекиб юборди. Ҳижрон азобида қолган ошиқ-маъшуқнинг оху нолаларга тўла гина-кудуратидек эшитилди Ромиз шоирнинг қулоғига. Унинг бетига гуп этиб совуқ эпкин урилди. Зах ҳаво уйга биқиниб олган-да қиши билан. Тагин ичкарига кириб узоқ ўтирманг, захлаб ётгандир, деганди аёли. Худди кўргандай айтган экан. У ичкарига қадам босди. Оёғининг остини чаён чаққандек ирғиб тушди. Нам тортган шими тиззаси, болдирига чиппа ёпишди. Эти жунжикди.

– С-саломларим-м...

Ромиз Жўра бу сафар оғзини тўлдириб бутун дала ҳовлини бошига кўтариб салом бериш одатини канда қилди – уй ичига таъзим бажо айлаганда овози акс садо бермай, яланг деворларга сингиб кетди-ўчди. Ўт-ўлан оралаб келатуриб кўзғатиб юборди-да, ҳовли томондан ёпирилган турфа анвойи ҳидлар зумда уй ичини тўлдирди.

– Шудринг селгимаган экан... шимнинг шилтаси чиқди, онаси, – деди у иккала қўлидаги тугунчани пастак курси устига ташлаб.

– Айтмаганмидим?!

– Айтгандинг, айтгандинг. Ҳозир, ўйлаб кўрай, бир зумда чорасини топамиз. Шимнинг почаси тез қурийдди. Ечамаң, ҳовлига олиб чиқиб офтобга ёяман – қурийдди-қолади. Ҳеч ким-ҳеч зоғ йўқ – Рамзий жаноблари бир пас-ярим пас уйда, йўқ, айвонда ўтира турадилар, йўғ-э, иш кийимларим бор-ку, ўшаларни кийиб оламаң, вассалом, онаси.

Ромиз Жўра ҳозиргина олиб келган тугунлардан бирининг боғичини ечаётиб курсидан кўз узолмай қолди. Алмисоқдан қолган, рангпар чорбурчак курси боягина етимхонага ташлаб кетилган гўдакдек қунишиб турарди.

Болалик кезлари қишин-ёзин сандалга кўйиларди. Қайта-қайта бўялганидан олачалпоқ тусга кирган, тўрт оёғида базўр қад ростлаб тургани қиёфасидан маълум. Устма-уст тахланган тўртта коса ҳам қарийб курсининг ёшида – қадимги косалардан, тўқ кўкиш гуллари йирик-йирик. Ҳозирги косалар онасидан мерос бу косалар олдида мисоли пиёла. Жавондаги лампа шиша-чи? Волидаи меҳрибони уни ўғил-қизлари битта кўрпа остида қаторлашиб ётадиган уйлари тоқчасига тун бўйи ёқиб қўяр, бола Рамзиддин кўзи уйқуга юмилгунига қадар сирли бир жумбоққа жавоб топмоқчидек лампа шишанинг майдатароқ тоқили шифтга урилиб турган шуъласидан кўзини узолмасди.

Ойнаванд жавонда чети учган сопол ликопча, ликопча ўртасида нимкоса катталигидаги сап-сарик идишча – игна-ип, ангишвона сақлаган онаси раҳматли унда... Ромиз Жўра тош қотган девор соатига термилиб қолди. Отаси аллақайси юртга борганида келтирган – қўни-қўш-нилар, яқин-йироқлар атайин осма соат томошасига гала-гала бўлиб чиқишган, занг чалинишини ўз қулоғи билан эшитиш ниятида эринмай кутиб ўтиришган уларникида. Хонадоннинг арзандаси эди, энди эса... овлоқ дача мулкига айланганига аллақанча йиллар ўтди. Юрмаса ҳам майли, чиқилламаса ҳам, занг урмаса ҳам майли, деворда турибди-ку, ош-нон талаб қилмаяпти-ку. Аҳён-аҳёнда тикилиб-термилиб қолади Ромиз шоир, шундай дамларда капгири қилт этмаса-да, занг чалмаса-да, соат ҳамиша юриб тургандай, ўғли уйланиши муносабати билан замонавий таъмирдан чиққан уй-жойига сифмай қолган бу топилмас бисот мутлақо, ҳеч қачон, зинҳор-базинҳор тўхтамайдигандай чиқ-чиқ, чиқ-чиқ, чиқ-чиқ садоси қулоғининг остидан узилмайди...

Ромиз Жўра почалари тиззасига довур шилтаси чиққан шимини алмаштириш ниятида ичкари хона эшигини очди-ю, юраги шув этиб кетди. Не кўз билан кўрсинки, тўрдаги девордан унга ота-онаси тиккасига қараб туришарди! У югуриб девор ёнига борди, икки қўллаб миҳга илинган суратга талпинди, кечирилмас айб иш қилиб қўйган одамдек вужудидан дувва ҳовур кўтарилди. Баданига қалтироқ турди. Қиш бўйи-я?! Кимсасиз, совуқ-зах кулбада-я?! Нечун шунга ўйлаб кўрмади-я, наҳот шунчалар бетаъмизликка йўл қўйди-я?!

Ромиз Жўра суратни икки қўллаб тутганича юз-кўзига босди, апил-тапил чанг-ғуборини си-дириб ташлаб, узр сўраётгандек энтика-энтика ўпди – суратни қай ҳолатда тутмасин, Ромиз Жўра ҳарчанд нигоҳини олиб қочмасин, отаси билан онаси ундан кўзларини узишмади – кулимсираб, вазмин... миннатдор нигоҳ-ла тер-милганча қараб тураверишди.

Ромиз Жўра темир каравот чеккасига оҳиста чўкди. Юз йилдан ошган-ов, бу хонадон хизматига ёлланганига! Бу ҳам отаси ва она-сидан ёдгорлик... Айтмоқчи, шаҳри азимдаги шоҳона уй-жойларига нимаики сигмаса, бари шу ерга – дала ҳовлига ташиб келтирилган. Оёқ остидаги кигизни айтмайсизми! Ромиз болалигидаги чангларнинг иси келади ундан. Болалик уйларида, сандалнинг чеккаларига солар эди онаси. Остидан бўйра тўшалган, сўнг кигиз. Намат дейишарди. Ҳозир болалари намат нима эканини билишмайди. Ўғли айтиб қўймайди: ада, уйда шуунча гилам ўрами ётибди чанг босиб, ўша наматни баҳридан ўтақолинг, дегани-деган. Ромиз Жўра ўламан саттор, кўнмайди, намат экан-у, лаби учган пиёла, дастаси узилиб тушган обдаста, ичига ёш бола яшириниб олса бўлгудек, энди ҳеч нар-сага ярамайдиган хум – ҳамма-ҳаммаси, ҳа-я, ана, қозикда – икки оёқ-икки тизза ўрни ўйи-либ тушаёзган, саждага борган манглай ўрни оқариб кетган гулдор жойнамоз – бирортаси-нинг баҳридан ўтишга юраги дов бермайди, кўнгли бўлмайди, истамайди, ташлаб юбориш тугул, шундай хаёлга борган дам ота-онасига хиёнат қилаётгандек ичлари ўртанади. Отам-дан, онамдан нимаики қолган ва уйимизга сиг-маётган бўлса, беринглар, ҳаммасига дачада жой топилади, дейди. Бажонидил опкелади. Ҳар бири отаси ва онасини эслатувчи рўзгор буюмларини соғиниб келдимикан бу сафар Ро-мизжон, дала ҳовлига?!

– Дача омборхонага айланиб кетди, барака топгур, – дейди аёли норозиланиб.

– Омбор эмас, музей, – дейди отасини ран-житмаслик учун юмшоқроқ қилиб ўғли.

– Лоақал дачани адамми ихтиёрларига қўй-лик, – деб унинг ёнини олади қизи.

Ромиз Жўра қўл учи тегса ғичирлаб кета-диган ёзув курсиси устида қолган бир варақ қоғоздаги таниш хатга кўз югуртирди. Овоз чиқармай ўқиди: “Ушбу ҳужжат ила далолат келтираманким, Хапу-Хапу кўчасидаги Чинни-

ой хонимга қарашли 8-уйда яшовчи, асли хоним афанди бозордан арзонгаровга сотиб олган Пет-рус ўткир савдойилик хасталигига гирифтор бўлган, шу муносабат билан...” Ўзининг дастхати. Қаердан келиб қолди?.. Ромиз Жўра қоғоз ости-да яна бир варақ борлигини кўрди. Ундаги ёзув-ни ҳижжалади: “Настоящим удостоверяю, что Пётрусь, проживающий по адресу: ул. Хапу-Ха-пу, 8 у г-жи Чин, приобретенный ею на рынке, страдает острыми приступами безумия и, в связи с этим...”² Охиригача ўқимай туриб ёдига тушди. Қандайдир важ билан, ёдида йўқ, ёки бе-корчиликдами, ўзини синаб кўриш ниятида шу матнни таржима қила бошлаган-у, чала қолган-ди. “Шизотимия”си нима? “Циклотемия”си-чи?.. Шунга ўхшаш атама сўзлар таржимасига тиши ўтмай чала қолдирганди, чоғи, бошлаган ишини. Тиши ўтганда-чи? Китоб-луғат титкилаб топган-да-чи? Бошига урадимми бу таржимани?! Гадо-вачча хастаҳол Петрус жухуднинг ташвиши ет-маётганди Ромиз Жўра жанобларига?! Шоирлик ҳам эви билан-да, окоси! Қиш бўйи хотирингни бежам қилган ниятингга етай деб турибсан, мана, нақ жаннати наъийм ислари гуркираб, пешвоз кутиб олмоқда. Ана, баҳорой! Мана, кўк-ламой! Бунчалар кўзларинг, кўзларингга қўши-либ идрокларинг қамашди, Ромизбой?!

Шу пайт қаердандир шовқин келди. Ромиз Жўра диққатини жамлади. Ғалати ғала-ғовур эшитилди. Ия, мендан илгари отни қамчила-ганлар борга ўхшаб қолди-ю! Ким келдийкин?! Овозлар қай томондан чиқяпти, ўзи? Жалол қўшни – йўқ, Қоровой ака – йўқ, домла – жазира-рама саратон ҳавога ўт қўймагунича қорасини кўрсатмайди. У ҳолда... Уч-тўрт ҳовли наридан бир қанча эркак-аёлнинг қаҳ-қаҳ отиб кулиш-гани эшитилди. Мени мазах қилишмаяптими, ишқилиб – хаёлига оралаган гумонни ўша заҳоти унутди Ромиз Жўра. Мошинасоз уста, қўли енгил – бозори чаққон уста, ишнинг кўзини би-ладиган уста. Қачон қараманг, уч-тўртта шогир-дини бошлаб келади. Ўзи тиним билмайди, ўзга-ларни ҳам тиндирмайди – ишлатгани-ишлатган.

Ромиз Жўра ҳам шогирдлари қуршовида кел-моқчи эди, аёли қўймади, шу изғиринда ўзингиз борганингиз етмагандай, шогирдларингизни қўя туринг, деди, олди – ёз, обборарсиз, деди. Йўқса... Уста мошинасознинг қийқириб бутун дала ҳов-ли депарасини бошига кўтариб “воҳ-ҳа-ҳо”лаши эшитилди. Демак, олиб келса бўларди. Иккитаси ё учтасига бир оғиз имо қилса, бари беминнат

² Лео Липский. “Пётрусь Апокриф” романидан.

йигитлар – учиб келишарди. Хотини, совуқ кунда узоқ қолиб кетманг, тезда изингизга қайтинг, деб жавраганига қарамай, Ромиз Жўра мўлжаллаган бир дунё юмушни шу куннинг ўзида битириб юборарди. Ҳой, дерди, сен у ишни қил, ҳой, сен бу юмушни уддала, деб ҳар кимнинг вазифасини белгилаб берарди. Эҳ, аттанг! Хотиннинг сўзига кирди-я!.. Дачада шоирлик кетмайди, деб неча қайта ўзига ўзи танбеҳ берганди-я! Бир сафар тор кўчадан дарвозага қадар мошинасида кириб келди-ю, ёмғир ёғиб ўтганини ҳисобга олмаган экан, аробасининг ғилдираги лойга ботди-қўйди. Ҳарчанд уринди, қани энди, “Нексия” тушмагур жойидан жилса! Аксига олиб кўни-қўшнилар йўқ, Ромиз кўмакка ярайдиган эркак излаб кетди. Айланасига бир чақирим юрди эшикма-эшик, йўқ, эркак зоти қолмабди қишлоқда. Қайси эшикка бош суқмасин, хотин-халажнинг минғирлаган овозини эшитди: “Тирикчилик, тоғо, дадаси сафар кетганича дараги йўқ...” Боғ ҳовли ишни пухта қилганники! Бу ерда бировнинг савобию гуноҳи ўзгага бегона. Оббо, Петрусбачча-ей, сенинг доғингда келмагандим... Чала-чулпа қораланган варақдан чакак-чакак бўлиб кетган, ранги заҳил, жони илвираган пажмурда башара мўлтайиб қараб тургандай... Манавиндай беҳишт боғини умрида кўрмаган-да, бола пақир! Шизотимияни ўқиган, циклотемия асрорларидан нажот истаган, оқибати эса... паймона поёнига етаёзган... Манавиндай лозорларда танию жони яйраб-яшнаб нафас олмаган – баҳра топмаган, танбур-сато чертмаган, муножотлар айтмаган, на бу дунё, на-да... Петрус-с... шизо-циклотемия... ака-ука, эгиз хасталик... танбур, сато... чаманзор... лозор... лола-а...

– Почча-а!

Ромиз Жўра биров орқадан келиб шапалоқ тортгандек қулоғи шанғиллаб кетди, кўз олди қоронғилашди. Кимдир чақирдимми ёхуд қулоғига чалингандек бўлдимми, диққатини жамламоққа уринди-ю, афти бужмайди. Хаёли ўзида бўлмаса-да, Омаднинг овозини дарҳол таниди. Қаердан пайдо бўла қолди?! Осмондан тушдимми-ердан чиқдимми?! Ким чақирди уни бу ерга? Шайтон бошлаб келдимикан ё?... Ҳар йили, шу ёзда дачангизга бораман, почча, деб бошини қотиради-ю, қадам босмайди. Болтун!.. Опаси билан етаклашиб келишдимми ё?..

Ромиз Жўра хаёлида аралаш-қуралашган сўз ўйинини увол қолдиришни истамай, уни тугаллаб қўйди: ...Ўзларидан кўрсин! Бадбахт Пет-

руслар қавми на бу дунёда, на у дунёда кўради бундай боғларни!..

Ромиз Жўра истар-истамас айвонга чиқди-ю, оёқ остида устма-уст ётган кетмон билан болтага кўзи тушди. Ажабланиб улгурмаган ҳам эдики, бир қўлида белкурак, бошқасида теша кўтарган Омад пайдо бўлди.

– Биладан, почча! Китоб титкилашга тушсангиз дунёни унутасиз. Боғ юмушларини манга қўйиб беринг, ўзим боғлайман, илло, сиз ичкарида зах тортиб қолманг-да. Баҳорри юмуши кўп, қаранг, нимадан бошлашши ҳам билмайсан, одам! Тўғримми?

– Ҳар банда, ҳар нарса зиммасида ўз вазифаси, ўз юмуши билан келади дунёга...

Ромиз Жўра шундай деб айвон саҳнида ётган кетмонга термилиб қолди. Отаси раҳматли атай темирчилар устахонасига бориб, қуйдириб келган, “Обидкетмон” деб ном қўйганди – бесўнақайлигини демаса, ҳалиям бинойидай ярайди. Аррага ҳам отасининг дасти теккан... Аслаҳахона қулф эди, Омад тушмагур калитни сўрамади ҳам?..

– Жа, тагдор гап қиласиз-да, почча! – Шанғи овози келди Омаднинг. У уйнинг орқа томонидаги аслаҳа-анжомлар сақланадиган омборчани тарақа-туруқлатиб кавлаштираётган, яна ниманидир излаётган, чакаги эса бирор нафас тинай демасди. – Ман конкрет одамман, конкрет гапираман. Маъноларга тўла тагдор гапингизга келсак, сиз билан биз-ку, бандамиз, тўғри айтдингиз, бу дунёда ҳар бир одамми ўзига яраша юмуши, вазифаси... лўндагина қилиб миссияси дейлик, тушунарли-да, тўғримми?.. Манимча эса, почча, раҳматли отангиздан қолган манави темир-терсақларнинг ҳам... – Ромиз Жўра “Бунча шанғилламаса!” деб кўнглидан ўтказиб улгурмаган ҳам эдики, Омад зипиллаб айвон саҳнида кўринди, шоша-пиша ерда ётган аслаҳаларга кўз югуртирди-ю, таққа тўхтади: – Ия, тешавой жаноблари ўз оёқлари билан чиқибдилар-ку! Ёки, сиз опчиқдийзми? Изламаган жойим қолмади-я!..

– Мен ҳали орқага ўтганимча йўқ... Омборри калити мана...

Омад поччасининг салмоқланиб, ҳатто ортиқча рўй-хуш бермай минғирлашига ҳам, унинг кафтида турган калит шодасига ҳам эътибор қилмади, овозининг борича, лекин калтагина қилиб “Хаҳ-ҳо” дея қулди-қўйди, сўнг ерда ётган аслаҳа-анжомларга қарата сўзамоллиги тутди:

– Тешавой жаноблари... Кетмонали... Арра-жон-арра! Ҳаммасини миссияси конкрет, почча-жон почча! Тўғрими?.. Мана шу инструментлар ҳаммаси ўз вазифасини адо этса, дунёда бит-майдиған иш қомайди, демоқчисиз-да, тўғрими?.. Манави ўрмонни, ўт-ўланни лола-поласи билан!.. Ия, тавба, тоғ лоласи, лолақизғалдоқ, би-нафшаю чучмомалар бирваракай чаппар уриб очилған боғни биринчи кўришим умримда, почча! Нима бало, боғингизни сеҳрлаб қўйганмисиз, ока?!

– Мен боғни эмас, боғим мени сеҳрлаб қўйди, Омад, боғим.

– Бу жаннати гулзор оралаб хурлар ҳам чиқиб келар асталаб денг, почча-а! Аҳ-ҳа-ҳа-ҳе-ей-й!

– Омад тушмагур-ей! Сизга гап бўлса!..

– Ало-омат! Бу ёғига қараб тулинг, ҳаммасини шест секундда юмалоқ ёстиқ – гулдур гупп, кип ташлайман!..

Ромиз Жўра қўрқиб кетди, сапчиб Омадга ташланмоқчи, агар у қўлига бирорта аслаҳани тутган бўлса, жон-жаҳди билан юлқиб олмоқчи эди. Хайрият, Ромиз шоирнинг хаёлидан кечган гапи ниҳоясига етиб улгурмай қайниси лип этди-ю, тоғдан тушиб келган шарпадай ғойиб бўлди. Зум ўтмай унинг овози уй орқасидаги майдонча томондан эшитилди.

– Почча! – деб чақирди у уйга ўт тушгандай ҳовлиқиб. – Э, буни қаранг, бу ёққа ўтсангиз-чи! Тезроқ, ока!

Ромиз Жўра бир-бир одим ташлаб, уйнинг орқа томонига ўтди. Майдонча торгина, ихчамгина, лекин махсус бўяб қўйилгандай ям-яшил, қизил, сариқ, тарғил лолаю лолақизғалдоқлар чунонам тигиз ва қуюқ очилған эдики!..

Ромиз Жўра Омаднинг тиззалаб чўк тушганча қўлларини боши узра кўтариб, кўкка қарата нола чекаётган, тавалло қилаётган алфозда кўриб ҳайрон қолди.

– Дача эмас, ока, – деди дона-дона қилиб Омад. Унинг товуши хушовоз ҳофизнинг овозидек жарангдор ва тиниқ чиқди. – Жаннат-ку бу, Рамзиддин почча, жаннатнинг ўзгинаси-ку! Шунча йил, шу-унча замондан буён бу ерга қаддам босмаган мен тентак, мен дуррак! Тўғрими, почча?!

Ромиз Жўра кўз ўнгидаги манзарадан тили айланмай, гўлдираб қолди. Хийла муддат жим тургач, тилга кирди:

– Ўт-ўлан, лола-лолақизғалдоқ, дала-тош,

боғу баҳор – шу-да, ҳаммаси ўз бурчини адо этаётгани...

Омад ҳамон ҳайрат исқанжасидан чиқолмаётганди. Поччасининг айтганлари қулоғига кирмади ҳам.

– Тўғрими?.. – Ҳолдан тойган ё ҳушидан айрилаёзган одамдек сўрай олди у шивирлаб. – Одамларни жаннатга келишга ҳам вақти йўқ...

– Тўғри айтасан, Омад, жаннатнинг ўзгинаси, бироқ...

Бироқ Ромиз Жўранинг бу жавоби ҳам Омаднинг қулоғига етиб бормади, чунки қайниси тўсатдан ирғиб қад ростлади-да, пилдираганича айвон томонга ўтиб кўздан йўқолди. “Бетоқат! – Сокин ҳаловатини бузгани учун ҳамон қайниси ранжигани аламида деди Ромиз Жўра. – Бесабр!”

Ранжиди, ижирғанди, энсаси қотди... зўраки илжайди, Омаднинг ҳовлиқишлари баттар ғашини келтира бошлади. “Ўзи сўрайди-да, жавобига қулоқ ҳам солмайди...” – Ромиз Жўра ичида шундай деб улгурмай Омад “обидкетмон”ни икки қўллаб тутганича поччасининг рўпарасига келиб тўхтади.

– Тўғри айтдингиз, жаннатни ўзгинаси! Одамлар вақт топмаса – ўзига!.. Мен ўз миссиямга киришаверайми?

Ромиз Жўра жавоб ўрнига индамай яқин бориб, қайнисининг қўлидан кетмонни олди-да, оҳиста чеккага қўйди.

Бу орада қуёш икки терак бўйи кўтарилган, аксари лолақизғалдоқлар япроғи тўкилиб, тўкилмаганлари эса юмилиб, сўлий бошлаган эди. Ромиз Жўра ичкарига кирди-да, кўпам ҳаялламади, энгил-бошини алмаштириб, зумда қайтиб чиқди. Чиққан заҳоти ерда ётган асбоб-ускуналарга разм солди. Уларнинг орасида қайси биридир кўринмади. Ромиз Жўра қайним ишга тушиб кетдимикан деган хавотирда шошиб қолди. Жадал юриб майдончага ўтди.

Омад майдончанинг бир бурчида ўт-ўлан орасида аранг кўзга ташланаётган ёнғоқ дарахтидан қолган тўнғак тепасида энкайганича гирдика-палак бўлаётган эди. Ромиз Жўра унинг ўзидан кўра қўлидаги тешага хавотирланиб қаради.

– Омад! – деб чақирди.

Омад пинагини бузмади, гўё дала ҳовлида танҳо ўзи қолгандек, бу ерда ўзи хон – қўланкаси майдондек, кўнгли нимани тусаса ўша билан машғул бўладигандек, мезбоннинг чақиршига ҳам парвойи палак эди.

– Илон! – деди у, поччаси ёнига яқинлашиб келганида. Шундай деди-ю, икки кўзи ўт-ўлан орасида, қўлидаги тешани боши узра шай тутган алфозда, Ромиз Жўрага қайрилиб қарамади. – Сап-сарик! Мана му-у-ундай-й! – деди иккала қулочини кенг ёйиб.

Ромиз Жўра қайниси кўрсатган жойга қараб улгурмай, Омад яна ваҳима кўтарди:

– Кетди! Қочди!

Илон ўт-ўлан оралаб уйни ёнлаб узоқлашди, шекилли, Омад бояги-бояги энгашиганича ўша томон югурди. Ромиз Жўра югурмади-ю, қайнисининг изидан жадал эргашди. Унга етиб олгач, ошиқмай, заррача ҳовлиқмай, Омаднинг капалагини учириб юборган махлуқни нигоҳлари билан излади. Топди. Узунгина, дарахтнинг янгигина арчилган пўстлоғидек сап-сарик, терисида аллақандай нақшин чизиқлар яққол кўришиб турибди. Илонлар майса, ўт-ўлан орасида чақиндек тез судралишини у яхши биларди.

– Калласини янчаман! – деб бақирди Омад ҳамон поччасига қарамай-нетмай, тешани боши узра ўйнатиб. – Икки бўлиб ташлайман!

Ромиз Жўра аввал ғоятда босиқлик билан қайнисининг кифтига қоқиб қўйди, шунда ҳам ўзига ўгирилиб қарамаётган Омаднинг қўлидаги тешани авайлабгина олиб, кекса тол дарахтидан мерос – неча йиллардан буён шу ерда узала тушиб ётган тўсинбоп хомага ўтирди. Омад қаердандир қўлига илинган сўйил билан қуролланиб, ҳамон илонни қувишда давом этди. Зум ўтмай унинг афсуслангани эшитилди.

– Йўқ, йўқолди!.. Қаёққа қочди?! Бир урсам ўларди-я, почча, тўғрими?!

– Ўлмайди, ўлмайдиган хилидан... – Илон ғойиб бўлганидан мамнунлигини яширмай қулимсираб жавоб қайтарди Ромиз шоир. – Бегона эмас, беиён, қиёматли жўра тутунганмиз...

– Ола-а! Жа, опқочасиз-а, почча?

– Тўғриси, мен йўғимда боғни кўриқлаб ётади. Жўра тутинганимиз рост.

Омад билганидан қолмади. У шоша-пиша майдонча томонга ўтиб кетди. Ромиз Жўра энди қайнисининг бу қилиғига эътибор қилмай қўйди, у Омадни “қуролсизлантиргани”дан хотиржам тортди, чарақлаган қуёш ёруғида янаям яшнаб кетаётган боғ манзарасидан дили яйраб, яна холи қолишни кўнгли тусади. Боғ ҳовлини оғушига олган сукунатга вужуд-вужуди билан сингиб кетгиси келди. Ёнгинасидан, йўқ, ўзи ором олиб ўтирган тўсин-ўриндиқ остидан ўтган чоққина ариқчадан

оқиб бораётган сувнинг жилдираши эшитилди. Одатда бу ариқчаларга сув боғлаб келиш кони машаққат эди, ҳозир эса боғ соҳибининг муборак ташрифи шарафига, меҳр-садоқатига табрик ва тортиқ мақомида булоқ сувидек тиниқ сув ўз “оёғи” билан чопқиллаб келганди...

Ромиз Жўра хийла паллагача ихтиёрини паришон хаёллари изнига қўйди. Кўзи чаман бўлиб ясанган боғда, хаёлида эса... аёли, қизи, ўғли... акаси, опалари, дўстлари... устозлари, садоқатли шогирдлари... у билган-нетган ҳамма-ҳамма яхши одамлар бу гўзал ҳовлига жамланишган, ҳаммаларининг чехраларида табассум, шодмонлик... Шу чоғда, шу боғда ҳар нарса гўзал, ҳар нарса кўкарган, ҳар нарса қулар... Ромиз шоир умри мобайнида дилда пинҳон тутган орзусига етган, армонлари қолмаган одамдек дам шуури, шуурига қўшилиб вужуди замину осмон орасида муаллақ парвоз қилаётган булут парчасидек ўзини енгил ҳис қилар, дам эса қўл-оёғи ҳолсизланиб танаси тошдек оғирлашиб кетар, бундай ўзгарувчанлик боисини тушунолмай хавотирда турмоққа шайланган, ҳозирланган ҳам эдики, бирдан ўриндиқ қарс этди. Тўсин Ромиз Жўра ўтирган жойидан синиб, эгилиб ерга тегиб қолди. Ромиз Жўра туриб кетмади, қимир этмади ҳам. Хаёлининг бир чеккасидан “Табиий, неча йиллик тол қор-ёмғир остида чириган” деган ўй ўтди, холос. Шу пайт Ромиз Жўра мутлақо кутмаган ҳодиса юз берди: кўз қири билан қандайдир ғимир-ғимир ҳаракатни илғагандек бўлди. Эътибор бермади. Бироқ бир зум ўтар-ўтмас эътибор қилмаслигининг иложи қолмади: Ромиз Жўра бутун бадани бўйлаб қумурсқалар чопқиллаб қолганини кўрди. Қулди. Нима қилишини билмади. Хиёлгина қўзғалмоқчи ёки бармоғининг учгинасини салгина қимирлатмоқчи бўлганди, чумолиллар чунонам кўпайдики, чунонам жазавага тушдики!.. Йирик-йирик, оқиш, сарғиш, қорамтир. Оёқлари узун-узун. Қулоғининг учи жизиллади, “Тишлади, – деди Ромиз Жўра. – Қулоғимга кириб кетяпти”. “Лабимни чақди...” деб улгурмай чумолиллар галаси қоши, киптриги орасини “тайҳон” қилиб кўзларини талашга киришди. Ромиз Жўра шунда ҳам қаршилиқ кўрсатмади, чидади. Қумурсқаларни ҳайдаб солиш ўрнига ўзини чалғитишга тутинди. Кўз қири билан ён-теварагига аланглади, қайнисининг қораси кўринмаса-да, кўмак истади, шекилли, овоз чиқарди:

– Омад.

Жим.

– Омад! – яна чақирди у бу сафар овозини хиёл баландлатиб.

Омаддан садо келмади.

– Вазифангни, миссиянгни айтмоқчи эдим, пайқадинг-а? – деб савол қотди у.

Ҳовли, атроф-жавониб шу қадар жимжит эдики, ариқчадаги сувнинг жилдираши эмас, ҳатто лола-лолақизғалдоқларнинг майин шабадада оҳиста тебраниши ва бутун бўй-баста бўйлаб шиддат ила югургилаб чопқиллаётган безовта чумолиларнинг оёқ товушларидан чиққан “штир-штир” гача эшитиларди.

– Қачонгача шу аҳволда юрасан, Омад?

Вақтида оила қуриш ҳам эр йигитнинг вазифаси, бурчи. Шу ёшингда сўққабош юриш ярашмайди, ука... – Ромиз Жўра айтаётган гапларини қайниси эшитаётганига ишончи комил эди. Омад боғ ҳовлида туриб айтган гапингни шаҳардаги уйда туриб ҳам эшитадиганлар тоифасидан. Ҳа, унинг қулоғи ҳаминиша динг!

– Войй, устоззз!

Ромиз Жўра сагчиб тушди. У ўзини ўнглаб, оғиз очиб улгурмай, ёнгинасида пайдо бўлган Фаридани икки қўллаб ҳай-ҳайлаганича Ромиз Жўранинг боши, бети, елкаларини қоқа кетди.

– Аста, Фаридахон, аста, – деди шигчиб Ромиз Жўра. Унинг гапираётганидан фойдаланган чумолилар тап тортмай оғзига ҳам кириб кетаётганди. – Шовқин кўтармай қўя қолинг.

Фарида қулоқ солмади. Ўз билганидан қолмай Ромиз Жўранинг бутун гавдаси бўйлаб пастдан тепага, тепадан пастга қараб қувалашаётган, чопқиллашаётган тумонат чумолини қоқиб ташлашга тутинди. Устозини бу аҳволда кўрганидан беҳад хавотирга тушганди. Бироқ у ҳарчанд уннамасин, чумоли издиҳоми камаядиганга ўхшамади. Шунга қарамай, қизгина меҳрибончилик кўрсатишдан тўхтамас, Ромиз Жўра эса унинг бу қадар қуёнчаклигидан хижолатда жони ҳалак, қолаверса, атайин бир ўзи келган дала боғи шу қадар гавжумлашиб кетгани сирини тушунолмаётган эди.

– Кела қолинг, Зиёда, қаёқда юрибсиз? Бир ўзим удалолмаяпман!

– Зиёда?!

Кутилмаган ташрифдан Ромиз Жўранинг кўзлари чарақлаб кетди. “Ана, холос!” деб юборди у рўпарасида пайдо бўлган яна бир садоқатли шогирдига кўзи тушиб. Бўйчан, адл қоматли, кўзлари мовий, ўзи – юз-кўзи, билаклари,

узун-узун бармоқлари пахтадай оппоқ Зиёда ваҳима кўтариш бобида Фаридадан ўтиб тушди. У ҳам аҳволни кўрган заҳоти, дугонасидан сўраб-суриштирмай бўйнига ташлаган рўмолчаси ёрдамида Ромиз Жўранинг уст-бошидан қумурсқаларни қоқиб туширишга киришиб кетди.

– Кўклардан малаклар қиз бўлиб тушсалар...

Ромиз Жўра ҳарчанд ҳой-ҳойламасин, бу икки фаришта мисол қизни бунчалар меҳрибонликдан тўхтатолмаслигига кўзи етди.

– Қўйнимга тўлсалар, қўйнимдан тошсалар гулларнинг ҳидлари...

Менга эмас, боғга, лозазорга қаранглар, лолақизғалдоқлар гўзаллигидан баҳра олинглар, жон қизлар, – дея уларнинг эътиборини бўлмоққа уринди Ромиз шоир... уринишлари зое кетди. Шунда... шунда бирдан Ромиз Жўра хаёлига келган фикрдан қувониб, ўша заҳоти ўйини ижро этишга киришди. Қизларга сездирмайгина аста ўрнидан кўзғалди, бироқ бошидан оёғигача қумурсқага талош одам гўё учиб бораётгандек оёқлари ерга тегмай лозазор томон яқинлаша бошлаганини пайқаган қизлар йиғламсираган ва ёлборувчан товушда қичқириб юборишди. Бироқ Ромиз Жўра суви белидан келадиган ҳовузга тушган одамдек лозазор оралади. Фаридани билан Зиёда уни таъқиб эта бошлашди. Ромиз шоир дам-бадам қадамини жадаллаштирди. Югурди. Югура туриб оёғи чалишиб йиқилди, ўт-ўлан орасида чалқанчасига ғарқ бўлганича ҳайрат ила бепоён осмонга тикилиб қолди, кўзини узолмай томоша қилди – бундай тиниқ осмонни кўрмаганди Ромиз Жўра ҳаётида! Боши узра оппоқ чинни кабутарлар гир айланиб учиб ўтишди – Ромиз Жўра кабутарларнинг қанот қоқишини эмас, ҳатто нафас олишини-да эшитди. Қизлар ҳамон унинг изидан қувиб келишаётганини кўрди, турасолиб мовий чаманзор оралаб қочишда давом этди.

Қочиш ва қувиш хийла чўзилди. Эгилиб-букилган ўт-ўлан орасида илонизи сўқмоқчалар пайдо бўлди. Ромиз Жўра яна юзтубан йиқилди. Қизлар ҳайратданми-қувончданми ё кўрқувданми... жим бўлиб қолишди. Ромиз Жўра боши узра, унинг боғ ҳовлиси узра оқ чинни кабутарлар офтоб нурида ярақлаб-чарақлаб гир айланаётганидан назар-нигоҳини узолмади. Ўзи ҳам уларга тақлидан лозазор ичра айлана ясаб қочгиси келди, майлига, қизларнинг эса уни қувишда давом этишларини жуда-жуда истади. Ва ёш болалардек қочиб кета туриб йўл-йўла-



кай икки қўллаб лола теришга тушди. Терган лолалари бир қучоқ бўлгандагина югуришни бас қилди, қадамини секинлатиб, харсо-харс олаётган нафасини ростлашга уриниб, боягина ўтирган – синган тўсиннинг бир чеккасига чўкди. Зум ўтмай унинг изидан қизлар ҳам етиб келишди. Улар кела солиб Ромиз Жўранинг уст-бошига қарашди.

– Вой, биттаям қолмабди! – дея бараварига чапак чалиб юборишди Фарида билан Зиёда қувонганларидан, шундай бўлса-да, беихтиёр устознинг уст-бошини ҳарир рўмолчалари билан қоқиб, артиб-суртиб меҳрибонлик кўрсатишдан тўхташмади.

Ромиз Жўра қучоғи тўла лолаларни баланд кўтарганича иккала қизнинг боши узра силкитди. Қизлар шодлана-шодлана қаҳ-қаҳ отиб кула бошладилар, зум ўтмай улар бошдан-оёқ алвонгул япроқларига чулганганча бир-бирларини қутлай кетишди. Ромиз Жўра бу ажиб манзарадан сархуш кайфиятда... айни шу пайт дарвоза тикирлагандай бўлди. Ромиз Жўра бирдан ҳушёр тортди. Хаёл гулзори тўзиди-кетди. Шундай туюлдими, деган ўйда қулоқ солди. Дарвоза тикирладими-тақилладими, ҳар қалай, кимдир чақираётгани эшитилди. Ромиз Жўра

дарвоза томон икки-уч қадам қўйган жойида таққа тўхтади, изига қайтди ва ерда ётган аслаҳаларга қаради. Биров кўриб қолмасин деган хавотирда шоша-пиша уларни устма-уст қўлига олганича уй ортидаги майдонча томон югурди. Жадал бора туриб, йўл-йўлакай гапирди: “Яхшиям келган эканман!” У кафтларини бир-бирига уриб қоқа-қоқа дарвоза томон бораркан овоз чиқариб такрорлади: “Эрта баҳордан айланай, эрта баҳордан! Яхшиям келган эканман. Яхшиям!..”

Ромиз Жўра жадал бориб, дарвозанинг якка тавақли эшикчасини астагина очди. Не кўз билан кўрсинки, рўпарасида жингала сочлари сутдек оппоқ бетларига, тим қора кўзларига бирам ярашган, оқ, сариқ, қизил гулли яп-янги ҳарир кўйлакчаси тор ва овлоқ кўчани яшнатиб юборган жажжигина қизалоқ турарди.

– Ман-чи, сизга ширин-н овқат опкелдим, амаки...

Қизалоқ жарангдор овозда шундай деди-да, қўлидаги тугунчани Ромиз Жўрага узатди. Ромиз шоир журъатсизланиб тугунчани олишини ҳам, олмаслигини ҳам билолмай, ҳамон ҳайратлардан ҳушини йиғолмай аланглади.

Кўча кимсасиз, жимжит эди...

Барча лаззатни
тотдим,
офиятдин
чучукрак
шарбат
топмадим.

Агар отинг йўқтур,
арпа ғамин емассан.

Мазлумға
бахшойиш
кўргузки,
золимдан
осойиш
кўргайсен.

Одамийнинг яхшироғи улдурким,
порсову пок бўлғай ва ҳақ сўзни
айтурда бевахму бок бўлғай.

Вафосизда ҳаё йўқ,
ҳаёсизда вафо йўқ.

Ғийбат де-
гучи – на-
жосат егучи.

Кўп деган кўп янгилик

Алишер Навоий ҳикматларидан

Моллиғ нодоннинг демаги,
олтунлуқ чибиннинг емаги
маълум.

Ўзи поку кўзи покни
инсон деса бўлур.

Оқил чиндин ўзга демас, аммо барча
чинни ҳам демак оқил иши эмас.

Ёлғон айтқучи
ғафлатдадур.

Киши таълимдан
топса малолат, топар
илм аҳли оллинда
хижолат.

Кулгу адаб таркига
белгу дурур.

Кўп
деган кўп
янгилик.

Ёлғончи ҳар неча
сўзида фасихроқ,
сўзи қабиҳроқ.

Такаббур шайтон
иши, бийиклик нодон
иши.

Оз демак ҳикматқа
боис ва оз емак
сихқатқа боис.

Ёмонларға лутфу
карам – яхшиларға
мужиби зарару алам.

Улки буюруб, ўзи
қилмағай – ҳеч
кимга фойда ва асар
анинг сўзи қилмағай.

Кулагач юзлуг
хушахлоқ нифоқ
кудуратидин бўлғай
йироқ.

Кимки, қаноатдан
эрур ҳужжати,
яхши-ёмонга йўқ
анинг ҳожати.

Улки, эл
кўрмагунча
бермас, лаимдур,
сахий эрмас.

Хўб йиртуқ тўн
била ҳам хўб, гул
ямоғлиқ чопони
била маҳбуб.

Сабр била кўп
боғлиғ иш очилур,
ишда ошиққан
кўп тойилур, кўп
тойилган кўп
йиқилур.

Улки, сўзни бир ердин
яна бир ерга еткурғай,
элнинг ўткан гуноҳин
ўз бўйнига индурғай.

Табиатқа ҳар неки
одат бўлур, чу
эскирди одат –
табиат бўлур.

Телба қулоғиға панд
– қуюн оёғиға банд.

Кўзни ўз айбингдан
олма ва ўзгалар
айбиға кўз солма.

Эр кишиким, кўп
ясанғай, хирад аҳли
анинг ақлидин
ўсанғай.

Киши ўз мадҳин
деса, чин доғи бўлса
нописанддур.

Сўзи ҳисобсиз – ўзи ҳисобсиз.



Ориф Толиб тўплади.

Ёшлик дафтарига

муҳаббат дуэти ёхуд бир севги достони

Э ишқ, ғариб кимиёсен. Алишер Навоий

Одам ёши ўтгани сайин ёшлигига қайтаверар экан...
Ўша пайтларда оммалашган ёшлик дафтарларини эслайман.
Инчунун, улардаги фавқулодда содда ва самимий шеърларни.
Қўнгиларни балогатга етказар, туйғуларимизни пишитар
эди бу сатрлар. Юракларимиз севги ўтида ўртаниб, беҳаволат
бўлганида ўша шеърлардан малҳам излаганмиз, топганмиз ҳам.
Афсуски, дафтарларда уларнинг муаллифлари ёзилмас, фақат
шеърларгина варақлар ва хотираларда муҳрланар эди.

Эҳтимол, ҳозир ҳам ёшлар шеър ўқишар, ёшлик дафтарлари
тутишар ва уларга қалбларида галаён қилаётган туйғулар-
нинг ифодаси бўлмиш сатрларни битарлар?.. Бу ёзилмишлар
шундай дафтарлардан ўрин олса, ундан қай бир қўнғил малҳам
топса, кимнидир шеърга ошно қилса – муаллиф номи унутили-
шига-да рози.

Муаллифдан

Йигит

Чаман – анво, гуллар анвойи,
Сарин ҳаво, қушлар ҳавойи.
Олов каби қўнғил авзойи
Яна гурлаб ёнмоққа мойил.

Бог ичра юз очдию гунча,
Гул узатди менга илиниб.
Шул сеҳрли саҳарда, ҳатто
Тушуняпман булбул тилини.

Қиз

Туйиб салқин ариқ бўйида
Ҳилват ҳилваларнинг бўйини,
Шарқираган сувлар куйида
Авждир жилваларнинг ўйини.

Дил шабнамдир, гунчалар намранг,
Бунда туйғу гулламиш чаман.
Шабнамларда юзини ювган
Гуллар билан суҳбатлашаман.

Йигит

Осойишта ҳаётим ичра
Бир галаён кирдию туйқус,
Ҳаловатим йўқолди кунлар,
Тунлар кўздан йўқолди уйқу.

Қандай сокин эди бир пайтлар,
Энди бунча тез ураётир –
Нега юрак кўксимга сизмай,
Дукур-дукур югураётир?

Қиз

Бир тошқин бор кўксимда маним,
Шунча шитоб эрирмикан қор?
Бир тонгда кўз очдим у ногоҳ,
Сездим, бу гал ўзгача баҳор.

Ҳаёданми ёнар юзларим,
Қайга бошлар мени дил изни,
Қандай атай, ҳали билмайман,
Юрагимда уйғонган ҳисни.



Икром ИСКАНДАР

1972 йили туғилган.
Ўзбекистон Миллий
университети журналистика
факультетида таҳсил олган.
“Бир даста гул”, “Баҳорни
излайман”, “Бугунги
нақллар”, “Ёмғирли фасл”,
“Яшил хиргойи”, “Фасллар
оҳанги”, “Шамол кўшиғи”
каби китоблари чоп этилди.

**Йигит**

Кезиб сархуш хаёллар ичра,
Мен-да сездим, ўзгача баҳор,
Гоҳ нур ёгар кечаларида,
Кундузида гоҳ тийралик бор.

Кўзларимда чақнайди чақин,
Кўксимда бир шамол елади.
Тонглар туриб тўлиқиб, тошиб,
Ёмғирлардай ёггим келади.

Қиз

Шамол, қурғур, тинмайди бунча,
Балки сирим очмоқ бўлар у,
Сочим юлқиб, хаёлларимни
Ё ўғирлаб қочмоқ бўлар у.

Ўйинқароқ ўртоғим эди,
Энди эса бошқача тамом:
Тортқилайди шамол енгимдан
Мен билмаган бир манзил томон.

Йигит

Қалбга кирган асов туйғулар
Нега ҳеч бўй бермайди менга?
Нега сендан узолмайман кўз,
Нега доим интилгум сенга?

Ақлим олган номсиз бу ҳиснинг
Сезгандайман нима эканин,
Муҳаббатдир балки бу келган,
Балки шулдир севги дегани?

Қиз

Қалбимда бир интизорлик бор,
Ўтарману ёнингдан абас,
Сенга бир бор кўз ташлолмайман,
Нигоҳингни сезиб тургум, бас.

Согинарман сени жимгина,
Согинарман сени ҳамиша.
Айтолмайман мен буни фақат,
Юрагимда ҳоким андиша.

Йигит

Англадимки, ҳаётим ўзинг,
Бу ҳаётда англаганим шул:
Сен дилимда юз очган гунча,
Мен қошингда маҳлиё булбул.

Йўқдир сендан ўзга илинжим,
Фақат бир бор кўрмоқ тилагим.
Мендан олдин, мендан ҳам илдам
Сен томонга чопар юрагим.

Қиз

Кўксим ичра потирлаб қалбим,
Сен томонга шошгани-шошган.
Фунчасини тарс ёриб гуллар
Интилгани каби қуёшга.

Сувратим гар сокин эса-да,
Бир ўт ичра жизганак юрак.
Гунча шундай севар, эҳтимол,
Гуллар шундай севсалар керак.

Йигит

Кунимга завқ, тунимга ёгду
Улашганда нурли хаёлинг,
Тортар мени оҳанрабодай
Юзингдаги бир дона холинг.

Мен кўп нарса тиламасман, йўқ,
Сенга етмоқ ҳавасдур менга.
Йиллар бахтли юришим учун
Бир бор боқсанг – шу басдур менга.

Қиз

Севгим қандай этай эътироф,
Қандай очай кўнглимнинг кўшқин –
Ахир, булбул севган гулининг
Нигоҳидан сезмасми ишқин?

Севги отли туйғу дилимда
Ипак каби қатланар қат-қат.
Юрақларим гупурса-да, лек
Нигоҳларим ер чизар фақат.

**Йигит**

Сени севсам ранжима, дилбар,
Ёш қалбингга бермагил озор.
Бу дунёда ахир бир қатра
Меҳрга ҳам ташналар бисёр.

Севдим десам ранжима асло,
Азобларга дилинг тўлғама.
Жим ва собит севарман сени
Ва ҳеч нарса қилмасман тама.

Қиз

Бир боқишинг мен учун ҳаёт,
Юрагимнинг нақши-ганжисан.
Наҳот буни англамас бўлсам,
Наҳот соҳир ишқдан ранжисам.

Балки, лозим шуқур айламоқ,
Учраштиради бизларни тақдир.
“Севдим” деган биргина сўзинг
Мен учун бир умрлик бахтдир.

Йигит

Сен борсанки, тотлидир ҳаёт,
Сен борсанки, гўзалдир дунё.
Сен борсанки, қувонч бор, гулим,
Сен борсанки, осмон мусаффо.

Сени кўрсам кўзларимда нур,
Сени кўрсам яйрагай дилим.
Сени десам гулни деб ёнган
Булбул каби сайрайди тилим.

Қиз

Сен – юрагим куйлаган кўшиқ,
Сен – дилимда янграган наво.
Сенинг ўйинг билан гўзалдир
Борлигимни қуршаган маъво.

Хаёлимда ўзингсан кунлар,
Тушларимда сени кўраман.
Меҳр тўла сўзларингни мен
Юрагимда олиб юраман.

Йигит

Асов қалбни олиб тизгинга,
Сокин дилга солган галаён
Ишқ аталмиш ул сеҳргарнинг
Энди менга сирлари аён.

Қақроқ қалбда гул кўкартирган
Не мўъжиза дунё экан ишқ,
Куйлагандек улуғ Навоий:
Бир гаройиб кимё экан ишқ...

Қиз

...Сўнгги дамлар қандайдир гашилик
Тинчим узра солмоқда соя.
Буни ҳатто ўйламоқ кўрқинч,
Топмасмикан шодлик ниҳоя?

Кўрқаманки, ногоҳ айрилиқ
Берар бўлса висолга барҳам,
Қутқаролмас бизларни ҳатто
Ишқ аталмиш ул сеҳргар ҳам...

Йигит

О, бу сўзни сўзлама зинҳор,
Дилингдан ҳам ўтказмагил, бас.
Ахир, гулгун баҳор фаслида
Қаҳратонга не учун ҳавас?

Нечун шундай қувончли дамда
Юрагингни эзаётир гам?
Кўй, ўртанма, ишқимиз каби
Мангуликдир бизнинг висол ҳам.

Қиз

Келганидек кун ортидан тун,
Гул ортидан хазон ҳам такрор,
Гарчи буни истамасак-да,
Висолнинг ҳам айрилиги бор.

Севги борки, ҳижрон ҳам ҳақдир,
Ҳали тўймай висолнинг илиқ,
Нафасига, начора, бизни
Кучоғига олар айрилиқ...

Йигит

Қувонч топғум сенинг ёнингда,
Менга сенинг ёнингдадир бахт.
Агар бир дам айрилар бўлсам,
Тамом, энди тўхтаб қолар вақт.

Биз биргамиз – ҳаёт ҳам тотли,
Биз биргамиз – қуёш чарогон.
Майли, ҳар не шартингга кўнғум,
Айрилмайлик фақат ҳеч қачон.

Қиз

Кечир мени, тақдир дегани
Энди менинг измимда эмас.
Ўртаса-да ҳижрон ва лекин
Қалбим сендан ўзгани демас.

Сенинг севгинг, сенинг хаёлинг
Қалбим шоён, ошиён этди...
Не қилурмиз, энди, хўп, хайр,
Айрилмоқнинг фурсати етди.

Йигит

Хўп, хайр, дейсан, фурсат ҳам етди,
Келди ҳижрон жомин ичмоқ пайт.
Бахайрми бу, билмам ва сени
Қайта топа олурманми, айт?

Наҳот шунча оний бу фасл?
Наҳот висол кўклами ўтиб,
Қалбда унган ишқ чечагини
Қовжиратса ҳижроннинг ўти?

Қиз

Сен ноумид бўлмагил ҳеч ҳам,
Мудом орзу бўлсин сенга ёр.
Бизга сурур берган дамларнинг
Баҳор каби қайтиши ҳам бор.

Қалбимдадир, сен билан кечган
Шодон кунлар бўлмагай унут.
Сен ҳам мени унутма зинҳор
Ва ишониб хуш онларни кут...

Йигит

...Қайлардасан, қалбим малаги,
Омон бўлгин қайда бўлсанг ҳам.
Неча кунки, мана, мен сенсиз
Яшайман озурда, пургам.

Не қиларим билмайман, илло,
Дилда нидо, кўзларимда нам...
...Қайлардасан, қалбим малаги,
Омон бўлгин қайда бўлсанг ҳам.

Қиз

Сенсиз кунлар, ойлар ўтмоқда,
Улғаймоқда ҳижроннинг ёши.
Бу кун ожиз қалбимни ҳатто
Қиздиrolмас ёзнинг қуёши.

Музлаб борар юрак тобора,
На оҳ тортар, на чекади ун.
Тушунмасдан унинг ҳолига,
Кўз олдимда карахтдир июнь.

Йигит

Ўртамизда олис масофа.
Ўртаса-да бизларни ҳижрон,
Ўксинмасин юраклар асло,
Гул севгимиз билмасин хазон.

Кузги боғлар либоси каби
Саргаймасин умид япроғи.
Севгимизни шундай имтиҳон
Қилар балки ишқнинг фироғи.

Қиз

Синовларга берурман бардош,
Фақат дилда битта ўкинч бор:
Йўл бермади менга андиша,
Этолмадим ишқимни ошкор.

Айтолмадим сенга севгимни,
Изҳорларим ҳечдир, эҳтимол,
Шу вақтгача эрта деб эдим,
Энди эса... кечдир, эҳтимол.

Йигит

Сени ҳар гал учратганимда
Юрагингни тинглар эдим мен.
Айтолмаган дил иқрорингни
Кўзларингдан англари эдим мен.

Бугун эса сендан узоқда
Қалбим соғинч ўтида ёқиб,
Кўрсам дейман яна масъум ишқ
Эътирофин кўзингга боқиб.

Қиз

Бу айрилиқ, бу гамли кунлар
Чўзилгандан-чўзилиб, ҳайҳот,
Хивадаги Калтаминордай
Ниҳоясин топмайди наҳот?

Билмас эдим мен буни, бунча
Қаттиқ экан ҳижроннинг қаҳри.
Юрагимга унинг тобора
Чуқур ботиб бормоқда захри.

Йигит

Бир маҳаллар бир нақш сингари,
Ўйган каби ишқинг юракка,
Икки ҳарфни бири-бирига
Кўшиб битган эдим теракка.

Бугун адил теракка қараб,
Яна дилни эзаётир гам,
Айрилишиб бормоқда унда
Исмимизнинг бош ҳарфлари ҳам.

Қиз

Бу дунёда қиш ва қаҳратон...
Бу дунёда бир-бирига зор
Сену мену ва ўртамизда
Из тушмаган қор ва ҳижрон бор.

Бу дунёда қиш ва қаҳратон...
Сўлмасмикан умид куртаги?
Айрилиқда, билмадим, қандай
Якун топар бу ишқ эртаги?

Йигит

Бу дунёда барча эртақлар
Эзгу якун тогани мисол,
Бизни қутиб турар бегумон
Ишқ қиссасин сўнгида висол.

Тезроқ келсин дея ўшал он,
Парво қилмай кўзим ёшига,
Юрагимда ёнган аланга
Мадад берар қиш қуёшига.

Қиз

Мен жаладан қочгандек чопиб,
Ҳижронингдан қочиб бораман.
Сочимдан то қадамимгача
Сувдай андуҳ сочиб бораман.

Бораяпман туну кун тинсиз
Ҳузурингга – армонларим мўл,
Юракларим дарддан шалаббо,
Усти-бошим гамдан жиққа ҳўл.

Йигит

Ишон, сенга етурман бир кун,
Гарчи ўртамизда тобора
Гоҳ йиллар, гоҳ йўллар узундир,
Топа олгум васлингга чора.

Бизга албат бўлгай муяссар
Ошиқ, муштоқ диллар матлаби.
Дарак берар менга баҳордан
Қошларинг ҳам қалдирғоч каби.

Қиз

Яна келар биз қутган висол,
Яна баҳор шодликка тўлиб.
Бу айрилиқ, бу гамли кунлар
Қолгай фақат хотира бўлиб.

Яна келар биз қутган висол,
Яна сенга қалбим тутаман.
Ишонаман ўша кунга ва
Кутаман, кутаман, кутаман...

Йигит

Биз етгаймиз висолга бир кун,
Бизни шодлик қучади такрор.
Чунки узун тунлар ортидан
Келадиган оппоқ тонглар бор.


Биз етгаймиз висолга бир кун,
Топгайдирмиз унут изларни,
Айланмоқда замин ҳам, илло,
Учраштирамоқ учун бизларни.



Алишер Навоий

замондошлари нигоҳида

Алишер Навоий ижоди ва шахсига ҳамма замонларда қизиқиш катта бўлган. Ҳатто у киши ҳақида кўтлаб афсонасифат ҳикоялар ҳам тўқилган. Улуғ мутафаккирнинг шахси, тутуми, феъл-атвори ҳақида яққолроқ тасаввур ҳосил қилиш учун аввало ҳазратнинг асарларини, у зотга замондош бўлган адибларнинг хотираларини синчиклаб ўқиш зарур. Қуйида буюк бобокалонимиз билан бир даврда яшаган муаллифларнинг асарларидан парчалар берил-япти. Улар Алишер Навоийнинг беқиёс фазилатлари ва шахсияти ҳақида сўзлайди.



Ёшлик пайтидаёқ соҳиби фан бўлди

Бу машҳур ва олий даражали амир¹нинг буюк отаси замонасининг машҳур кишиларидан ва Чигатой улусининг улуғларидан ва султон Абулқосим Бобур баҳодир ҳукмронлиги даврида султоннинг яқин кишиси бўлиб, мамлакатни идора қилиш ва давлатга кафиллик унинг инон-ихтиёрида эди. Бениҳоят фозиллигидан ҳамма вақт ўғлига фазилат ўргатди, тамом ҳимматини саодатманд фарзандини илм-хунар безаклари билан зийнатлаш ҳамда ҳидоят нурлари билан равшан қилишга сарф қилди... Ул бузрукворнинг тиришиб қилган ҳаракати беҳуда кетмади ва отасидан кейин нодири давронлик, иззату тамкинлик курсисида қарор топди. Ул улуғ амир юқорида зикр этилган мағфиратли подшоҳ замонида, унинг ҳашамати ва улкан ҳиммати билан, ҳамма

вақт фазилат орттиришга интилди, фазл эгаларининг суҳбатини топди, карамли таъби ва ўткир зеҳни шеър айтиш, ўтмиш тарихни ўрганишга қаратилди. Ёшлик пайтидаёқ, икки тил эгаси: туркийда соҳиби фан, форсийда фазл эгаси бўлди.

Давлатшоҳ Самарқандий,
"Тазкират уш-шуаро" дан



Ҳиммат ва саховатда беназир зот

905 (1499–1500) йили шаҳзода Муҳаммад Муҳсин мирзо мамлакатнинг баъзи эҳтиёжлари учун Сабзавор қалъасига маълум миқдорда ғалла жамғармоқчи бўлди. У вилоятда эса ғалла топилмас эди. Амир ва ноиблардан бир гуруҳи "Ҳазрати султон муқаррабининг бу шаҳарда ғалласи кўтлигини ва олий фармон билан ундан эҳтиёжга лойиғини олайлик ва ғалла топганимизда ул жанобнинг вакилларига эвазини қайтариб берайлик", деб арз қилди. Чиройли хулқли шаҳзода уларга жавоб қилди:

– Амир жанобларининг ғалласидан маълум миқдорда олиш у ёқда турсин, ҳатто унга ҳеч ким тўғридан-тўғри кўз ташлай олмайди ҳам.

Бу хабар олий табиатли Амирга етиб боргач, маҳдумзода ҳақида яхши дуолар ўқиб, Сабзавордаги ҳамма ғаллаларини шаҳзодага тортиқ қилди. Бу ҳақда ноиблардан бирига мактуб ёзиб, унда шулар айтилади: "Валлоҳким, гарчи ҳар бир дона буғдой ўрнида бир донадан марварид бўлганда ҳам у зотдан аямай, ҳаммасини назр қилиб, меҳр-муҳаббат уруғини маҳдумзоданинг дилларига сочар эдим".

Хондамир,
"Мақорим ул-ахлоқ" дан

1 Алишер Навоий назарда тутиляпти.


Ёшлар ҳомийси

Бу фақир мавлоно Соҳибдорога она томондан қариндош бўларди. Бир куни отам билан бу кишининг уйига бордик. Камол аҳлю фазилат арбобларидан анча киши бор экан. Бу фақирнинг отасига хитоб қилиб дедилар: "Кўп муддатдан бери эшитаманки, ўғлингиз мақбул толиби илм, хушхон ҳофиз ва паҳлавон шоир экан. Ҳар қандай номи айтилмай ўқилган мушкул муаммони ечаркан, деган шов-шув юрадир", деб бир муаммо ўқидилар, мен топдим...

Биз уйимизга қайтиб кетдик. Бироз фурсат ўтгач, мавлоно Соҳибдоронинг хабарчиси келиб, хожам сизни сўрамоқдалар, деди. Биз етиб боргач, мавлоно деди:

– Амир Алишер ҳузурларига борган эдик. Мирнинг одати шуки, ҳар куни мени чақириб, бугун шаҳарда бўлиб ўтган ажойибу фаройиб ҳодисалардан нени кўрдингиз ва нима гаплар эшитдингиз, деб сўрайдилар. Мен жавоб бердим: "Бир кишини учратдим. Ўзи 16 ёки 17 ёшда. Номи айтилмай ўқилган ҳар қандай мушкул муаммони топади. Толиби илмликда, ҳофизи шоирликда катта иқтидор бор". Мир таажжуб билан сен уни имтиҳон қилдингми, дедилар. Мен бир мушкул муаммони номини айтмай ўқиган эдим, ечди, дедим. Ҳазрати Мир менга: "У кишини нега олиб келмадинг?" деб эътироз билдирдилар. Мен ўз гапларимдан пушаймон бўлдим. Чунки Мирнинг суҳбати ҳайратли ва даҳшатангиздир. Масалан, бирор мажлисда бирор фозилнинг номини сўрасалар-у, айтиб беролмасангиз, койийдилар. Мабодо бир муаммо ўқилса-ю, тополмасангиз, шарманда ва хижолат бўлишингизга сабаб бўлади. Энди ҳозирлигингизни кўриб, эртароқ бу ерга келиб турингки, ҳазрати Мир сиз билан кўришмоқ иштиёқидалар.

Алқисса, эрта билан мавлоно Соҳибдоро уйига етиб келдим. Мендан бошқа у кишининг ҳузурда яна уч толиби илм бор экан. Мавлоно Соҳибдоро менга: "Вақтида келдинг. Бу уч ёшни ҳам Мирнинг ҳузурларида таъриф қилган эдим", дедилар. Уларнинг бири муаммойи эди. Маҳорати шу қадар эдики, уни бу санъатда мавлоно Ҳусайн Нишопурий билан тенглаштирар эдилар... Иккинчиси қасидагўйликда шуҳрат топган эди... Учинчиси маснавийни жуда яхши айтар эди...



Олий мажлисга кириб бордик. Мажлис аҳли ва ҳазрати Мир ўз надимлари билан ҳозир экан. Жаноби Мир биз томон қарадилар. Фақирга ишора қилиб, "Номини айтмай ўқилган муаммони еча оладиган дўстимиз шу кишимиз?" дедилар. Мавлоно Соҳибдоро: "Бали, ўша маҳдум", деб жавоб бердилар. Мавлоно Муҳаммад Бадахший суҳбатга аралашдилар: "Маҳдумлар, худовандигоро, муаммо ечишда Сиздан ўтадигани йўқ-ку?.." Мир дедилар: "Мен унинг муаммо ечишига иқтидорини кўзидан билдим. Зеро, унинг фикрлари кўзларидан зоҳир бўлиб турибди.


Кейин шу муаммони ўқидилар:

*"Боғро бин аз хазон бефарру, сарв аз жо шуда,
Булбулаш барҳам зада минқору, ногўё шуда".*

(Боғни кўр, хазонрезликдан кўрки қолмабди, сарв ўрнида йўқ, булбулнинг тумшуғи йўқ бўлиб, куйлашдан қолибди.)

Иттифоқо, мен бу муммони ёд билардим. Ўйланиб қолдим: номини айтиб, ўзимни гўлликка солиб, мажлисни ўтказаверсамми ёки тўғриси айтишимиз? Оқибатда ростини айтишга аҳд қилдим. Дедим: "Маҳдум, мен бу муаммони ёд биламан". Ҳазрати Мир бироз бошларини эгиб турдилар-да, ёнидагиларга: "Азизлар, биласизларми, бунинг сўзи не маънони билдиради. Ўз қудратини изҳор қилиб, бунисини биламан, бошқасини айтинг, демоқчи". Мир бошқа муаммо ўқимадилар. Анчагача лутфомуз сўзлар айтиб, сўнгра мавлоно Соҳибдорога: "Биз бунинг даъвосини қабул қилурмиз", дедилар.

Зайниддин Восифий,
"Бадое ул-вақое" дан



Таниқли шоир, таржимон Азиз Абдураззоқ 1928 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Шоирнинг “Яна баҳор” (1961), “Мавж” (1965), “Бодом гуллади” (1965), “Лирика” (1970), “Азиз одамлар” (1975), “Шўх ёмғир” (1977), “Қалб нури” (1978) каби шеърӣй тўғламлари нашр этилган. Шунингдек, болалар учун “Ох, қандай ширин” (1977), “Қиз ва лола” (1979), “Тап-тап элак” (1981), “Ёстикдан чикқан эртақлар” (1988), “Боғда битган эртақлар” (1989), “Тўрт оғайни ботирлар” (1989), “Минг чинор” (1995) каби китоблари чоп этилган. Азиз Абдураззоқ М.Лермонтов, Т.Шевченко ва бошқа машҳур шоирларнинг шеърларини, Г.Лонгфеллонинг “Гайавата ҳақида кўшиқ” достонини ўзбек тилига маҳорат билан таржима қилган. 1993 йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг фаҳрий ёрлиғи билан тақдирланган.

Шоир 2007 йили вафот этган.

Азиз Абдураззоқ

Оқмикина қаруғаб

Майми, ётмай Тўрақоғит, қор,
 Эрта Тўнсан тонлар оғайлар,
 Бўламансан кўру қору зор,
 Эзар қору қонқоқ қадимлар.
 Майми, ётмай Тўрақоғит, қор,
 Оқмикина қолақоғит, қор,
 Қонқоғит, қор.

1988.

Духиёй қарӣ

Юрмоқ улуғ эрақим қор,
 Женимоқ улуғмас.
 Бу бир оғдий ҳақиқат, ўрғоқ,
 Женисан тўнқимас.

Духиёй бўл,
 Бу дунёда бор ҳисоб=китоб,
 Бу қору қонқоқ берисан мақоб.
 Бедарвоза ҳел қаруғаб бўлмас.
 Амалдан анда эртақоқ
 Женисан ўлар,
 Женисан ўлмас.

1988.

A black and white portrait of a man with dark, wavy hair, wearing a dark suit jacket, a white shirt, and a patterned tie. He is sitting and looking slightly to the right of the camera with a serious expression. His hands are clasped in his lap.

Навоийнинг ҳассос шоирди

Улуғ адиб, шоир, олим, жамоат арбоби, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек 1905 йилнинг 10 январида Тошкент шаҳрида бўзчи оиласида таваллуд топган.

Ойбек XX аср ўзбек адабиётининг ривожига салмоқли ҳисса қўшди, ҳамюртларимиз маънавиятини бойитишга хизмат қилди.

У гоётда камтар, чуқур билимли, чин маънодаги зиёли инсон, ўз ижоди билан ўзбек халқининг кўнглидан жой олган адиб эди. Шеърларида она Ватанимизга самимий, жўшқин муҳаббати балқиб туради.

Ойбекнинг жўшқин ижоди, навоиёна руҳ билан суғорилган насрий асарлари, теран фикрлар ва нозик кузатишларга бой илмий-танқидий тадқиқотлари, куюнчак публицистикаси, юксак дид билан амалга оширилган таржималари ҳеч қачон қимматини йўқотмайди.

Устоз маҳорати ёш ёзувчилар учун ижод мактабига айланди. Адибнинг ўлмас асарлари маънавий хазинамиздан мустаҳкам ўрин олди ва умумхалқ мулки бўлиб қолди.



Гафур Гулом билан

Талант қанчалик катта, қанчалик қудратли бўлмасин, ҳар негуч юзада бўлмайди, конга ўхшаш – ернинг қаърида бўлади. Бу кон-талантни қазиб олиш учун аввало катта ақл, ундан кейин катта билим, матонат, куч-қайрат, буларнинг устига дард бўлиши керак.

Катта талант эгаси Ойбекда мана шу хислатларнинг ҳаммаси мавжуд. Ойбек мана шу хислатлари билан халқимизнинг маънавий хазинасига катта бойлик қўшди.

Абдулла ҚАҲҲОР

Ойбекнинг серҳосил, ўткир ишкорлигини бизнинг адабиёт тарихида қимга ўхшатиш мумкин? Ойбекни ўзига, Ойбекка ўхшатиш мумкин.

Гафур ГУЛОМ



Ойбек домланинг табиати жуда ғалати эди. Кибрланиш, мақтанниш нима билмасди. Ахши иш қилишни ҳар соғлом одамнинг бурчи деб биларди, дилидан бор гапни айтиб қўз қоларди. Бу бор гапнинг кибрланишга ўхшад кетиши билан иши йўқ эди. Чунки табиатан жуда хокисор, ҳалол, фикрчан, кўнгли очиқ одам эди.

ШУҲРАТ



Рафиқаси Зарифа Саидносирова билан. 1929 й.

Ойбек жуда келишган, кўркал, салобатли инсон эди. Юз ва кўзларининг ифодасидан руҳан бойлиги, ички дунёсининг кенлиги, ақл-заковати, ўзгаллиги ва софлиги кўриниб турарди. Буни расомлар ҳам, ҳайкалтарошлар ҳам тўла ифода этолмадилар. Бу мукамал чехра фақат менинг юрагимда қолган...

Зарифа САИДНОСИРОВА



Иззат Султон, Хамид Сулаймон ва бошқа дўстлари билан. 1952 й.

Ойбек прозада шоир-позияда прозаикдик. У энг майда икир-чикирларни шеърда куйлай биладиган талантли шоирдир. У кишилар портрети, кўз ва қон ҳаракатларини жуда аниқ тасвирлаб беради. Шу билан бирга, унинг прозаси лирик поэзия даражасига кўтарилади. Ойбек кишининг қалбига киргадди, юракнинг нозик торларини чертиб ўтади.

Хамид ОЛИМЖОН



Ойбек ижодиёти мен учун ўзгалликнинг турал биноси. У чинакам санъаткор ёзувчининг асарини ҳар сафар ўқиманида ўзбек халқининг улўборлиги, бой ва ранг-баранг руҳий дунёси, теган ақли, нафис тўйғуси, юксак диди, кенг тафаккури кўз олдида намоён бўлади.

Ибройим ЮСУПОВ



Гафур Гулом, Уйғун, Асқад Мухтор, Зулфия, Хамид Гулом, Мирмуҳсин, Мамарасул Бобоевлар билан. 1950 й.

Биз устоз санъаткор Ойбек номини, унинг шаффоф нурлар билан йўрилган асарларини тилим олганимизда, юксак қоялар устида бурчли энглик маскан қурган ва қўён томон бир сават оқ ул кўтарган наъматак кўз олди-мизга келади.

Наим КАРИМОВ



Оила аъзолари билан. 1966 й.

Зарифа она бир кам қирқ йил давомида улў ёзувчининг рафиқаси сифатида унинг хонадонига севи ва бахт чироғини ёқиб келди, не-не асарларининг ёзилмишига илҳом берди, Ойбек душманлар хуружи туфайли тилдан маҳрум бўлиб, қўлим ёзолмай қолганида, унинг бирон тили ва чакқон қўли бўлди.

Ойбек ҳам умирининг охиригача ўзининг энг тиниқ муҳаббат тўйғуларини акс этган шеърларини фақат маҳдубасига бағишлади.

Хуршид ДАВРОН



Набиралари билан.

Ғиёсиддин ЎНАРОВ
тайёрлади.

“Азал наққоши тарҳ айларда...”



**Абдукамол
АБДУЖАЛИЛОВ**

1988 йили туғилган.
Ўзбекистон Миллий
университети ўзбек
филологияси факультетини
тамомлаган. Адабий-
танқидий мақолалари
билан матбуотда қатнашиб
келади.

Буюк бобомиз Алишер Навоийнинг ҳаёт йўллари ва амалга оширган ишлари барчамиз учун ибратлидир. Ҳазрат киши бошига келгувчи ҳар қандай балою офат ёки яхшиликлар тақдирдан эканига, банда бу ўткинчи дунёда амали ва ниятига яраша яшаб ўтиши ва шунга мос ҳолда насиба олишига ишонганлар. Бу борада ҳар биримиз ҳазратдан улги олсак арзийди.

Алишер Навоий қазо ва қадар ҳақидаги қарашларини ўзининг назмий ва насрий асарларига чуқур сингдирган. Жумладан, “Қоши ёсинму дейин”, “Жонға чун дермен”, “Қаро кўзим” каби ғазалларида ҳам ошиқлик бандага Ҳақдан инъом этилиши, бундай улуг неъмат ҳар қандай кишига-да насиб этмаслиги уқдирилади.

“Хазойин ул-маоний” куллиётининг биринчи девони “Ғаройиб ус-сиғар”да 489 рақам остида келувчи, юқоридаги каби мавзу тилга олинган ғазал мавжуд. “Азал наққоши тарҳ айларда...” деб шартли номлаганимиз ушбу шеърда улуг шоир ҳаётда мавжуд бўлган турли ғаройиб ҳодисаларнинг барини қадарга боғлайди: дунёдаги ҳар бир одамзод, ҳайвонот, наботот ва жамодаларнинг асл ҳолати ва эврилишларини ягона, мутлақ қудрат соҳиби бўлган Оллоҳдан деб билади.

Жумладан, ғазалнинг биринчи байти қуйидагича:

*Азал наққоши тарҳ айларда гул барги намудорин,
Магар паргор қилди булбули саргашта минқорин.*

Дастлаб байтдаги маъноси бироз мураккаб бўлган сўзларнинг маъноларини аниқлаб олсак:

Азал – энг аввалги, бошланиши бўлмаган, яъни доимо мавжуд.

Тарҳ айламоқ – лойиҳасини чизмоқ, режасини тузмоқ.

Намудор – кўриниш, шакл.

Магар – балки, шекилли, -микан (тахминни ифодаловчи модал сўз).

Паргор – айлана чизувчи асбоб, циркул.

Саргашта – боши айланган, саргардон.

Минқор – қушнинг тумшуғи.

Ушбу сўзлардан фойдаланиб байтнинг насрий баёнини қуйидагича ифодалаш мумкин:

“Илк наққош гул баргининг шаклини чизаётганда эҳтимол саргардон булбулнинг тумшугини циркул қилгандир”.

Азал сифати берилаётган энг биринчи наққош ким? Албатта, бу барча нарсаларнинг яратувчиси бўлган Зот. Алишер Навоий биринчи байтда ўзи ва ўқувчига мурожаат қилади. Гул шаклининг яратилишида Оллоҳ булбул тумшугидан фойдаланган бўлса керак, акс ҳолда бу қуш гулнинг ишқида бунчалар фиғон чекмаган, атрофида гирдикапалак бўлмаган бўларди, дейди.

Шоир бу ўринда шаклий ва ҳолат ўхшашлигига урғу беради. Яъни гул барги ва булбул тумшугининг шакли ўзаро ўхшаш, қолаверса булбулнинг айнан гул атрофида парвона эканлиги унинг тумшуги билан боғлиқ. Маълумки, циркул (паргор)нинг бир учи марказдаги кўзгалмас нуқтада бўлади, иккинчи учи эса, айнан шу нуқта атрофида айлана ҳосил қилади. Наққош булбул тумшугидан циркул ўрнида фойдалангани учун ҳам булбул гул атрофида айланади. Буни чуқур англаган шоир бу шаклий ва ҳолат ўхшашликларини мохирона далиллаб, ҳусни таълил санъатини яратади. Булбул тумшугининг сиркулга, гул баргининг шаклига



ўхшатилиши ўз навбатида ташбеҳ санъатини вужудга келтиради. Гул, барг, булбул, минқор каби бир-бирини тақозо этувчи тушунчаларнинг бир ўринда қўлланганлиги таносуб санъатидир.

Агар ғазалнинг биринчи байтида шоир “магар” модал феъли ёрдамида ўз фикрига тахмин маъносини юклаган бўлса, иккинчи байтда тақдир масаласида деярли иккиланмай сўз юритади:

*Қазо машшотаси парвоналар
жисми кули бирла
Ҳамоноким, ёрутди шамънинг
миръоти рухсорин.*

Бу байтдаги тушуниш қийин бўлган сўзлар қуйидагилар:

Қазо – Аллоҳ таолонинг ҳамма нарсаларнинг келажақда қандоқ бўлишини азалдан билиши; қисмат.

Машшота – пардозчи, оро берувчи.

Миръот – кўзгу, ойна.

Байтнинг насрий баёни тубандагича:

“Олам қисматиға оройиш берувчи Зот парвоналарнинг ёнган жисми кулидан гўёки шам чехрасининг кўзгусига сайқал бериб, янада порлоқ қилди”.

Ёниб турган шамнинг нурига парвонанинг интилиши, охир оқибат унинг тафтида куйиб кулга айланиши ҳаётий ҳодиса. Кўглаб шоирларимиз бу ҳолатни ўз ижодида тилга олган, парвонанинг ошиққа, шамнинг ёрга ўхшатилиши кенг қўлланилган.

Бугун навоийшуносликда ҳазрат Навоий газалларини таҳлил қилиш, шарҳлаш, умумий мазмун-моҳиятини очиб беришга интилиш муайян анъанага айланган. Бундай шарафли ва айни дамда масъулиятли вазифани адо этишга бел боғлаган тадқиқотчилар орасида ёшларимизнинг ҳам борлиги кишини қувонтиради. Ана шундай журъатли ёшлардан бири Абдукамол Абдужалиловдир. Унинг ҳазрат Навоийнинг “Азал наққоши тарҳ айларда...” деб бошланувчи газалига битилган шарҳи қўлингизда турибди. Тақдири азалнинг одам ва олам, борлиқ ва табиатдаги барча ҳодисотларда муайян тарзда намоён бўлиши ва қонуният касб этишига бағишланган ушбу газал навқирон шориҳ томонидан ўзига хос тарзда талқин этилган.

Ҳазрат Навоий газалларини шарҳлаш мураккаб иш. Уларнинг том маънодаги моҳиятини англаш учун камида шоир билган нарсаларни билиш, у ҳис қилган ҳолатни бошдан кечирish лозим. Шу маънода ҳар бир тадқиқотчи шоир шеърларини кучи етганича талқин қилади. Навоийшуносликда бир газалнинг турли-туман, ранг-баранг шарҳларга эга бўлиши ҳам шу жиҳат билан боғлиқ. Бугунги шарҳ муаллифи Абдукамол Абдужалилов ҳам ушбу вазифани адо этишга ўз имконияти, ҳолатидан келиб чиқиб, баҳоли қудрат ҳаракат қилаётган экан, унинг бу интилишини табриклаш керак.

Дилнавоз ЮСУПОВА,
филология фанлари номзоди, доцент

Навоий талқинига кўра, шамънинг нурафшонлиги, порлаб ҳамма тарафга зиё таратиши унинг ишқида ёниб кул бўлган парвоналар туфайли янада қувват олади. Оловнинг устини кул қопласа, чўгга айланиб, аланга ўчади. Аммо Ишқни қисмат қилиб яратган Ҳусн ва Гўзаллик мазҳари қудрати билан муҳаббат туфайли ёниб адо бўлган парвоналарнинг кулидан шамлар янада равшанроқ бўлади.

Алишер Навоий бунинг сабабини ўқувчига бошқачароқ йўсинда англатади. Яъни парвонанинг шамга тинимсиз интилиши бежиз эмас. Агар биз парвонани қисм, шамни бутун деб қарасак, қисмнинг бутунга интилиши табиий ҳолат экани аёнлашади. Илмда Аллоҳ оламни Ўз жамолига кўзгу сифатида яратди, деган тушунча мавжуд. Демак, бу ўринда Аллоҳ Бутун, қолган жамики нарсалар қисмлардир. Қисмлар бир пайтнинг ўзида ҳам Бутунга қараб интилади ҳам Унга кўзгу бўлиб хизмат қилади. Шоир байтда парвона ва шамнинг ҳолатларини юқоридаги каби тушунчанинг кичик кўриниши сифатида гавдалантиради. Машшота, кўзгу, парвона, шам сўзларининг бир ерда келиши бу байтда ҳам таносубни келтириб чиқаради.

Учинчи байтда шоир ўз фикрини кучайтириб иккинчи шахсга билвосита мурожаат қилади:

*Дегин, Мажнун қаро жонининг
узган риштасидиндур
Ки, сунъ илги мутарро қилди Лайло
зулфи зуннорин.*

Олдин қуйидаги сўзларнинг маъносини аниқлаштириб олсак:

Ришта – ип, арқон, боғлаб турувчи нарса.

Сунъ – яратиш, қудрат.

Илиг – қўл.

Мутарро – таралган, жило берилган.

Зуннор – мусулмон юртларда христиан ва яҳудийларнинг мажбуран боғлаб юрадиган белбоғи, чилвир.

Юқоридаги байтнинг насрий баёни:

“Ҳар нарсани санъат даражасида яратувчи қўл тараб, жило берган Лайлонинг зуннордек сочи Мажнун қора жонининг узилган ипидан, дегин”.

Демак, Лайло ёр сочининг қоралиги, исмининг Лайло экани, Мажнуннинг жони ҳам қора эканлигида рамзийлик мавжуд. Оллоҳ бу икки ошиқ-маъшуқ ҳали туғилмаслари-

дан илгари уларнинг тақдирларини ўзаро боғлаб қўйган. Алишер Навоий бу байтда Лайло сочини зуннорга қиёслайди. Ўрта асрларда мусулмон мамлакатларида истиқомат қилувчи яҳудий ёки насронийлар бошқалардан ажралиб туришлари учун белига белбоғ боғлаб юришга мажбур қилинарди. Мана шу белбоғ “зуннор” деб аталган. Тасаввуфда бу сўзнинг бир қанча маънолари бор. Ишқ йўлига қадам қўйган ошиқ бу йўлда тойиб кетмаслиги учун белини маҳкам боғлайди. Лайлонинг сочи бўлса Мажнунга бу йўлда кўмак берувчи белбоғ каби.

Байтда қўлланган яна бир бирикма “Сунъ илги”дир. Луғатда “сунъ” сўзининг қудрат, санъат каби маънолари бор. “Илиг” туркийча сўз бўлиб, қўл маъносида келмоқда. Агар бирор нарса юксак маҳорат билан яратилса, унинг яратувчисига нисбатан санъаткор дейилади. Агар санъаткорнинг барча яратилари бенуқсон ва гўзал бўлса, иштибоҳ йўқки, У Оллоҳдир. Ақида китобларида, хусусан, Сўфи Оллоёрнинг “Маслак ул-муттақин” асарида шундай келади: “Худонинг саккиз сифати бор. Учинчиси – Ҳаёт, яъни тирик демак. Аммо тириклиги тан ва жон бирла эмасдур ва ҳар нимаки халқ (махлуқ)да бор, Анда йўқдур”.

Юқоридаги гапдан маълум бўляптики, Оллоҳ таолонинг “Ҳаёт” сифати бўлса-да, Унинг ҳаётлиги инсонлар каби тана ва жонга асосланмаган. Ҳеч бир махлуқотнинг шакли Холиқда такрорланган эмас. Шундай экан, ҳазрат Навоий назарда тутган “Сунъ илги” том маънодаги инсон қўлини англатмайди.

Шунингдек, Алишер Навоий айни байтда бир-бири билан боғлиқ бўлган тушунчаларни моҳирона ишлатган. Булар Лайло ва қора жон; жон риштаси, зулф ва зуннор сўзларидир. Уларнинг бир байт таркибида мужассамлашгани яна таносуб санъатини юзага чиқарган. Шу билан бир қаторда Лайли ва Мажнун сўзлари талмеҳ санъатини ҳосил қилган.

*Магар Фарҳод жонидин сизиб
қонидин этти ранг
Қадар сувратгари Ширин лаби
лаъли шакарборин.*

Байтда келган қуйидаги икки сўзнинг маъносига тўхталсак:

Қадар – тақдир, ёзиқ.

Шакарбор – шакар ёғдиргувчи, шакарли.

Байтнинг насрий баёни шундай:

“Балки Тақдир мусаввири Шириннинг шакарли, лаъли лабини чизиш учун Фарҳод жонидан сизиб чиққан қонни ранг сифатида ишлатгандир, эҳтимол”.

Парвардигорнинг Мусаввир деган сифати бор. Бу ўн саккиз минг оламдаги барча нарсаларнинг шакл-у шамоилини, рангу феъл-атворини белгилаб берган маъносидадир.

Байтдан шу нарса англашиляптики, ҳар нарсанинг қадарини оламлар яралишидан эллик минг йил олдин “чизиб” қўйган Зот Фарҳоднинг ширин жонидан сизиб чиққан қонни Шириннинг шакар сочувчи лабини чизаётган пайтда ранг қилиб ишлатган. Лабнинг лаъл каби қизиллиги қондан, шакар сочиши ва ширинлиги жондандир.

Шоир байтда Фарҳод, Ширин, жон, қон сўзлари орқали таносуб ва талмеҳ санъатларини яратади.

Ниҳоят ошиқ шунча тайёргарликдан кейин маъшуқага бевосита мурожаат қилишга куч топади:

*Тарози барги гул, ип риштайи жон,
тош лаъл этти
Чекарда хозини ҳикмат
лабинг ёқути миқдорин.*

Маъноси мураккаброқ сўзлар қуйидагилар:
Чекмоқ – ўлчамоқ, тортиб кўрмоқ (бу ўринда).
Хозини ҳикмат – жамики ҳикматларнинг хазинадори.

Шакарбор – шакар ёғдирувчи, шакарли.
Насрий баённи тубандагича бериш мумкин:

“Ҳикматлар хазинадори лабингдаги ёқут миқдорини ўлчаётганда гул япрогидан палла, жон риштасидан ип, лаълдан қадоқ тош сифатида фойдаланган”.

Дунёда мавжуд нарсаларнинг ҳикмати фақат Яратганга аён. Бу ҳикматларнинг хазинадори ҳам Унинг ўзи. Кетма-кет келган икки байтда лаб тимсолининг берилиши бежиз эмас, албатта. Тасаввуф илмида лаб илоҳий ишқдан баҳра олиш, ишқ шаробидан тоттиш, абадий ҳаётга эришиш каби маъноларни билдиради. Ишқ йўлидаги бу хазиналарга етмоқнинг ўзи душвор иш. Чин ошиқ эса доимо шунга интилади, унинг ҳаётдаги энг катта мақсади ҳам шу. Шунинг учун ҳам у ёрининг ҳар қандай истигини ҳеч иккиланмай бажаришга тайёр. Кейинги икки байтда бунинг исботини кўрамиз:

*Қароғларим эмастур, балки топқач
кўзга қоқмишмен,
Итардин ваҳм этиб, раҳшинг ситомин
балки мисморин.*

Байтдаги маъноси қийинроқ сўзлар қуйидагилар:

Итмоқ – кетиб қолмоқ, йўқолмоқ.
Рахш – тез югурувчи от, тулпор.
Ситом – отнинг эгар-жабдуқлари.
Мисмор – мих, қозиқча.

Юқоридаги сўзлардан фойдаланиб байтнинг насрий баённи берамиз:

“Кўзларимдаги қорачиқлар эмас, балки тулпоринг кетиб қолишидан кўрқиб, унинг эгар жабдуғларини, йўқ-йўқ, мисмор – михини кўзимга қоқиб қўйдим”.

Ошиқ маъшуқанинг тулпорига миниб кетиб қолишидан безовта. Шунинг учун у отнинг оёғига – тақасига қоқилгувчи михини кўзларига қоқиб қўйган, токи от бирор ерга кетиб қолмасин.

Байтда от, эгар-жабдуқ, мих каби сўзлар таносуб санъатини ҳосил қилган. Понани кўзга қоқиш эса муболағани юзага чиқаради.

Еттинчи байтда ошиқ яна бир жасорат кўрсатишга қарор қилади:

*Аёгинг кипригимдин оғриган бўлса,
ёриб кўксум
Исиг қонимга қўйким, ул ҳино-ўқ,
чексун озорин.*

Ушбу байтда маъноси мураккаб сўзлар деярли йўқ. Фақат – ўқ юкламаси бугунги кун ўқувчиси учун бироз тушунарсиз бўлиши мумкин. Бу юкламанинг ишлатилиши қадимги туркий тилга бориб тақалади. Унинг дарҳол, тезда, шу заҳоти каби маънолари бор. Туркий тилда ижод қилган кўпгина шоирлар – Лутфий, Навоий, Бобур ундан ўз ижодларида самарали фойдаланишган. Бугунги кунга келиб истеъмолдан чиқиб кетган.

Насрий баён қуйидагича:

“Агар оёқларинг кипригимдан озор топган бўлса, кўксимни ёр. Оёқларингни иссиқ қонимга боским, токи қон уларга ҳино каби таъсир этиб шу ондаёқ оғригини олсин”.

Ошиқ ёрнинг йўлига киприкларини тўшаган, бироқ маъшуқанинг оёқлари шу қадар нозикки, киприклар уларга тикан каби ботиши мумкин. Мана шундан хавотирга тушган ошиқ маъшуқага кўксини ёришни ва ундан чиқаётган иссиқ қонга оёқларини босишни таклиф этмоқда.

Хинонинг фақат чирой бағишловчи восита бўлиб қолмай, оғриқни ҳам бартараф этиш хусусиятига эгалиги ўқувчига маълум.

Бу ерда оёқ ва китрик сўзларининг бир-бирига қарама-қарши қўйилиши билан шоир таъъод санъатини яратади.

Навбатдаги саккизинчи байт мақтадан олдинги байт бўлиб, унда шоир юқорида тадрижийлик асосида юритиб келаётган фикрларини авж пардага кўтаради:

*Харобот аҳли уру доғ, дерким,
куйдуринг соқий,
Даво йўқ сирмабон қочмоқдин
ўзга шайх дасторин.*

Биринчи галда айрим сўзларнинг маъносига тўхталсак:

Харобот аҳли – майхона кишилари, вайрона жой одамлари.

Ур – яланғоч, кийимсиз.

Доғ – жуда қийналган, куйган.

Соқий – май қуювчи.

Сирмамоқ – юлиб олмоқ, тортиб олмоқ.

Дастор – бошга ўралувчи мато, салла; тақводорлик белгиси (бу ерда).

Байтнинг зоҳирий баёни тубандагича:

“Харобот кишилари яланғоч ва куйган аҳволда соқийга яна “куйдиринг”, яъни шароб беринг, деб айтишяпти. Энди шайхнинг дасторини олиб қочмоқдан ўзга чора йўқ”.

Харобот, соқий, шайх, дастор каби сўзларнинг тасаввуфий маъноларидан беҳабар ўқувчи бу байтда шоир нима демоқчи бўлганини англашга қийналади. Чунки бу сўзларни зоҳирий маънода тушуниш чалкашликка олиб келиши мумкин.

Байтдаги харобот ишқ йўлига қадам қўйганларнинг йиғилувчи жойи, соқий эса уларга илоҳий ишқдан таълим бергувчи муршид. Шайх ўзини халқнинг кўзига тақводор қилиб кўрсатувчи риёкор. Унинг бошига ўраб олган дастори ҳам хўжакўрсинга.

Шоир бу ўринда “Ишқ ва маърифат толиблари дунё талабларидан буткул воз кечиб (урён бўлиб), маърифат муҳаббатидан кўнгиллари доғ бўлган ҳолатда яна кўпроқ бода истарлар. Энди зоҳирий тақвосига мағрур бўлган шайхнинг салласини олиб қочмоқдан ўзга чора қолмади. Акс ҳолатда ё у ҳам шу йўлга киради, ё сохта кирдикорлари фош бўлади” демоқчи, назаримизда.

Улуғ шоир ғазалнинг мақтасида яна тақдир масаласига кўчади ва ўзининг ҳукм ўрнидаги сўнги хулосасини баён қилади:

*Магар бўлди қуюн туфроғ ила ел,
май, су бирла ўт
Ясарда масти саргардон Навоий
хилқати зорин.*

Мақтадаги англаш қийин бўлган сўзлар: Саргардон – кезиб юрувчи, сарсон бўлган. Хилқат – яратик, яратилиш.

Насрий баённи қуйидагича ифодалаш мумкин:

“Холиқ Навоийнинг зор ва саргардон хилқатини яратаётганда тупроқ билан шамол қуюнни, сув билан олов майни ҳосил қилган, шекилли”.

Илмда бу дунёдаги барча нарсанинг асосида тўрт унсур ётади деб ўқдирилади. Булар: тупроқ, ҳаво, сув ва олов. Ҳар бир яратикнинг таркибида бу унсурлар мавжуд. Қайси бирининг кўп ёки кам эканига қараб инсон феъл-атворини белгилаш мумкин. Агар киши танасида олов кўп бўлса, у тез, жаҳлдор, эҳтиросли бўлади. Агар сувнинг миқдори кўп бўлса, у киши сокин ва босиқ феълга эга бўлади.

Ҳазрат Алишер Навоий эса бу каби тушунчалардан фойдаланган ҳолда ажойиб фикрни изҳор қилмоқда. Яъни Парвардигор шоирнинг вужуд ва руҳини пайвандлар экан, тупроқ ва ҳавони бир-бирига қўшилиб қуюн бўлишини, сув ва олов бирлашиб майга айланишини ирода этган. Шу сабаб ҳам ошиқ бир умр саргардон ва маст. Чунки бу унинг тақдирига азалдан битилган.


Юқоридаги ғазални таҳлил қилиш жараёнида шу нарсага яна бир бор амин бўлдикки, улуғ шоирнинг шеърлардаги бадиият жуда юқори. Ҳар бир ғазал фасоҳат ва балоғат илмига тўлган қалб хазинасидан инъом қилингандек. Бирикмалар ниҳоят даражада тифиз, қисқа жумлага улкан маъно юклаш қобилияти эса, таҳсинга сазовор. Ҳар бир байтда камида икки-тадан бадиий санъатнинг қўлланиши ҳам ғазал поэтикасига ижобий таъсир кўрсатган.

Хулоса қилиб айтганда, мумтоз адабиётимизнинг бу каби юксак поғонадаги ижод намуналарини ўрганиш биз ёшларнинг олдида турган долзарб масалалардан биридир. Алишер Навоий асарларини чуқур англаш, ҳис этиш маънавиятимизнинг ривожига беқиёс даражада таъсир этади.

Навоий ЛУҒАТИ

(Давоми. Боши ўтган сонда.)

Еж – ёмон, хунук, паст
Ёвурқон – от ёпиғи
Ёдамоқ – кучсизланмоқ
Ёёғ – яёв, пиёда
Ёзи – дашт, чўл
Ёзуғ(қ) – гуноҳ, айб
Ёлинг – яланғоч; юпун
Ёйпонг – ёйиқ, япалоқ, ясси; яйпан; текислик ер
Ёлин – ёлқин, аланга; чўғ, учқун
Ёлқимоқ – безор бўлмоқ, батанг келмоқ; қулоқ битмоқ; тинка қуримоқ
Ёмхона – чопарларнинг йўлда от алмаштирадиган жойи
Ёнгил – янглиш, хато
Ёнгшамоқ – вайсамоқ, эзмалик қилмоқ
Ёпурғоқ – япроқ, барг
Ёримчуқ – ярим-ёрти, арзимас даражада
Ёрлиқ(ғ) – амр, фармон
Ёрмоқ(ғ) – танга, пул, ақча
Ёрғоғ – туки тўкилган пўстин; хом теридан ишланган ҳамён
Ёрку – гап-сўз, ғавғо, баҳслашув
Ёрғучоқ – қўл тегирмон



Ётуқ – аскарлар ёнида олиб юрадиган сувдон
Ёқормоқ – ялинмоқ, ожизлик билдирмоқ
Ёғлиғ – рўмол, рўмолча, ёвлиқ; дурра
Жаба – қутича, ўқдон
Жиба – жева, совут, темир кийим
Жик – бадҳазм, ёқимсиз
Жигон – камбағал, ҳеч нарсасиз
Жод(да) – а) катта йўл, йўл; б) қоида, низом, тартиб
Жул – от ёпиғи
Жулга – тоғ этаги; тоғ оралиғи; ўтлоқ
Жунг – а) катта кема; б) турли шеърлар ёзиб қўйиладиган дафтар, танлаган асарлар тўплами; термалар
Ивдим – чаққон
Игармак – айлантирмоқ, гир айлантирмоқ
Игирмак – йигирмак

Игрим – уйрум, гирдоб, сув айланмаси
Иё – а) қўл кафти; б) эга, соҳиб
Икагу – иккови, иккаласи
Икланмак – ором тутмоқ, бир жойда туриб қолмоқ
Ил(д)ай – олд, хузур
Илбусун – илвасин, ов қилинадиган парранда
Илик – қўл
Ингмак – искамоқ
Индамак – чақирмоқ, чорламоқ
Иналмак – ялинмоқ, ёлвормоқ
Инчак, инчка – ингичка, нозик
Ипилчик – ришта касаллиги
Ипкин – қора тусли ва қимматбаҳо мато
Ирик – йирик; катта, йўғон, дағал; маҳкам; қаттиқ, қийин
Ирин – лаб, дудоқ
Италгу – бир турли овчи қуш
Ит(тик) – ўткир, кескир, тез
Ичкир – ичкари
Иғоғ – фойдасиз, маъносиз
Ияр – эгар



(Давоми бор.)

Тоғай Мурод:

Умр йўли – борса келмас йўл

Тоғай Муроднинг энг яхши асари қайси? Ҳаётда катта армон билан ўтган, лекин бир-бирини суяб, бир-бирига суяниб яшаган “Ойдинда юрган одамлар”ми? Инсондан инсонлик кўрмаган, ҳайвондан инсонлик кўрган, элда ёлғиз чавандоз ҳақидаги “От кишигаган оқшом”ми? Фирромликлар елкасини ерга теккизса-да, қадди букилмаган, қадрли тўқилмаган, барибир ҳалолликнинг галабасига ишончи баланд, шу боис гурури янаям баланд полвон тўғрисидаги “Юлдузлар мангу ёнади”ми?..

Назаримизда, ҳар қандай ёзувчининг энг яхши асари – ҳали ёзилмаган асаридир. Улуғ адибларимиз умри поёнида кўнглига тугиб юрган (энди бизнинг кўнглимизда ҳам ечилмас тугун бўлиб қолган) ижодий режалар ҳақида эшитсак, адабиётимиз яна қандай китоблар билан бойиган бўларди-я, дея ширин хаёлга бериламиз.

Адибнинг аёли Маъсума опа Аҳмедова билан биргаликда Тоғай Муроднинг танланган асарлари учинчи жилдини нашрга тайёрлаш асносида устознинг кундалигида қолган битикларини кўздан кечириб, гўзал асарларга гоё бўлгулик қайдларга, кузатишларга, фикрларга дуч келдик. Агар уларнинг бари ҳикоя, қиссаю романларга, эссею мақолаларга айланганида борми... Мана бу тўрт энлик матнга Тоғай Мурод қалами қандай ҳаёт бағишлаб юборарди ёки мана бу кескир фикрларни ёзувчи яна қандай қайраган бўларди, деган ўй келади дафъатан. Таассуфки, биз бугун уларни фақат қоралама тарзида ўқишга, эълон қилишга мажбурмиз. Шунисига ҳам шукр.

* * *

Проза қаердан пайдо бўлган, қандай пайдо бўлган? Прозани ким яратган? Қачон яратган? Прозани... поэзия яратган. Поэзиянинг куч-қудрати етмай қолганидан... прозани яратди. Шу боис, поэзия тугаган жойдан... проза бошланди. Поэзия ожизлик қилиб қолса, қўли етмай қолса, нафаси етмай қолганда... проза кучга киради, проза амалга оширади. Шу боис, проза поэзиядан қудратли ҳамдир.

... Шоирлар прозани шунчаки ёзиб кетилади, деб тушунади. Фақат, меҳнати оғир, қора меҳнат, дейишади. Йўқ, прозанинг ўз ички сир-асрори, ички қонун-қоидалари бўлади. Ана шу ички сир-асрорларни англаб етмаган қаламкаш проза эмас, шунчаки бир сатрларни ёзади. Ана шу ички шакл-шамойиллар, қонун-қоидаларни (?), кўзга кўринмас тилсимларни ҳис этолмагич қаламкаш шунчаки жўн, тўпори воқеалар тизимини ёзиб чиқади.

Бу ички сир-асрорларни қандай билса бўлади? Ушбу ички, кўзга кўринмас тилсимларни қандай англаб етса бўлади?

Уни табиат беради. У баданда бўлади. У кўнгилда бўлади. У ижодкор табиатида бўлади.

* * *

Л.Толстой Кавказ урушини кезиб чиқди. Жек Лондон Шимол¹ни кезиб,



олтинчиларни оралаб чиқди. Горький одамлар эшигида дайдиб юрди. Шишков Сибирни кезиб юрди. Материал йиғди, ҳаёт йиғди, турмуш йиғди. Ҳаётини тақдирларни кўрди, турмуш азоб-укубатларини кўрди. Халқ феъл-атворини ўрганди, характерларини билиб олди. Ҳаёт аччиқ-чучукларини ўз кўзи билан кўриб, ўз қўли билан ёндафтарига қайд қилди. Ҳаёт шакл-шамойилларини, турмуш оҳанжамаларини мисоли фотосуратчидай суратга олиб, плёнкага қайд қилди. Қўша-қўша, қават-қават плёнкаларни тўплаб, сумкаларини тўлдирди. Кейин, уйига келиб, ана шу негативларини – плёнкаларни проявить² қилиб, ўз устахонаси иш столида бадиий асар яратди. Шу маънода ёзувчи фотосуратчига ўхшайди. Суратчининг иш қуроли – фотоаппарат, ёзувчининг иш қуроли – қалам.

* * *

Ёзувчи, адиблар ижодий йўлини, умрини, ҳаётини, олис масофага югуриш пойгасига ўхшатгим келади. Марофон пойгаси йўлига ўхшатгим борувчи пойга йўлаги бўйлаб чошиб борувчи пойгачиларга ўхшатгим келади. Бундай олис масофа пойгасида олдиндан, азалдан пухта, пишиқ машқ қилган, машқ олган, суяги шундай пойгада қотган, яъни пойдевори пишиқ, бели бақувват пойгачи сўнги маррагача югуриб бораверади. Ёшлигида шунчаки беш-олти машқ олган, шунчаки орзу-ҳавас билан йўлга чиққан пойгачилар эса йўл-йўлакай аросатда қолиб кетаверади. Биров ўпкаси тўлиб қолиб кетади. Биров иродаси етмай қолиб кетади. Биров куч-қудрати етмай қолади, биров турли-туман баҳоналар топиб қолиб кетади.

Ўзбек адибларини ана шу пойгачиларга ўхшатаман.

Ижодий йўлни ана шу пойга йўлига ўхшатаман. Ёзувчини ана шу пойгачиларга ўхшатаман.

* * *

Шон-шуҳрат ароққа ўхшайди мисоли. Ичган сайин ичгингиз келади. Юз грамм



ичсангиз, яна юз грамм ичсам, дейсиз. Кейин яна, яна... Охири бориб... йиқитади. Олдин бошни айлантиради. Одам бурнидан нарини кўролмай қолади, босар-тусарини билмай қолади. Кейин, кейин йиқитади.

Шон-шуҳрат ана шу ароққа ўхшайди. Юз грамм ичса, тагин юз грамм, дейди. Шуҳрат кетидан шуҳрат... Кун сайин шон-шуҳрат, ой сайин шон-шуҳрат, йил сайин шон-шуҳрат... Охири бориб, ароқнинг куни келади – йиқитади.

Шон-шуҳрат ароқ мисол ёзувчининг бошини айлантиради. Ароқ мисол талтайтиради, ароқ мисол кўзини шапкўр қилиб қўяди. Охир-оқибат, ҳеч кимни танимамай қўяди. Ўзини осмон ҳис этади, бошқаларни ер ҳис этади. Бирорта тўймаърака усиз ўтмаслиги керак. Бирорта мажлисанжуман усиз ўтмаслиги керак. Энг ёмони... у анжуман тўрида, ҳайъатида ўтириши керак. Ўша тўрга, ўша ҳайъатга таклиф қилсалар қилдилар, қилмаса(лар)... шундай ўзи бориб ўтириб олади. У ҳайкал мисол қўр тўкиб туриши керак. Бюст мисол савлат тўкиб туриши керак. Гўё бу – ҳаёт қонуни, табиат қонуни. Гўё бу – Худо, парвардигорнинг йўл-йўриғи, хоҳиш-иродаси.

Кейин, у албатта нутқ сўзлаши керак. Доноларча сўзлаши керак, халқ номидан сўзлаши керак.

1. Муаллиф Америка шимолини назарда тутяпти.
2. Олинган суратларни появителга солиб чиқармоқ, яъни кўринадиган қилмоқ.

Мабодо у шу анжуманга таклиф қилинмай қолса-чи, ўзини хўрланган ҳис этади.

Мана шундай йўлга кирган адибни Худо урди!

Лев Толстойни тўнғич қизи ўзга бир юртда яшар эди. Бир куни ана шу қизи келганида унга ўз орзу-ҳавасини айтади. Тўнғич қизи Татьяна юртига бориб яшаш истагини билдиради. Қизи ҳайрон бўлиб сўрайди.

Лев Толстой ўз кўнглига тугиб юрган хоҳиш-истагини айтади:

– Ясная Полянада мени ҳамма танийди. Мени ҳеч ким билмаса, мени ҳеч ким танимаса... Кўчаларда ўзимча боқибегам бўлиб, дайдиб юрсам... Кўрганлар мендан жирканса, гадои мисол бўлиб юрсам. Кўчаларда елкамга тўрва-халта осиб юрсам. Оқшомлари деҳқонларнинг остонасига бориб, хайр-садақа сўрасам...

Кабардин-Болқорияда 74 ёшли Амма Итамоновна Ифраимова яшар экан. У аза-маъракаларда гўянда бўлиб ишлар экан... Амма Итамоновна ўз ишига ижодий ёндашади, ҳар бир маросимга алоҳида тайёргарлик кўради, ҳар гал айтиб йиғлайдиган сўзларини янгилаб боради. Ўтган одамни ёдлар экан, уруғ-аймоғини тилга олади, раҳматлининг қилган яхши ишларини айтиб йиғи солади, айна дамда унинг яқинларига


тасалли беради. У нариги дунёга рихлат қилган одамга оппоқ сурпдан ўз қўли билан кафанлик тикади. Амма Атамовна бу хизматлари учун умуман пул олмайди. Мотамдорлар аёлни совға-салом билан рози қиладилар. Айтишларига кўра, урушда фашистлар унинг эри, қавм-қариндошларини тириклайин кўмиб ташлаган экан...

Тасанно, касбни қаранг!..

“Йўқ”, дейишни ўрган. Ҳаммага бирдай ёқиш – мушкул иш. Бу ҳамманинг ҳам қўлидан келмайди ва оқибат, муҳим ишларни бажаришда кишида куч қолмайди.

...Адабий-танқидий мақолаларингиз... суд протоколига ўхшайди. Олдин асарни – воқеани гаптириб, ўқиб берасиз. Нима бўлган, қачон бўлган, қаерда бўлган, ким томонидан амалга оширилган, ким, қайси образ айбдор, қайси образ айбсиз, қайси образ салбий, қайси образ ижобий... Кейин ҳукм ўқийсиз. Адабий-бадий мақола, бу – жанр. Бу жанрнинг ўз талаблари бор. Адабий-бадий мақолаларингизда... проза йўқ! Шундай, адабий мақолаларингизда проза етишмайди. Белинскийларнинг адабий мақолаларини ўқиётиб, билиб бўлмайди – проза ўқиятсизми, ё адабий мақола ўқиятсизми...

...Жумлалари чолларга ўхшайди. Хокисор, нимжон, касалманд, букри, ранг-туссиз! Фисқ-фасод, игво тўла! Имиллаб, ичбуруғларча қадам босади. Бир ерда депсинади. Одамни энсасини қотиради. Катта-катта юринг, отахон, дейсиз. Бўлмайди. Оқибат, кетингизга қарамай, ўз йўлингизда кетасиз. Яъни, бетлаб, боблаб, ташлаб-ташлаб ўқийсиз...



Фаррух ЖАББОРОВ
тайёрлади.

Кичик жанрнинг катта дунёси


Яхши ёзувчи бўлиш учун, аввало, яхши ўқувчи бўлиш керак, деб таълим берарди улуғ устозлардан бири талабалик чоғларимиз. Яхши ёзувчилик мақомига эришишга орзуманд биз мурғак қалам-кашлар бир куни юрак ютиб сўрадик: яхши ўқувчи бўлиш учун нима қилмоқ керак? Устоз жавоб берди: мутолаага диққат-эътиборни жамлаб, мулоҳаза-мушоҳада билан киришинг, қўлингиздаги асарнинг энг нозик жиҳатларини илғашга ҳаракат қилинг.

Муҳтарам устознинг панд-насиҳатларини кўнгилга тугдик ва шу баробарида яхши мутолаа учун яхши асарлар ҳам зарурлигини англадик. Диққат-эътиборимизни оҳанрабодай ўзига тортадиган, мулоҳаза-мушоҳадага чорлайдиган, нозик жиҳатлари кўнгилларни завқу шавққа чулғайдиган китобларгина бизни яхши ўқувчиларга айлантира олишини билдик. Бироқ худди шундай сифатларга эга асарни қандай аниқлаймиз? Бу, менимча, ҳар бир ўқувчининг ўзига, дидига, савиясига ҳавола. Биз, масалан, бирикки кўйлак олдин йиртган ўқувчи сифатида ёшларга ўзимизда чуқур таассурот қолдирган, тўлқинлантирган, ҳаяжонга солган асарларни тавсия қилишимиз мумкин, холос. Фурсатдан фойдаланиб мен ҳам азиз журналхонларга, жумладан, бадиий ижодга иштиёқманд ёшларимизга бир неча жажжи асарларни мисол тариқасида, нисбий тарзда тавсия этишни лозим топдим.



Луқмон БҮРИХОН,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган маданият
ходими.


1965 йили туғилган.
Тошкент давлат
университети (ҳозирги
ЎзМУ)нинг журналистика
факультетида таҳсил олган.
“Жазирамадаги одамлар”,
“Темирйўл ёхуд титраётган
тоғ”, “Тун қаридаги шуъла”,
“Қидирувдаги қиз”, “Хизр
кўрган йигит”, “Сирли
муаллим”, “Қуёш ҳали
ботмаган” каби китоблари
нашр этилган.



Жек ЛОНДОН.

“Оқ сукунат”, ҳикоя.

Оппоқ қорга бурканган совуқ ўлка. Қуюқ-қалин ўрмон. Осмонўпар қарағайзорлар. Мангу музликларга бурканган тоғлар, қоялар... Машҳур адиб Жек Лондоннинг олтин қидирувчилар ҳаётидан ҳикоя қилувчи деярли барча асарларида воқеалар худди шундай улуғвор табиат қўйнида кечади. Жек Лондоннинг қаҳрамонлари қимматбаҳо маъданлар излаб ўз ҳаётларини хавф-хатарга қўйишади, лекин аслида олтин-кумушлардан ҳам ноёброқ маънавий хазина топишади ёхуд йўқотишади. “Оқ сукунат” ҳам айти шундай асарлар туркумига киради. Бу ҳикояни инсон иродасига, дўстлик, садоқат каби олий инсоний туйғуларга қўйилган юсак ҳайкал деб аташимиз мумкин. Бу ҳайкал ўша қорли тоғлар, қалин ўрмонлар оша яққол кўришиб, ўқувчиларни ҳамиша тўлқинлантириб келади.




Габриэл Гарсиа МАРКЕС.
“Атиргулнинг тикони”,
ҳикоя.

Бу муҳаббат ҳақидаги гўзал ва маҳзун асар. Унда бутун ҳаёти ҳашамга, фаровонликка бурканган соҳибжамол Нэна Даконте ва Билли Санчеснинг севги кечинмалари тасвирлаб берилган. Маркес деярли ҳар бир асарини сермазмун, серишора, қайсидир маънода муаллиф бадийий ғоясини ўзида мужассам этган сатрлар билан бошловчи адиблар сирасига киради. “Атиргулнинг тикони” да ҳам шундай аломатни кузатамиз: “Кечга яқин чегарага яқинлашганларида Нэна Даконте никоҳ узуги тақилган бармоғидан ҳамон қон томчилаётганини кўрди”. Асар персонажлари қизнинг кўнглидан кечаётган пок муҳаббат ҳисларидан эмас, уни ўраб турган бойлик, ҳокимият, дабдабали турмушдан кўпроқ ҳайратланишади. Нэна эса севги шаробидан маст. Қўлидаги жароҳатни ҳам кейин пайқайди. Ҳикоя фожиавий якун топса-да, ўқувчи кўнглига ёруғ бир туйғу кириб келади. Инсон умрининг баҳоси ҳашам, дабдаба ичида ўтганлиги билан эмас, бир лаҳза бўлса-да, покиза муҳаббат оғушида кечганлиги билан ўлчанишига яна бир карра амин бўлади. “Атиргулнинг тикони”ни ўқиш жараёнида буюк адибга хос теран ифодадан завқланамиз.



Хуршид ДЎСТМУҲАММАД.
“Маҳсуна”, ҳикоя.

Аслида бизни адабиёт ўраб олган. Ҳар бир манзарада, ҳар бир чехрада катта асарларга татигулик маъно-мазмун яширин. Фақатгина уларни чинакам ёзувчига хос нигоҳ билан кўриб, қоғозда ифодалаб беришимиз керак, холос. Атоқли адиб Хуршид Дўстмуҳаммад худди шундай кузатувчан, сермушоҳада ижодкор. У кишига хос бундай инжа хислатлар “Маҳсуна” да ҳам яққол кўринади. Ҳикоя қаҳрамони эндигина турмушга чиққан, гўзал ва ҳаёли бир келинчак. У ҳамма нарсани табиий қабул қилади. Чунки туйғуларига, орзу-умидларига ғубор кўнмаган. Бироқ эри жувоннинг кечинмаларига, нафис ҳисларига бироз бепарво. Уни ўзи билан ҳар хил зиёфатларга, кечки йиғинларга олиб бора бошлайди. Табиийки, бундай давраларда ичкиликбозлик, беҳаё гап-сўзлар, имо-ишоралар авжга чиқади. Маҳсуна бот-бот ташкил этиладиган худди шундай гаштаклар таъсирига аста-секин туша бошлайди. Аввалига бегона эркакнинг шунчаки кўз ташлаб қўйишидан ўзини кўярга жой тополмай қоладиган келинчак кейинчалик аллақандай семиз лошларнинг ўзига яқинлашиб, қулоғига сирли пичирлашларига ҳам кўника бошлайди. Ҳикоя якунига боравериб Маҳсунанинг бегона эркак билан хуфёна учрашишга ҳам руҳан тайёрлигини англаймиз. Кўнгилларда беихтиёр хавотир, афсус уйғонади. Энг аҳамиятли жиҳати шундаки, Хуршид Дўстмуҳаммад жувоннинг қалбида, хаёлотида, руҳиятида аста-секин содир бўлаётган фожиавий ўзгаришларни ғоят моҳирлик ва санъаткорлик билан очиб берган. Ёзувчи ўз қаҳрамонининг ҳар бир хатти-ҳаракатини, кечинмаларини чинакам руҳшуносларга хос тарзда таҳлил этади, бу борада нозик бадийий унсурлардан унумли фойдаланади. Айниқса, “Маҳсуна”нинг сўнгги сатрлари сирли, тилсимли манзара билан якунланиши ҳам ўқувчи эътиборини тортади. Жувонга бир пайтлар ўлиб кетган онасининг кўнги-роқ қилиши бизнинг бадийий дунёмизга, тафаккуримизга ўзига хос туртки беради. Мулоҳаза-мушоҳадага ундайди. Ҳикоядаги табиийлик, бадийий жилвалар таъсиридан ҳатто марҳумлар ҳам кўнги-роқ қилишига беихтиёр ишониб қоламиз. Аслида ҳикоядаги бу детал чуқур рамзий-тимсолий мазмунга эга. Ўша келинчакнинг қалтис қадамидан ор-номусни ҳамиша ҳар недан юксак кўйган аждодлар ҳам безовта эканлигига гўзал ишора этилган. Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Маҳсуна” ҳикоясини ўзбек замонавий адабиётининг дурдоналаридан деб бемалол айтишим мумкин.



Стэн БАРСТОУ.

“Қайдасан, Томми Флин?”, ҳикоя.

Англиялик атоқли адиб Стэн Барстоу XX асрнинг 50-60-йилларида адабиёт оламида ўз асарлари билан адабий жамоатчилик эътиборини тортган эди. Ёзувчи асарларининг воқеалари Йоркшир деб аталмиш саноат ва ишлаб чиқариш юксак тараққий этган шаҳарчада кечади. Унинг қаҳрамонлари худди шу шаҳардаги завод-фабрикаларда меҳнат қилишади, дам олиш саотларини ичкиликбозлик, қартабозлик каби машғулотлар билан ўтказишади. Стэн Барстоу уларнинг ҳаёти, интилишлари, орзу-умидлари ҳақида қизиқарли ҳикоя қилиб бераркан, саноат, цивилизация мўриларидан чиқаётган дуд-қурум инсон қалбини тобора қоплаб бораётганини, маънавий тамойиллар емирилишга юз тутганини моҳирона, донишмандларга хос кўрсатиб беради. “Қайдасан, Томми Флин?” айнан шундай хусусиятлари билан ўқувчи эътиборини ўзига қаратади. Ҳикоя қаҳрамони – Кристи Уилкокс. Ҳар йилнинг куз фаслида унинг руҳий хасталиги хуруж қилади. (Унинг шундай дардга мубтало эканлигини ҳикоя охиридагина биламиз.) Ўша маҳал у бор-йўқ пулини чўнтагига солиб, кўча-кўйга савдойинамо бир алпозда чиқиб кетади. “Кечирасиз, Томми Флинни кўрмадингизми?” деб сўраб юради учраган кимсадан. Кўпчилик йигитнинг аҳволидан хабардор. “Томмини кўргандик, у фалон ерда ўтирибди” қабилида жавоб бериб Кристи масхаралашади. Айримлари унинг чўнтагидаги пулга кўз олайтиришади. Мурод-мақсади Томмини топиш бўлган Кристи бу йўлда борини аямайди. Ҳикоя давомида ўқувчи ўша қидирувдаги қаҳрамон бир пайтлар Кристини қутқарган олижаноб йигит эканлигини пайқайди. Унинг тезроқ топилишини истаб туради. Бироқ кутилган натижа рўй бермайди. Ўқувчи ҳикоянинг сўнгги саҳифасида онанинг полициячи билан суҳбатидан Кристи руҳий хаста эканлигини англайди. Мутолаа жараёнида дардчил адиб Стэн Барстоу Кристи Уилкоксга қўшилиб Йоркширда олижаноблик, меҳр-оқибат, руҳий поклик излаб юрганини ҳис этамиз. Кристининг дўсти ҳақида, тўғрироғи, мардлик, халоскорлик ҳақида гап кетганда шоирона пафос билан сўзлашидан завқланамиз. Ҳикоя сўнгида Кристи эмас, аслида уни ўраб турган жамият руҳий хаста эканлигига ишонамиз.



Фозил ИСКАНДАР.


“Чўлтоққўл”, ҳикоя.

Рус тилида ижод қилган бу машҳур абхаз ёзувчисини ким ҳам билмайди дейсиз? Унинг енгил юмор, ҳазил-мутойибага йўғрилган, бироқ чўнг дард ва изтироблар юкланган асарлари бутун дунё бўйлаб кезиб юрибди. Юртимизда ҳам Фозил Исандар ижодидан таъсирланган адиблар кўп. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки Фозил Исандар маҳорати, ноёб истеъдоди ўқувчини беихтиёр ўзига тортади. Жумладан, буюк абхаз адибининг “Чўлтоққўл” ҳикоясида унга хос жиҳатлар якқол кўзга ташланади. Ёзувчининг худди бошқа асарларида бўлганидек, бу ҳикояда ҳам мағрур, мард, танти қаҳрамонлар билан учрашасиз. Уларнинг турмуш тарзидан, ўзларига хос дунёқарашидан завқланасиз. Энг муҳими, уларни яхши кўриб қоласиз. “Чўлтоққўл”нинг бош қаҳрамони – Мустафо, бир қўли майиб қария. Унинг ҳатти-ҳаракатларига, онг-шуурига Кавказ халқларига хос қадимий урф-одатлар, анъаналар сингиб кетган. Мустафо ор-номус масаласини ҳар недан ортиқ қўяди. Инсон ҳаёти, кадр-қиммати унинг ор-номуси билан ўлчанади деб ҳисоблайди. Ҳикоя мароқ билан ўқилади. Унинг сўнгги сатрларини мутолаа қиларкансиз, ширинликка тўймаган боладай яна тамшаниб қоласиз.



Хайридин СУЛТОНОВ.
“Ё, Жамшид!”, ҳикоя.

Ўтган асрнинг 80-йилларида илғор, намунали ишчи-деҳқонлар, пахтакорлар ҳаётидан чучмал асарлар кўпайгандан кўпайиб, адабий жамоатчиликни анча бездириб қўйган эди. Худди шундай дилгир кунларнинг бирида, ўзининг қатор ажойиб асарлари билан устозлар назарига тушган навқирон адиб Хайридин Султоновнинг “Ё, Жамшид!” ҳикояси пайдо бўлди. Адабий муҳитда бамисли чақмоқ чақнади! Нима учун? Чунки Хайридин Султоновнинг ушбу жажжи асарида ҳали ўзбек ўқувчисига хийла нотаниш олам – қиморбозлар ҳаёти қаламга олинган эди. Ҳикояда тасвирлар, ифода шу қадар тиниқ ва жонлики, ўйинда катта пул ютқазиб қўйган Ўринбойнинг уйига беихтиёр ўзингиз ҳам кириб боргандай бўласиз. Асар қаҳрамонлари, персонажлари, ҳар бири ўз характери, ўз хатти-ҳаракати билан шундоққина кўз олдингизда гавдаланади. Ўринбой қиморга бой берган. Қарзни эрталабгача тўлаши керак. Хонадонда ваҳимали сукунат. Қариндошлар йиғилишди. Ўша қарз пулни тўглаб бериш юзасидан маслаҳат бошланган. Ҳикояни ўқиш давомида ҳаётда қиморга ютқазидан кўра қариндошлар ўртасидаги меҳр-оқибат, самимият, бағрикенглик йўқолиб бораётгани катта фожиа эканлигини англаб борамиз. Негадир ҳикоя қаҳрамони Ўринбойни яхши кўриб қоласиз. Унга хайрихоҳлик туйғуси пайдо бўлади. Бу, айниқса, ҳикоянинг якуний сатрларида яна бир карра кўринади. “Ё, Жамшид, халқим баҳамжиҳат бўлсин! Ё, Жамшид, йигитлар юзи ерга қарамасин!” деб ҳайқиргинг келади.



Эркин АЪЗАМ.
“Анойининг жайдари олмаси”, ҳикоя.


Бу мўъжаз асар беҳад завқ-шавқ билан ўқилади. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Эркин Аъзам услубига хос истеҳзо, ҳазил-мутойиба ҳар бир сатр ортидан сизга жилва қилиб туради. Ҳикоя қаҳрамони – Рамазон. У на Бойсунга, на Тошкентга сиғади. Мангу йўловчи. Бир пайтлар ўзи ҳарбий хизматни ўтаган Барновул томонларга кетишга шай. Аслида Рамазон ўзини, ўзлигини излаб юрган йигит. Ҳатто ўша Барновулда ҳам кўним топа олмаслиги кундай равшан. Унинг жайдари ва чапани феъли, самимияти шаҳарчанг-ғуборлари устига қўнган тонг шудринги монанд ёқимли. Рамазоннинг беғубор оламини англаш учун худди унинг ўзи каби самимий бўлиш лозим. Ҳикоя персонажларидан бири Шоди гаранг: “Чантриморе! Калимакаторе!” деб ҳайқиради. Ёш-яланг бу шиорнамо сўзларни ёдлаб олган. Бир-бирларини кўрганда Шоди гарангга тақлидан қўл силташиб ҳайқиради: “Чантриморе! Калимакаторе!” Бу сўзларнинг маъноси нима? Биз “Анойининг жайдари олмаси”ни мутолаа қилиш жараёнида уларнинг маъносини англагандай бўламиз: “Кел ёнимга, инсон! Оч, бағрингни, инсон!”. Аслида бу мангу чорловдир. Бу чорлов ўша пайтда кўксига ҳар хил нишонлар таққан фаоллар, жамоат арбоблари томонидан эмас, хаста бир одам томонидан тилга олиниши ҳам ҳикоянинг мазмундорлигини, таъсирчанлигини янада оширади. Ҳассос ёзувчининг нозик ишораларини англаб юзимизда маҳзун бир табассум пайдо бўлади.



Маъсума АХМЕДОВА.

“Шаҳарга саёҳат”, ҳикоя.

Оддий нарсаларни мураккаб қилиб эмас, балки ўта мураккаб нарсаларни ҳам оддий қилиб ёзиш санъатдир. Донишмандлар шундай дейишган экан. Бу фикрга қўшилмасликнинг иложи йўқ. Зеро, бугун аллақандай мавҳум атама, истилохларнинг ортига яшириниб олиб адабий жамоатчиликни чалғитишлар одатий ҳолга айланди. Мен атоқли адиба Маъсума Аҳмедованинг ижодини кузатиб, юқорида қайд этганимиз донишмандлар ҳикмати нечоғлик тўғри эканлигига яна бир қарра амин бўламан. Маъсума опа асосан оддий қишлоқ одамларининг ҳаётини қаламга олади. Уларнинг оғир турмуш шароитини тасвирлар экан, камтарона умргузаронлик қилаётган кишиларнинг маънавий олами нақадар бой эканлигини юксак пафосларда кўрсатади. Жумладан, “Шаҳарга саёҳат” фикримизнинг яққол далилидир. Ҳикоя қаҳрамони – оддийгина қишлоқ аёли. У кўпдан бери шаҳарга тушиш орзусида. Келгуси ҳафта ҳаво очик бўлиб турса, сени албатта шаҳарга олиб бораман, деб эри ваъда берган. Бу миттигина асар бош-адоқ ўша орзуманд аёлнинг кечинмаларидан иборат. Унинг ғоят соддалигидан, аммо юраги севгига, андишага лиммо-лимлигидан завқланамиз. “Шаҳарга саёҳат” қишлоқ аёлининг аҳволини, шу бароборида, юксак руҳиятини моҳирона чизиб берган ажойиб ҳикоядир. Маъсума Аҳмедова худди бошқа ҳикояларидаги каби “Шаҳарга саёҳат” да ҳам кичик жанрнинг улкан имкониятларини, катта оламини кўрсатиб бера олган. Баъзан ёнимга ёш ижодкорлар келиб ижодий сабоқлар сўрашади. Мен уларга кўпинча Маъсума Аҳмедова ҳикояларини ўқиб-ўрганишни тавсия қиламан. Чунки маҳоратли адибамизнинг ижоди ёш қаламкашлар учун мактаб бўла олишига ишонаман.



Зулфия ҚУРОЛБОЙ қизи.

“Тафаккур”, ҳикоя.

Ҳар ким ҳам ўз халқи, ўз миллати билан мақтанади, фахрланади. Ўзи мансуб миллатнинг ютуқларини кўкларга кўтариб, камчиликларини яширишга ҳаракат қилади. Аммо ҳаёт биз бекитган иллатларни ҳам баъзан ошкор этиб қўяди. Аслида ютуқлар ўзимизники, чўнтакдаги нақддай гап, кўпроқ қусурлар ҳақида гаптириб, уларни бартараф этиш ҳақида ўйлаш зарур. Ўзбек насрининг истеъдодли вакиллари-дан бири Зулфия Қуролбой қизининг “Тафаккур” ҳикоясини ҳар гал ўқиганимда негадир хаёлимдан шундай ўйлар кечади. Бу ҳикоя ноёб қобилиятли ўспириннинг қисмати ҳақида. У шахматга қизиқади ва бу борада бир неча бор ўз иқтидорини кўрсатади. Аммо ота ўғлининг бундай “бекорчи” иш билан машғул бўлишидан норизо. Унингча, мол боқиш, томорқага қараш чинакам эркаларга хос. Ота ўз жоҳиллиги туфайли ўғлини шахматга муҳаббатидан воз кечтириш учун ҳар хил шафқатсизликларга қўл уради. Аммо ниятига етолмайди. Шу баробарида, мавжуд муҳит, нодон раҳбарлар ҳам ўша ноёб қобилият эгасини қўллаб-қувватлаш ўрнига уни маҳв этишга бел боғлайди. Охир-оқибат, машғум режа галаба қозонади. Шахматсевар йигит бир умр ногирон бўлиб қолади. Бироқ ажойиб кунларнинг бирида у яна шахматга қайтади. Йигитнинг яна тафаккури уйғонади. Бу ҳикоя жаҳолат ва маърифат, зиё ва зулмат ўртасидаги курашга бағишланган асар. Зулфия Қуролбой қизи инсонларни огоҳликка чорлайди. Эзгулик, тафаккур ҳамиша ғолиб чиқишига комил ишонч билан қалам тебратади. Ушбу ҳикоя ҳар бир ўқувчининг кўнглида олам-олам завқ-шавқ уйғотади.

Муҳаббатни

ЭҲТИЁТ ҚИЛИНГ



Меҳриноз АББОСОВА

1995 йили туғилган.
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси тавсияси
билан “Мен ёшликман”,
“Юлдузранг қўшиқлар”
номли китоблари чоп
этилган. Зулфия номидаги
Давлат мукофоти соҳибаси.

Ҳозирда Ўзбекистон
давлат жаҳон тиллари
университети халқаро
журналистика
факультетида таҳсил
олмоқда.



Майсанинг жонига бермайди ором
Тезроқ ерни ёриб чиқмоқ истаги.
Гарчи кенг осмонга поён йўқ, поён,
Манзилга шошилар қушлар кўкдаги.

Қарангки, илдиздан юлдузга қадар
Ҳар жон тирикликдан ахтарар маъни.
Менинг ҳайратимни оширар баттар
Бемақсад одамнинг яшаётгани.



Онажон

Вақт тезлиги ошди, онажон,
Ҳануз сизга етолмадим мен.
Шаҳар кўзим очди, онажон,
Лек кўз юмиб кетолмадим мен.

Ҳижрон йўли бунчаям узун,
Ўтиб борар йил ортидан йил.
Кетайлик деб йиғлайди ҳар кун
Сизни мандан кўп соғинган дил.

Дунёсидан ким фойда кўрган,
Устун қўйиб ҳою ҳавасни.
Сиздан олис юрган-юрган,
Кечиринг мен орзупарастни.

Шуқур, кўнглим кўнглингиздек оқ,
Фақат сизга ўхшайман энди.
Юрагимга беркинган қишлоқ,
Юрагимда яшайман энди.

Мен – Сен

Мен ҳалиям орзупарастман,
Мен ҳалиям хаёлга банди.
Бир кун келиб худди ўзингни
Кўраман деб ўйламагандим.

Менга бундан ортиги ортиқ,
Ҳузурингда карахтман, карахт.
Сен – мен учун даҳшатли шодлик,
Сен – мен учун кўрқинчли бахт.



...2а

Ватанини қўмсаган юракдай
Соғинаман сизни,
Онасига ичккан гўдакдай
Соғинаман сизни,
Фақат соғиниш керакдай
Соғинаман сизни,
Сиз-чи?

Мен кетиб бораман,
Сиз жим қоласиз.
Фурур отлиг юртда ҳоким қоласиз,
Балки бундан бахтли яшай оласиз,
Биз-чи?

Шаҳарда ҳамма ёқ сайт, электрон,
Соғинч ҳақидаги қайд – электрон.
Қайгу – электрон, дард – электрон,
Ҳис-чи?

Қишлоқда туйғу бор, яна... сиз борсиз,
Сиз менга бақувват дарахт мисолсиз.
Дарахтин соғиниб йиғлар мажолсиз
Қушча...

Тилак

Ўзингизни эҳтиёт қилманг,
Азобланинг, севинг, соғининг.
Ҳамма гули қирмизи, қонранг,
Ярми тикон бу ишқ боғининг.

Руҳингизга бедорлик даркор,
Юрагингиз безовта урсин.
Қаранг, ҳатто ойнинг доғи бор,
О, дардсизлик, доғсизлик қурсин.

Изтиробни муқаддас билинг,
Баъзан тўлиб, тўкилиб йиғланг.
Муҳаббатни эҳтиёт қилинг,
Ўзингизни эҳтиёт қилманг!

Фақат сўздир таскину далдам,
Фақат сўздир тиллою зарим.
Асраб қолгай қоронғулардан
Ёп-ёруғ шеърларим.


Авваллари тирик сўзларнинг
Томоғидан хиппа бўғилган.
Йўргаклайди тонг – доя она
Шеърларимни – янги тугилган.

Энди эркин нафас ол, юрак,
Энди сенга тугал бахт берар.
Озодликда дунёга келиб,
Озодликда тугилган шеърлар.

Қўзингизни юмиб туринг

Йўлларингиз барно-барно гулга тўлган,
Менинг эса кўксим тўлган ишққа, рашкка.
Сизга тўйиб термулмоқчи бўламан-у,
Юрак қурғур бетламайди тик қарашга.

Бир лаҳзага тўхтаб қолсин нафасимиз,
Изҳорларни дилингизга кўмиб туринг.
Мен минг йиллар орзу қилган юзингизга
Қараб олай, кўзингизни юмиб туринг.



Мен сенга нокерак бўлсам мабодо,
Ёнингда қолишга рози эмасман.
Ёруғлик бор жойда, кўёш бор жойда
Шам бўлиб ёнишга рози эмасман.

Билмайман, кетяпман ўзи қаерга?
Нега келганимни билсайдим, кошки.
Гарчи отланганман узо-оқ сафарга,
Ҳеч нарса олмадим виждондан бошқа.

Гулғунчалар хазонга айланмасин

Ҳаётнинг ҳар бир лаҳзасидан оқилона фойдаланиш, ундан ҳавойи лаззат эмас, чинакам завқ, сурур излаб яшаш одамни камолга етказди. Ана шу оддий ҳақиқатни англаб етган инсон ҳеч қачон кам бўлмайди.

Аммо, афсуски, буни тушунмаган, гиёҳвандлик, ичкиликбозлик каби машғум иллатга дучор бўлиб, гулдай умрини хазон қилаётган инсонлар ҳам бор. Энг ёмони, уларнинг катта қисмини келажак эгалари бўлмиш ёшлар ташкил қилади. Наркомания ва наркобизнесга қарши кураш халқаро ассоциациясининг маълумотларига қараганда, бугунги кунда дунёдаги гиёҳванд эркакларнинг ўртача ёши 31, аёлларники эса 28 ни ташкил қилади. Уларнинг 77 фоизи, 39 ёшдан катта бўлмаган шахслар бўлиб, ярмидан кўпроғи 15–19 ёшли ўсмирлардир.

Бу рақамлар ортида турган ёшларнинг қисмати ҳақида ўйларкансиз, дахшатга тушасиз. Ахир, ўн беш ёшдан ўн тўққиз ёшгача бўлган муддат умрнинг айна баҳори эмасми? Бу даврда ёш кўнгилда ёруғ орзулар, нурафшон тилаклар чечак ёзмайдими? Келажакнинг умидбахш кашфиётлари ёшликнинг беғубор куртакларига жо бўлган-ку. Гулғунчаларнинг очилмай туриб хазонга айланишидан ортик бахтсизлик борми?!

Шу ўринда савол туғилади: ўсмир ёшларни гиёҳвандликка етакловчи омиллар нималардан иборат? Аввало, шунга айтиш керакки, навқирон қалб эгаси ҳали оқ-қорани аниқ фарқлайдиган, ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари етарлича шаклланган шахс бўлмайди. Қизиқувчанлик, руҳий таъсирчанлик ҳам ўсмирларга хос жиҳатлардир. Бундан ташқари, улар тезроқ улғайишни, тенгдошларидан ажралиб туришни, ўз муаммоларини мустақил равишда ҳал қилишни хоҳлайдилар. Аммо ҳали ҳаётнинг тажрибаси етмагани туфайли мўйлаби энди сабза урган йигитча ёки балобат оstonасидаги қиз зарарли одатлар муаммоларни ечишга эмас, аксинча кўпайтиришга хизмат қилишини идрок этмайди. Бундай хавфли “улғайиш”, охир-оқибат, ўсмир йигит-қиз учун ҳалокатга айланади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ёшларни гиёҳвандлик домига тортадиган энг хавфли тузоқ – ёлғон лаззатдир. Илк бор бу лаззатни туйган ўсмир гўё ўзини сирли оламга тушиб қолгандай ҳис қилади. Бу лаззат оний ва ўткинчилиги, сароб экани тезда намоён бўлади-ю, унга боғланган киши яна ўша ҳиссиётларни қўмсайверади. Нағижанда аста-секин ўзини ажал чоғига судрайдиган балобага муте, тобе ҳолатга келади.

Тиббиёт ходимларининг тахлилига кўра, гиёҳвандлик юқори асаб тизимини кўзғатиб, ишдан чиқаргач, инсоннинг руҳий ва жисмоний саломатлигига путур етказди. Шунингдек, организмдаги моддалар алмашинуви жараёни бузилади ва охир-оқибат бутун вужуд захарланади. Бора-бора инсон организми бундай моддаларни истеъмол қилмаса чидай олмайдиган бўлиб қолади, қисман ёки бутунлай ишдан чиқади.

Бу иллатга етаклайдиган яна бир омил – ўсмирнинг гиёҳванд “дўст”ларга йўлиқишидир. Айниқса, ўз яқинлари билан мулоқотда баъзи муаммоларга эга ёшлар бундай давраларда ўзларини эркин сезишади. Гўё гиёҳванд “дўст”лари уларни яхши тушунадигандай, оилада, бошқа жойда ҳал бўлмаган муаммолари, шулар даврасида осон ечиладигандай туюлади. Аслида ўргимчак тўрига тушган қапалакнинг ҳоли қандай бўлса, уники бундан баттарроқ экани ҳаёлига келмайди.

Яна бир омил – фарзанднинг оилада ўта тан-тиқ, эрка бўлиб ўсиши, ҳаётни фақат кайф-сафодан иборат, инсон бу дунёга фақат нафсоний лаззат-ланиш учун келади, деб тушуниши ҳам сабаб бўлади. Бундай ҳол кўпроқ ўзига тўқ, моддий фаровон оилаларда кузатилади. Ҳавойи хаёллар гирдобигаги ўсмир ўзига ўшаган тантиқ ёшлар даврасида етакчи бўлишни, улардан устунроқ

мавқе қозонишни истаб, турли услубларни қўллади. Жумладан, спиртли ичимликлар ичиб, гиёҳванд моддаларни қабул қилиш ҳам гўё уларга устунлик

берадигандай туюлади. Тажрибасиз кўнгил ва руҳият ўлим билан ўйин бошлаганини ва бу ўйинда аксарият ҳолларда ажал ёлиб келишини идрок этолмайди.

Энг ёмони, асрлар мобайнида эзгулик, гўзалликни тарғиб қилиб келган адабиёт ва санъатнинг айрим намуналари бугун дунёда маънавий бузуқликни, тубанликка етакловчи ҳар хил иллатларни, жумладан, гиёҳвандликни ҳам тарғиб қиляётгани кишини ўйлантириб қўяди.

Баъзи хорижий кинофильмлар, бадий асарларда гиёҳвандликнинг “сеҳрли” олами рангин бўёқларда, илҳом

билан тасвирланадиган қизиқувчан, фикри ҳали қатъий шаклланмаган ёшлар беихтиёр ўзларини асар қаҳрамонлари ўрнида тасаввур қилиб кўришади. Ўз-ўзидан савол туғилади: хўш, бундай “асар”ларни яратишдан муддао нима? Санъатнинг беқиёс сеҳру жозибаси орқали ёшларнинг онгости дунёсидаги нозик ҳиссиётларни қитиқлаб, уларни залолат ботқоғига, завола чоғига етаклаб боришми? Агар шундай бўлса, бундан ким манфаатдор? Саволнинг жавоби маълум: манфаатдор қатлам – бу жирканч бизнес бошида турган ёвуз кучлар. Улар ўзларининг қабих савдосини гуллаштириш учун энг замонавий воситалардан унумли фойдаланишмоқда. Жумладан, интернетнинг бутун дунёни қамраб олган тўрлари ҳам шулар жумласидандир. Бугун чет элларда гиёҳванд моддаларни тарғиб қилувчи, уларнинг савдосини уюштирувчи сайтларнинг борлиги одамни ўйга толдиради. Севган фарзандимизнинг қўлига кенг имкониятга эга алоқа воситаларини берарканмиз, айна пайтда уни қандай хавф билан юзма-юз қолдираётганимизни ҳам ўйлаб кўришимиз керак.

– Гулдай боламни “оқ ажал” ўз домига тортиб кетди, – дейди Шоҳсанам ота кўзига ёш олиб.

– Биз унинг бу балога қандай дучор бўлганини пайқамай ҳам қолибмиз. Болам аввалига уйқусизликка йўлиқди. Кейин иштаҳаси йўқолиб, қувватсизлана бошлади, озиб кетди. Бўғимлари зирқираб оғрир, тиришиб қоларди. Дўхтирга кўрсатай десам, кўнмасди. Уйдан буюмлар йўқола бошлаганини пайқаб қолдим. Шундан кўнглим бир нимани сезиб, боламни кузатишга тушдим. Афсуски, унга эътибор бера бошлаганимда, кеч бўлганди. У гиёҳвандлик касалига йўлиқиб бўлган экан. Даволаётган десам, кўнмади. Энди уйдигилар билан жанжал қилиб, буюмларни ошқора олиб чиқиб сотишга ўтди. “Ўшандан топиб бермангилар, ўлиб қоламан”, деб додлар эди. Вазият шу даражага етдики, ўз болам бўлса-да, ҳатто унинг ўлимига рози бўлиб қолдим. Ота-оналарга маслаҳатим, ҳеч қачон боласининг тарбиясига, хатти-ҳаракатларига эътиборсиз бўлмасинлар, кейин мен каби ер муштлаб қолмасинлар.

Афсуски, мана шундай бағри қонга тўлган оналар, умри хазон бўлган ёшлар, ногирон туғилиб, умр бўйи азият чекиб яшаган болалар, бахти бойланган қизларни кўра-била туриб, нафс илинжида “ажал оғуси” олди-сотдиси билан шугулланаётган, арзимаган гул эвазига уни яширинча чегарадан олиб ўтишга уринаётган виждонсиз кимсалар бор. Ер юзида гиёҳвандлик воситаларининг катта миқдорда етиштириляётгани ва сайёрамиз бўйлаб шиддат билан тарқалаётгани ўз келажаги учун қайғурадиган ҳар бир миллатни ташвишга солиши шубҳасиз. Юртимизда бу иллатга қарши кескин кураш олиб бориляпти. Аммо бир нарсани ҳеч қачон эсдан чиқармаслик зарур: бу кураш фақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг эмас, кенг жамоатчиликнинг, ҳар биримизнинг муҳим вазифамиздир. Шу боис ёшларимизда гиёҳванд моддаларга қизиқишнинг илк белгилари (масалан, фарзандимизнинг биздан бекитиб сигарета чекиши) сезилдими, дарров унинг олдини олишга ҳаракат қилишимиз, дилбандларимизга керак пайти ғамхўр сирдош, керак пайти қаттиққўл нигоҳбон бўлиб, уларнинг келажагини ҳар хил хавф-хатарлардан ҳимоя қилишимиз зарур. Зеро, бизнинг бахтимиз, энг аввало, фарзандларимизнинг бахти билан чамбарчас боғлиқдир.

Қумри ТАШТАНОВА,

Янгийул туман 6-сон давлат нотариал идораси нотариуси

Дунёнинг ЭНГ ёш миллионерлари \$

Бугун мамлакатимизда тадбиркорларни, хусусан, ёш ишбилармонларни қўллаб-қувватлаш бўйича қатор ишлар қилиняпти. Имтиёзли кредитлар бериш, сунъий тўсиқларни бартараф этиш, қулай ҳуқуқий шарт-шароит яратиш борасида амалга оширилаётган ислохотларга барчамиз гувоҳимиз. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади” деган сўзлари бутун халқимизга, жумладан, ёшларимизга янги куч-шижоат бағишлади. Натижада тадбиркор бўлишни орзу қилаётган, катта-кичик бизнес режалар, лойиҳалар тузаётган ёшларимиз сафи кенгаймоқда. Бу жараённи кўриб хурсанд бўласан киши. Чунки ҳар қандай йирик молиявий муваффақиятлар орзу қилиш ва режа тузишдан бошланган. Қуйида дунё миқёсида танилган энг ёш миллионерлар ҳақида маълумот берамиз. Эътиборлиси, миллионлар ота-оналаридан мерос қолмаган, балки улар ўз саъй-ҳаракатлари, интилишлари эвазига миллионер бўлганлар. Энг муҳими, ёш бойлар ўз олдига аниқ мақсад қўйганлар, таваккалчиликдан, бошқаларнинг хаёлига келмаган ноодатий қарорлар қабул қилишдан қўрқмаганлар. Демак, кучли ўнликдан жой олган ёш миллионерлар билан танишамиз.



Ян Пуркаястҳа

Хьюстонда туғилиб, вояга етган Ян 15 ёшида трюфель (ер остида ўсадиган кўзиқориннинг бир тури) импорти билан шуғулланишни ният қилади. Кейинчалик бир килограмм трюфелни 12 000 доллардан турли ресторан ва дўконларга етказиб бериб, ўз бизнесини йўлга қўяди. Трюфель импорти анчагина машаққатли иш бўлиб, уни тўртта федерал идора назорат қиларди. Шу боис ёш тадбиркор кўплаб тўсиқларга учрар, устига-устак, трюфелнинг яроқлилик муддати бор-йўғи бир ҳафта эди. Шунга қарамай, у илк бор трюфель иссиқхонасини ташкил қилади.

Айни пайтда Ян Пуркаястҳа миллион доллар айланмасига эга бўлган трюфель савдоси билан шуғулланувчи хусусий компаниянинг соҳиби ҳисобланади.

10

9



Жейсон Брайан

Мақтабни битиргач, 16 ёшида Жейсон автомобиль савдоси билан шуғулланувчи фирманинг маркетинг бўлимига ишга киради. У маркетинг хизмати тараққиётида интернетнинг беқиёс аҳамиятини ўз вақтида илғайди ва автомобиллар савдосига хизмат қилувчи шахсий сайтини ишга туширади. Бир йилдан сўнг сайт орқали 1 200 000 доллар даромад қилади. Яна бир йилдан кейин эса ёш интернет-тадбиркорнинг соф даромади 6 000 000 долларни ташкил этади.

Адам Ҳилдрет

14 яшар йигитча ижтимоий тармоқда ўз гуруҳини тузади. Тез орада бу гуруҳ ривожланиб, обуначилари сони ошиб кетади ва Буюк Британияда энг илғор кўрсаткичга эришади. Оммабоп бўлгани боис унинг интернет гуруҳидан “Кока кола” компанияси ўз маркетинг тадқиқотларини олиб бориш учун фойдалана бошлайди. Шундай қилиб, уч йил ичида Адамнинг сармояси 4 000 000 долларга яқинлашади.



7

Реймонд Ли

Ҳали ўқувчилик чоғидаёқ Реймонд Хитойда малака оширади. Калифорнияга қайтиб келгач, мактаб спорт жамоаларини футболкалар билан таъминлашга киришади. Кейинчалик онлайн буюртма асосида Хитойдан маҳсулот етказиб берувчи хусусий компаниясига асос солади ва бир йилдан сўнг 2 000 000 долларлик футболка сотади. Компания чет инвестициялар кўмагисиз, бўш ҳамён билан иш бошлайди. Унинг борйўқ бизнеси онлайн дастурдан иборат бўлиб, сотилаётган футболкаларни ҳатто ушлаб ҳам кўрмайди. У футболка дизайнини мустақил равишда ишлаб чиқиб, хитойлик маҳсулот тайёрловчиларга буюртма беради. Маҳсулот АҚШ га етиб келгач, уни фақат почта жўнатмалари пунктида текшириб кўришади.

8



6



Эшли Кволс

14 ёшли америкалик қизнинг тутган йўли ҳали-ҳануз кўпчиликини лол қолдиради. У коллеждаги ўқишлардан бўш пайтини ижтимоий тармоқларда ўтказаркан, дўстларининг ўз аккаунтларини қандай қилиб беамоқчи бўлаётганларига эътибор қаратади. У графика дизайнига қизиқиб қолади ва кувноқ, ёрқин, янги акаунт беақларини яратиб, сотувга қўяди. Иш юришиб кетади ва Эшли ўз сайтини – интернетдаги шахсий саҳифалар учун беақлар ишлаб чиқадиган, тайёр беақларни сотадиган “корхона”сини очади. 15 ёшида Эшли ўзининг илк 1 000 000 долларига эга бўлади. Иш бошлаганда сарфлаган илк сармояси эса 8 доллар эди, холос.

5



Кэмерон Жонсон

Кэмерон илк бизнес ишини 9 ёшида йўлга қўяди – таклифномалар ишлаб чиқиб, интернетда эълон қилади. Шу тарзда бир неча минг долларга эга бўлади. 11 ёшида ёш тадбиркор 100 долларга қўғирчоқлар тўпламини харид қилади ва “eBay” аукционда юз баробар қимматга сотади. Тушган пулни янги ўйинчоқлар – баҳмал сичқонлар сотиб олишга сарфлайди ва ўша аукционда бир неча баробар қимматга пуллайди. Кейин уддабурон болакай ўзининг электрон хизматини йўлга қўяди. Шу тарзда ишлаб, то мактабни битиргунича 5 000 000 доллар маблағ эгаси бўлади.



4

Кэтрин Кук

15 ёшида коллежни тамомлашга ҳозирлик кўраркан, Кэтрин компьютер ўйинларига қаттиқ қизиқиб қолади ва кўплаб ижтимоий тармоқларда ўз гуруҳларини тузади. Жамоавий ва яқка тартибдаги мусобақалар ташкил этиб, ўйинчиларнинг аккаунтларини такомиллаштиради. 17 ёшида Кэтриннинг даромади 4 300 000 долларни ташкил қилади.



Фрейзер Доэрти

14 ёшида Фрейзер бувисининг рецепти бўйича мураббо тайёрлаб кўради. Унинг махсулотига қўшнилари ва мактабдаги дўстлари харидор бўлишади. 16 ёшида унинг иши кутилганидан ҳам яхшироқ даражада ривожланиб кетади. Бир йилдан кейин у мураббо тайёрлайдиган ва йилига 1 500 000 доллар фойда келтирадиган хусусий иш эгаси эди. 18 ёшида унинг сармояси 6 000 000 долларга тенг деб баҳоланади.

Жошуа Дзябк

Жошуа бор пулини 17 ёшида сайт яратишга сарфлайди. Ўз сайти орқали концерт ва бошқа оммавий тадбир-томошаларга чипта сотишни йўлга қўяди. Онлайн хизмат тармоғида чипта сотиш билан шуғулланадиган компанияси Жошуага йилига 9 000 000 доллар даромад келтира бошлайди.



Марк Цукерберг

Бу ёш йигит “Facebook” тармоғини ташкил қилиб, бутун дунёга донғи кетди. У тармоқни яратишга ота-онасининг 85 000 долларини сарфлайди. Кейинчалик бой инвесторлар ёрдамида ижтимоий тармоқни дунё миқёсида танитди. Уни қўллаб-қувватлаган шахслар орасида Америка интернет оламида катта нуфузга эга бўлган, “Napster” дастури яратувчиси Шон Паркер, “PayPal” тўлов хизмати ҳаммуассиси Питер Тил ва иш ахтарувчилар учун яратилган биринчи ижтимоий тармоқ – “LinkedIn” сохиби Рид Хоффманлар бор эди.

2007 йили Марк Цукербергга омад кулиб боқади. “Microsoft” компанияси унинг лойиҳасини 15 миллиард доллар деб баҳолаб, акцияларининг 1,6 фоизини сотиб олади.

2008 йили у Дублин шаҳрида халқаро штаб-квартирасини очади ва 2009 йили даромади ҳақида ошкора маълумот беради.

2015 йили “Facebook” энг кўп фойдаланувчи қирадиган иккинчи сайтга, Марк Цукерберг эса энг ёш миллиардерга айланади.

Навоий

Бир куни...

Бир куни соф кўнгилли Амир фасоҳат ва зарофат бобида замон шоирларининг пешқадами хожа Осафийга насиҳат қилиш учун муборак тилини баёнга келтириб деди:

– Сенга ҳайронманки, ўткир зеҳнинг ва баланд таъбинг бўлатуриб, шеър айтиш билан кам шуғулланасан, бор вақтингни бефойда ишларга сарфлайсан.

– Шу кунларда кўпроқ шеър айтишга машғул бўлаётирман. Масалан, ўтган кеча икки пуллик шам ёниб битгунча икки юз байт айтдим.

Шунда олий ҳазрат дедилар:

– Демак, ёзган шеърларингнинг юз байти бир пул экан-да.



Мусиқий илмида замонасининг яғонаси бўлмиш мавлоно Алишоҳ бир куни давлатманд олий ҳазрат Навоийга арз қилиб, “Сизнинг олий илтифотингиздан ва марҳаматингиздан умид шулки, вақф бошқарувчилари олти ойлик маошимни бирданига берсалар, ҳар ойда уларга бош оғриғи бўлиб юрмасам”, деди. Олий ҳазрат жавоб қилди:

– Мавлоно, умримиздан олти кун қолганми-йўқми, билмаймиз. Нима учун сиз омонат ҳаётга бу қадар эътиқод қилиб, олти ойлик маошни олдиндан талаб қиласиз?

Мавлавий жаноблари деди:

– Сиз буйруқ бераверинг, улар пулни бераверсинлар. Бордию ўлиб қолсам, ўша пул гўру кафанимга яраб қолар.

Шунда он ҳазрат дедилар:

– Ўлиги ҳам бир бало, тириги ҳам бир бало деганлари сиз экансиз-да?!

Бир куни саховат майдонининг эгаси Навоий аввалги зариф кимсалардан ўзининг қизиқ кўриниши ва ажойиб сўзлари билан мумтоз ва мустансо бўлган мавлоно Шихобуддин Мудаввинга марҳамат юзасидан эгар-жабдуқли бир от инъом қилди. Бу илтифот муносабати билан мавлавий ўзини олий ҳазратнинг хос кишилари қаторида ҳисоблаб, хизмат ва мулозаматни ҳаддан ошириб юборди. Масалан, қачонки Навоий отга миниб бирор ерга борадиган бўлса, у ҳам хизматда бўлар, уйга қайтиб келганда эса дарвоза ёнидан бир дақиқа ҳам нарига кетмас эди. Шу сабабдан лутфу қарам манбаи Навоий ундан жуда қисилди, бироқ олий хулқи унинг дилини оғритишга ва очикдан-очик ўз мулозиматидан узоқлаштиришга йўл қўймас эди. Охири хизматкорлардан бири Амирнинг кўрсатмаси билан ўғри тариқида унинг олдига борди ва отини тезлик билан бозорга олиб бориб сотди. Мавлавий Шихобуддин Мудаввин уни ҳақиқий ўғри деб ҳисоблади, орқасидан қидириб, икки тош йўлни пиёда босди, лекин отдан ҳеч қандай асар топмагач, юз берган воқеадан ҳайрон бўлиб, чопиб иззат денгизи бўлмиш Амир ҳузурига келди ва ўзининг саргардонлик кайфиятини арз қилди. Олий ҳазрат дедилар:

– Биз отингнинг баҳосини берамиз, фақат шу шарт биланки, бундан кейин от сақламайсан ва отланган чоғимизда бизга ҳам бош оғриғи бўлмайсан.

У бунга рози эканлигини маълум қилди. Шу вақт амир хизматкорга деди:

– Маълум миқдор ақчани мавлонога берингиз.

Ҳийлакорлик қилган киши унга 94 танга санаб берди. Мавлавий таажжубланиб:

– Инъом қилинган ақча 100 танга бўлиши керак, не сабабдан 6 танга кам? – деди. Ҳозир бўлганлардан бири деди:

– Отингизни бундан ортиққа олмадилар.

Хондамир,
“Мақорим ул-ахлоқ”дан

Навоийдан наво топдим, куй топдим

* * *

Ишқ сувратин чизмоққа хуш лаҳза, хуш он керак,
Таъриф тавсифига шеър ила дoston керак.

Толе юдузи балқиб чиқса гар кўк тоқига,
Йўлингни ёритувчи ой керак, осмон керак.

Гўзал Ширин қошида тиз чўкиб пойини ўп,
Фарҳоднинг севгисидек мустаҳкам қалқон керак.

Ишқ ўтида ёнганмен, кулмангиз ҳеч ҳолима,
Ошиқлигим айтмоққа менга бир имкон керак.

Деразамга тушди нур, ёр йўлига интиқман,
Ўлтириб базм этгали кулбама меҳмон керак.

Озори бор бу ишқнинг, кўксима тиз санчилмиш,
Жисмима жон бергувчи бир пари пайкон керак.

Севмоғу севилмоқни ўзингдан ўрганганим,
Завқимга завқ қўшгали лол керак, ҳайрон керак.

Ой чехраси ёнимда, фалак менга сўз қотди,
Дилимнинг мунаввари ул моҳитобон керак.

Кўрганинг боғи эрам, гар ошиқсан эй, Ашур,
Навоийдек бир дилкаш, суҳбати жонон керак.

* * *

Навоийдан наво топдим, куй топдим,
Сўз аталмиш нур чақнаган уй топдим.

Таъриф йўқдир сўз аталмиш чиройга,
Сиз ҳам келинг, дўстим, назмий саройга.

Ҳунарпеша Фарҳодлари бор унинг,
Мен билмаган сарҳадлари бор унинг.

Бир чашмаким, чанқоғингни босгайсен,
Ўз қалбингга севги сатрин ёзгайсен.

Гоҳ юрарсан Самарқанду Ҳиротда,
Гўё учган каби шеърий Ҳиротда.

Ўрганишсин Чин, Амриқо меъмори,
Машҳур эрур "Искандарнинг девори".

Фақат ундан яхшиликни топарсан,
Ёмонликнинг йўли буткул ёпарсан.

Сўз дурларин юрагингга тақиб ол,
"Ҳазойин ул-маоний"ни чақиб ол.

Бул ҳикматни англай олсанг, ёрлиқ иш,
Дил яйрайди, унутилар гам, ташвиш.

Улуғ бобом айтган сўзи бор бўлгай,
Олам аҳли бир-бирига ёр бўлгай.



Ашурали БОЙМУРОД

1957 йили туғилган
Жуззах давлат педагогика
институтини тамомлаган.
"Садоқат", "Соғинч",
"Мирзо Бобур" сингари
шеърий китоблари, "Меҳр"
сайланмаси, "Онагинам"
шеърий романи нашр
этилган.



Моҳигул ЖАББОРОВА

1998 йили туғилган.
Гулистон давлат
университети қошидаги
Янгиер академик лицейи
ўқувчиси. Шеърлари
“Навқирон оҳанглар”
("Ҳилолнашр", 2013) баёзига
киритилган.

Совчи

Совчи икки бора қайтиб, уч келади.
Куёв мақтаб, тилларига куч келади.
Момом айтар: “Қизни ҳадеб сақлайберсанг,
Учдан кейин пуч келади, пуч келади”.

– Янга, нега тушунмайди мени улар,
Мен йигласам, “уялди” деб янгам кулар.
– Эгачим-эй, қишлоқларда қиз дегани
Ўн саккизга чимилдиққа кириб, кирар.

Белбоғи йўқ, дулдул минган йигитчанинг
Совчисидан қирқ тоғора кўч келади.
Отам-онам бермоқ бўлган жавобига
Ичимдаги тўфон тилга кўчкилади.

Эй совчилар, омон бўлинг, асло ўлманг,
Мен ёшликман, улғайтирсин ҳали замин.
Зоминлик қиз кўпдир, юзи нурли-нурли,
Ҳали ёшман, орзуимга бўлманг зомин.

Қараб туринг, қадамимда гулхан ёнгай,
Қараб туринг, чехрам кўриб гул ҳам ёнгай.
Нигоҳлари беҳирс, ҳаққа ўч келади –
Йигитларнинг энг яхшиси дуч келади.

Мен ёшликман, улғайтирсин ҳали замин

Алам

Далада... Янгалар, қизлар кулгиси,
Қовунларга тўла қатор эгатлар.
Жувонлар ичида соддагина бир
Пахмоқ қизни аҳмоқ қилар йигитлар.

Меҳнатга сайланган қовунчи қиз у,
Ярашган қулиши, қулдиришлари.
Аммо ёш боладек кўрсатар уни
Соддагина қовун туширишлари.

Унинг дугонаси кетмони эди,
Бардам эди, олмас эди сира дам.
Ўзи каби оддий, саранжом эди,
Эси тўла қизнинг орзулари ҳам.

Қовунни тўрлатиб тўрлаган қўли,
Хиноларга қонди, хинолар эмди.
Нима бўлар энди, не бўлар энди?
Йигитларнинг эса кулгиси сўнди...
Нигоҳи тинди.

Бошқача кўрарди қовунчи қизни...
Бугдойранг тилаклар, билаклар кучди.
Йигит, йигитчалар ёқа йиртишди,
Ҳаммасин қўлидан тарвузи тушди...





**Ҳушанг Муродий
КЕРМОНИЙ**

Эрон болалар ёзувчиси ва драматурги. 1944 йили туғилган.

“Мажиднинг ҳикоялари”, “Гиламдўзлик устахонаси болалари”, “Пальма”, “Тандир”, “Кўза”, “Онамнинг меҳмони”, “Яширинча зарба”, “Сиз бегона эмассиз” каби асарлари машхур.

Этшк

Ҳикоя

Онаси кундузи Лайлони қўшнига қолдириб, ўзи ишга кетади. У тикувчилик цехида ишлайди. Лайло қўшнининг қизи Марям билан ўйнайди. Она-бола Марямларнинг уйидаги бир хонада яшайди. Лайло беш ёшда, Марям эса ундан бир ёш катта.

Бир куни Марямнинг тоғаси қўғирчоқ олиб келди. Ўша куни қизалоқлар қўғирчоқ билан роса ўйнади. Қўғирчоқ Лайлонинг ёнида эди, у эса бутунлай ўзига қолишини хоҳларди. Бироқ Марям:

Форс тилидан
Башорат ОТАЖОНОВА
таржимаси.

– Истаганингча ўйна. Фақат кўғирчоқ меники, – деди.

Лайлонинг кўнгли оғриди. Кунботарда онаси келгач, югуриб ёнига борди:

– Ойи, ойи, менга ҳам Марямникидек кўғирчоқ олиб берасизми?

– Йўқ, олиб бермайман, – деди онаси.

– Нега?

– Чунки сен яхши қиз эмассан.

– Ойи... Мен яхши қизман-ку!

– Яхши қиз бўлсанг, унда нега кўзларинг ҳар нарсага қарайверади? Ҳали уни, ҳали буни хоҳлайман, дейсан.

– Агар гапларимга қулоқ солсанг, зўр нарса олиб бераман, дегандингиз-ку? Ана, энди кўғирчоқ олиб беринг, худди мана бунақасидан.

– Мен, кўғирчоқ, демаганман.

– Нима унда?

– Ҳам керакли, ҳам сенга ёқадиган нарса олиб бераман.

– Нима?

– Этик!

– Этик?

– Ҳа, этик. Қулай ва чиройли этик. Уни қишда – совуқда, қор ва ёмғирли ҳавода киясан. Оёқларинг иссиққина юради. Бемалол югуришинг, ўйнашинг мумкин. Мактабга борасан. Кўғирчоқ фақат ўйинчоқ, ҳеч қандай ишингни қилиб бермайди.

Лайло бу гапга кўнди, аммо сабр қилолмади, онасининг чодрасидан тортди:

– Этик сотволишга ҳозир борайлик!

– Чарчаганман. Дам олиш кунда бирга бориб, этик сотволамиз, – деди онаси.

Лайло йиғлашга тушди. Ҳиқиллади.

Онасининг жаҳли чиқди:

– Агар гапимга кирмай мени хафа қилсанг, ҳеч қачон этик олиб бермайман!

Ўша кунни она-бола узоқ гаплашиб ўтиришди. Ахийри этик сотволгани эртаси кунни боришга келишишди.

Онаси ишдан вақтлироқ қайтди. Лайло йўлакда ўтирар, кўзи эшикда эди. Онасини кўриб, ёнига югурди, оёқларини кучоқлади:

– Кетдик, ойижон! Этик сотиб олишга кетдик!

Онаси Лайлонинг кўлидан тутди, кўчага чиқишди. Бир неча пойабзал дўкони жойлашган кўчага етиб келгунга қадар кўчама-кўча узоқ юришди. Улар дўконлар олдида тўхтаб, ойнадевор ортидаги пойабзалларни кўздан кечирардилар. Куз бўлишига қарамай ойнаванд пештахталарда ёзги оёқ кийимларни ҳам кўриш мумкин

эди. Қишки пойабзал ва этик ҳам бор эди. Лайло илк учраган этикни сотиб олишни истади, унга барчаси ёқарди, бошқа жойда этик бўлмаса-чи, деган хавотирда эди.

– Дўконларда этик кўп. Пишиқ ва чиройлисини топмагунимизча айланишимиз керак. Шошилишдан фойда йўқ, – деди онаси.

Кўчама-кўча, дўконма-дўкон узоқ юрдилар. Бироқ онасига пойабзалларнинг бирортаси маъқул келмасди. Лайло очқади, онаси ҳам. Язди пирогидан олиб, бўлишиб едилар. Лайло олдинлаб кетди, бир дўконнинг ойнаванд пештахтасида этикча кўриб қолди. Онаси етиб келди. Пойабзал унга ҳам ёқди. Олиб беришга рози бўлди. Этик чиройли нўхатранг эди. Лайло кийиб кўрди, оёқларига лойиқ келди.

– Юриб кўр-чи, – деди онаси.

Лайло юрди. Қўрқув ва қувонч билан юрди. Янги этикчаси билан ерни босгиси келмас эди. Онаси сўради:

– Лойиқми?

– Ҳа.

– Қутлуғ бўлсин, – деди сотувчи.

– Фақат бироз каттароқ, оёғимда лиқиллаятти, – деди Лайло.

Сотувчи кулди. Онаси:

– Каттамас! Қишда қалин жунтайпоқ билан киясан, озроқ бўш жой қолиши керак. Агар этик кичкина бўлса, мактабга борганинда сиғмай қолади. Оёғинг тез ўсади.

Этикнинг пулини тўладилар. Сотувчи пойабзални қутичага солмоқчи эди, Лайло уйга кийиб кетишни хоҳлади. Онасининг ҳаво совиса киясан, дейишига кўнмади. Йиғлаб юборгудай аҳволга тушди.

– Қўйинг, кийиб кетаверсин, хурсанд бўлсин. Қутичага эса шиппагини солиб бераман, – деди сотувчи.

Онаси рози бўлди. Лайло қутичани кучоқлаб олди, улар йўлга тушишди. Лайло бахтиёр эди, онаси ҳам. У илгарилаб-илгарилаб борарди. Йўл юраркан, этик ичида оёқлари лиқ-лиқ қилиб овоз чиқарарди. Лайло бир неча қадам юрар, тўхтар ва этикларига қарарди. Тезроқ уйга бориб, янги пойабзалини Марямга кўрсатгиси келарди.

Қоронғи туша бошлади. Онаси жуда чарчаган, боши оғрирди.

– Автобусда кетамиз, – деди у.

Улар бекатда тўхтадилар. Автобус келгач, бўш жойлардан бирига ўтиришди. Кўча гавжум эди. Оқшом чўқди. Йўлнинг икки томонидаги дўкон-

ларнинг чироқлари ёнди. Автобус одамларнинг нафаси билан иссиқ эди. Лайло онасининг кўксига бош қўйганча кўзларини этикчаларидан узолмасди. Автобус бешикдай оҳиста-оҳиста тебраниб, машиналар оралаб кетиб борарди. Лайлонинг қовоқлари аста-секин оғирлашди, кўзлари юмила бошлади ва ухлаб қолди. Ҳайдовчи шогирдининг овози келди:

– Кўтрик бекати!

Автобус тўхтади. Она-боланинг ёнида семиз ва гавдали аёл ўтирган эди. У кийим тўла саватларини кўтариб, шошилганча ўрнидан турди. Жой тор эди. Сават Лайлонинг этикчасига тегиб ўтди. Бир пойи оёғидан сирғалиб, ўриндиққа тушиб қолди. Аёл кетди. Яна бир неча йўловчи тушди. Автобус кўзғолиб, йўлида давом этди. Она мудрарди. Автобус бир майдонни айланди. Ҳайдовчи шогирди овоз берди:

– Аҳмади майдони!

Автобус тўхтади. Пинакка кетган она сакраб ўрнидан турди. Лайлони уйғота олмасди. Автобус юришга ҳозирланди. Она қизини қучоқлаб, автобусдан тушди. Пиёдалар йўлкасига ўтди. Автобус кетди. Лайло ҳамон уйғонмаган, онасининг қучоғида эди. Улар кўчага ўтиб олишди. Йўл узун ва қинғир-қийшиқ эди. Онаси халлослар, чарчаганди. Лайлони уйғотмоқчи бўларди-ю, бундай қила олмасди. Уйга етиб келгунча бу ҳолатга кўникиб қолди. Уй йўлагига киргач, Лайлонинг этигини ечиб қўймоқчи бўлиб, не кўз билан кўрсинки, бир пойи йўқ! Тезда Лайлони хона бурчагига ётқизди ва изига қайтди. Бирма-бир қараб чиқди, пиёдалар йўлкасига ўтди, бекатга борди. Автобус аллақачон кетиб бўлган, этик эса йўқ эди. Ортга қайтди.

Тун чўзилгандан-чўзилди. Она ўрин солди. Бир пой этик уй бурчагида эди. Она этикчанинг йўқолган пойини хаёлидан чиқаролмади: агар Лайло уйғониб, этигининг йўқолганини билса, қандай ҳолга тушади, деб ўйларди у.

Кечаси чиптачи автобусни тозалашга киришди. Ўриндиқлар тагини супурар экан, бир пой этик чиқиб келди. Ўлчамига қаради. Афсусланди. Этик болаларники экан, кимдир янги сотиб олган бўлса керак, деб ўйлади. Яп-янги эди. Эгаси топилса, қайтариб беришни кўнглига тугди. Аммо болани танимади – кунига ота-онаси билан кўплаб болалар автобусга чиқиб-тушади. Қайси бириники эканини қаердан билади? Ҳайдовчи шогирди этикни чиптачига берди. Чиптачи йўловчилар билет сотиб олиш учун келганларида кўриши учун

хонасига – ойна ортига қўйди. Эҳтимол, эгаси топилиб қолар?!

Эртаси куни она барвақт уйғонди. Таҳорат олиб, намоз ўқиди. Қўшнига йўқолган этик ҳақида гап-риб берди. Қизини омонат қолдириб, уйдан чиқди. Аста-секин тонг ёриша бошлади. Яна кўчани қараб кетди, пиёдалар йўлкасини кўздан кечирди, этик кўринмасди. Бекатда тўхтади. Кеч қолаётган эди, автобус келгач, ишга жўнади.

Эрталаб аввал Марям уйғонди. Лайлони қидириб хоналарига кирди. У ҳамон ухлаб ётарди. Марям хона бурчагидаги этикни кўрди. Уни қўлига олиб, кўздан кечирди.

– Турақол, тонг отиб кетди! – деб дугонасини уйғотди.

Лайло уйғониб, кўзларини ишқалади.

– Қандай ажойиб этик! Чиройли экан, – деди Марям ҳайратланиб.

– Онам олиб берди, – деди Лайло.

– Бир пойи қани?

– Билмадим...

Қизлар этикнинг бир пойини излаб, бутун уйни остин-устин қилиб юборишди. Ҳовлидан Марямнинг онаси бақирди:

– Уйнинг тўс-тўполонини чиқармай, бу ёққа келинлар!

– Лайлонинг этигини қидиряпмиз, – деди Марям.

– Беҳуда изламанглар! Этик оқшом кўчада йўқолибди. Лайло ухлаётганида оёғидан тушиб қолибди.

Лайло йиғлашга тушди. Бир пой этикни бағрига босганча ташқарига чиқди. У ҳовлининг бир четига ўтириб, ҳиқиллаб йиғларди. Марям Лайлога секин деди:

– Юр, кетдик кўчага, этигингни топиб келамиз.

Улар ташқарига чиқишди. Марям қаерга кетаётганини онасига айтмади. Кўчада узоқ юришди. Йўлга чиқиб олишди.

– Балки, этигинг йўлда тушиб қолгандир?

Улар пиёдалар йўлкасининг ҳар қаричини диққат билан қараб, гаплашиб кетардилар.

Марямнинг онаси қизларнинг уйда йўқлигини кўргач хавотирга тушди. Бошига чодрасини ташлади-да, кўчага отилди. Келаётган ҳар йўловчидан “Икки қизни кўрмадингизми?” деб сўрарди. Уларнинг айримлари кўрмаганини айтса, баъзилари “Бу томонга кетишди”, дейишарди. Лайло ва Марям йўлкани кўздан кечириб кетавердилар, кетавердилар. Уйларидан жуда узоқлашиб кетдилар.

– Марям, орқага қайтайлик, – деди Лайло.

Марям қулоқ солмади. Юриб-юриб бир чоррахага келиб қолишди. Улар қаерга боришни билмасдилар. Уйга қайтмоқчи бўлдилар, бироқ йўлни йўқотиб қўйишганди. Лайло йиғи бошлади. Марям ҳам йиғламоқдан бери турарди.

Йўлқадан ўтиб бораётган бир кекса аёл кизалоқларни кўриб, адашиб қолганликларини тушунди.

– Уйларинг қаерда? – сўради аёл.

Болалар уйлари қаерда эканлигини билмасди.

– Кўчангизнинг номини эслаб кўринг-чи!

Марям бироз ўйланиб тургач:

– Кўчамизнинг номи... номи Суруш, – деди. – Аммо қандай борилишини билмайман.

Аёл болаларнинг қўлидан ушлаб, ўтган-кетган йўловчилардан Суруш кўчасини сўраб кетаверди. Бу пайтда Марямнинг онаси кўрқув ва хавотирда пиёдалар йўлкасида югурар, ҳамма жойни бирма-бир қараб чиқарди. Рўпарасида болаларни етаклаб келаётган аёлни кўрди-ю, қувониб кетди. Аёлга раҳмат айтди. Лайло ва Марямни уйдан берухсат чиқиб кетганликлари учун койиб берди.

Бир неча кун ўтди ҳамки, бирор кимса этик ҳақида сўраб келмади. Чипта сотувчи этикни нозимхона ташқарисига, кўпроқ кўз тушадиган рўпарадаги деворга суяб қўйди.

Одамлар келарди, кетарди. Этикка кўзлари тушиб, “Қайси боланинг этиги экан, йўқотиб қўйиб, излаб юргандир?” дерди бир-бирларига.

Лайло кундузлари бир оёғига этик, иккинчи оёғига шиппак кийиб оларди, баъзан бир пой этикни Марям киярди.

Лайло онаси ишдан қайтди дегунча унинг ёнига югуриб борар ва бир саволни такрорларди:

– Ойижон, этигимни топмадингизми?

– Йўқ, она қизим! Сенга бошқа этик олиб бераман!

– Қачон?

– Қўлимга пул тушсин, бирор дам олиш кунда!

Лайло бир пой этикни у ёқдан-бу ёққа кўтариб юрар, Марям ва қўшни болалар қувлашма-чоқ ўйнарди.

Этикни бир неча бор ташлаб юбормоқчи бўлишди, бироқ бундан нима наф?

Чипта сотувчи ҳар вақт ёлғиз қолса, этикка қарарди. Бир куни эгаси топилар, деб умид қиларди. Ҳар оқшом хонасини ёғиб, уйига

кетмоқчи бўлса, ичкарига олиб кириб қўярди. Бир гал ёдидан кўтарилди ва этикча туни билан девор четида қолиб кетди.

Эрта тонгда маҳалла суптурувчиси пиёдалар йўлагини тозалаётганда этикни кўрди. Кўз югуртирди. Яна жойига қўйди. Эгаси бола эканлигини ва уни йўқотиб қўйганлигини тушунди. Этикнинг соҳиби топилиши сўраб дуо қилди.

Бир ўйинқароқ бола мактабдан қайтаркан, пиёдалар йўлагига копток ўрнига ҳамма нарсани тепиб, ирғитиб борарди. Этикка етиб келгунига қадар йўлда кўрган ҳар нарсани – картон қути, тош, мева пўчоғини этиги билан бир неча қадамгача тепиб келарди. Этикка қаради, уни қаттиқ тепди; ўйнади ва суриб кетаверди, кетаверди. Ана шундай зарбаларнинг бирида этик бориб, чиқиндили сувга тушди. Бола пастга қаради ва қўл силтаб нари кетди. Сув этикни оқизиб кетди. Этик ахлатларга аралашди.

Маҳалла суптурувчиси ариқ ичидан ахлатларни олиб ташлаб, сув йўлини очди. Этикча кўзига иссиқ кўринди. Элас-элас эслади: саҳарда кўча бошидаги девор четида турганди. Суптурувчи этикни сув жўмраги тагига қўйди. Ювди. Эгаси топилгунча турсин деб масжид деворига суяб қўйди. Ҳар ўтганда уни кўрар, эгаси топилсин-да, деб дуо қиларди. Бир неча кун ўтди ҳамки, этик қаровсиз эди. Кучли шамол ва ёмғир келиб, учириб юборди.

Этик лой ва ифлос бўлди. Болалар тепардилар ва ўйнардилар. Эгасиз этикни кўрган болалардан бири уни уйига олиб келиб, акасига берди. Акаси шиппак ишлаб чиқариш корхонасида ишларди. У ерда эски шиппак ва чарм этикларни тегирмонга солардилар. Майдалаб, эритиб, қолипга қуярдилар, сўнг янги шиппак ва этиклар ясардилар.

Лайлонинг онаси ҳар куни бир оёғи йўқ болани кўрарди. Ҳамиша уйлари олдида бизбизак сотар ва ўйнаётган болаларни томоша қилиб ўтирарди.

Онаси уйга келганда:

– Лайло, бу этик сенга керак эмас. Юр, бирга бориб, уни кўча бошидаги бир оёқли болага берамиз, – деди.

– Агар этигимни унга берсам, менга бошқа этик олиб берасизми? – деб сўради Лайло.

– Ҳа, олиб бераман! Албатта, олиб бераман! Вақт тополмаганим боис шу пайтгача сотиб ололмадим.

– Қачон вақтингиз бўлади?

– Ҳафта охирида. Дўконларга шундай

чиroyли этиклар келибдики, асти айтма!

– У болага этикни ўзим бермоқчиман!

– Майли. Фақат, хафа қилиб қўйма.

– Ҳўп!

Лайло ва онаси бир пой этикни олиб, боланинг ёнига кетишди. Онаси берироқда қолди, Лайло боланинг рўпарасида тўхтади ва деди:

– Салом!

Бола жилмайди:

– Салом! Бизбизак керакми? – деди.

– Йўқ, бу этик сенга. Яп-янги. Унинг бир пойи йўқолган. Ҳар қанча изламайлик, топта олмадик. Бунни ташлаб юбориш ҳайф.

Бола хафа бўлди:

– Керак эмас! – деди.

Онаси уларнинг ёнига келди:

– Олақол, ўғлим. Биз қўшнилармиз.

Бегона эмасмиз. Ўтган йили қишда керосинимиз тугаб қолди, келиб онангдан олгандик. Эсингда йўқми? Ўйлайманки, бу бир пой этик бир кунингга ярайди. Ташлаб юборсанг, ҳайф бўлади.

Бола иккиланиб рози бўлди.

– Хайр! – деди қизча ва онасига эргашди.

Онаси шивирлади:

– Худо билади, хафа бўлмадимикан, ишқилиб?!

Бола этикни диққат билан кўздан кечирди. Оёғига лойиқми ёки йўқми – кўрмоқчи бўлди. Этик ўнг пой экан, унинг эса шу оёғи йўқ эди! Ҳеч керак эмас.

Кулгиси қистади.

Бола этикни нима қилишни ўйларди. Бир камбағал тузфуруш эски-туски пойабзалларни йиғиб юрар, ўрнига туз берарди. Бола этикни унга узатди, тузфуруш этикка қаради:

– Яп-янги экан, бошқа пойи қани? – деди.

– Йўқолган. Қўшнимизнинг қизиники. Ҳар қанча изламасин, топилмади.

Тузфуруш этикни олди ва аравасидаги эски пойабзаллар устига қўйди.

Шиппак ишлаб чиқариш корхонаси ҳам шу маҳаллада эди. Тузфуруш йиртилган ёки эскирган оёқ кийимларни олиб келиб, шу корхонага сотарди. Лайлонинг этиги ҳам уларга аралашиб кетганди.

Тузфуруш қўли бўшаб, халтасини ерга қўймоқчи бўлган пайтда бир саватга кўзи тушди. У тегирмон лабида турарди. Этикнинг бошқа пойи ўша ерда эди! Уни тегирмонда майдалашга келтириб қўйишганди. Тузфуруш халтасидаги этикни олди, худди ўша этикнинг пойи

экан.

Этик пойларига разм солди. Жилмайди ва ўзига-ўзи деди:

– Топилди! Энди жуфт бўлди!

Корхона ишчиси тузфурушга қаради ва деди:

– Нима бўлди?

– Этикнинг пойи топилди.

– Эгасини танийсанми?


– Ҳа, у бир боланики. Уйлари юқори кўчада.

Тузфуруш этикни болага келтирди. Бола этикни олиб, Лайлонинг уйига ошиқди. Эшикни тақиллатди. Эшик ёнига Лайло келди. Бола этикларни унга берди ва деди:

– Қара, этигинг топилди!

Лайло хурсанд бўлди, қувонганидан ҳатто қаердан ва қандай қилиб топилганини сўрамабди ҳам. Уйга югурди, “Марям, Марям! Этигим топилди, этигим топилди” деб кичқирди. Қайтиб эшикка қаради. Бола эса кетиб бўлганди.





“Буни биз ҳам қила оламиз!”

Янги қитъа кашфиётчиси Христофор Колумбга ҳасад қиладиганлар кўп эди. Ҳасад бор жойда албатта ғийбат бўлади. Денгизчи бир гал қовоқхонага кирса, бир тўда аламзадалар яна Колумбнинг томорқасига тош отишаётган экан:

– Денгиздан сузиб ўтиб, қуруқликка бориш нима деган гап? Буни биз ҳам қила оламиз!

Христофор улар ўтирган стол яқинига боради ва қовоқхона эгасидан бир дона пишмаган тухум сўраб олади.

– Жаноблар, сизлар уддабурон ва доносизлар. Бунга шубҳа йўқ. Қани, мана шу тухумни тик турғазиб беринглар-чи!

Ғийбатчилар гуруҳи ҳар қанча уринмасин, бу ишни уддалай олмайди.

– Бўпти, ўзинг қил-чи! – дейишади ниҳоят.


Колумб тухумни олади-да, “тирс” этказиб столга уради. Тухумнинг уч қисми бироз пачоқ бўлади ва у тик туриб қолади. Фавқулудда ҳолатни кутаётган ғийбатчилар бирдан нига гувраб юборади:

– Э-э, шуям ишми? Буни биз ҳам қила оламиз!

– Тўғри, – деб жавоб беради машҳур денгизчи. – Фақат Колумбдан кейин.

От ишқибози

Жуда кўп ёзувчилар хаёлни чалғитиш, фикрини тиндириб олиш учун турли юмушлар билан шуғулланади. Адабиёт йўналишида Нобел мукофоти совриндори Уилям Фолкнер болалигидан отларга меҳр қўйган эди. Отасининг ижара отхонаси ва отлари бўлиб, бўлажак ёзувчи кўп вақтини шу ерда ўтказарди. Ўн бир ёшга тўлганида унга чавқар той совға қилишади. Асов от Фолкнерни опқочиб кетади ва ёзувчи мўъжиза сабаб бир ўлимдан қолади. Лекин бу ҳол ёзувчининг отларга бўлган меҳрини сусайтирмайди. У умрининг охиригача: “Агар автомобиллар отларнинг ўрнини эгалламаганда, йилқичилик билан шуғулланардим”, деган гапни бот-бот айтиб ўтади.



Ёзувчи олтмиш ёшларида от спорти устаси билан танишиб қолади. Ёшига ҳам қарамай чавандозлик билан шуғулланиб кўрмоқчи бўлади. Тўсиқлардан сакраб ўтишда бошқа чопагонлар каби оёқларини от биқинига тираб олиш ўрнига кенг очган Фолкнер эгардан учиб кетади. Натижада шунингсиз ҳам оғрийдиган умуртқасидаги дард ортади. Бироқ ёзувчи умрининг охиригача “от муҳаббати”дан воз кечмайди. Қайта-қайта отдан йиқилса-да, яна эгарга чиқаверади.



Ҳаётнинг энг қийин даври

Ҳаётнинг энг қийин палласи қайси, деган саволга ҳар ким турлича жавоб бериши мумкин. Жумладан, адиблар ҳам. Масалан, атоқли туркман шоири Махтумқули бир ўринда: “Дард ёмони қариликдир, ёронлар”, дея умрининг охириги босқичи заҳматларга тўлалигини айтади. Машҳур олмон ёзувчиси Эрих Мария Ремарк эса бошқача фикрда: “Айтишларича, умрнинг дастлабки етмиш йилини яшаб олиш қийин. Ундан у ёғи силлиқина кетади”.

Ориф ТОЛИБ
тайёрлади.